


Абу Муслим

# МИССИОНЕРЛАР ҲАМЛАСИ

Тошкент 2013



## **Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм**

Албатта, барча ҳамду санолар Аллоҳгадир! Биз У Зотни мақтаймиз. У зотдан мадад ва мағфират сўраймиз. Аллоҳдан ўз нафсимиз ва амалимиз ёмонликларидан паноҳ тилаймиз. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, уни залолатга кетказувчи йўқ ва кимни залолатга кетказса, уни ҳидоят қилувчи йўқ. Гувоҳлик бераманки, ёлғиз ва шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ. Яна гувоҳлик бераманки, албатта, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Унинг кули ва расулидир.

Аллоҳ таоло Куръони Каримда: **«Ким Исломдан бошқа динни хоҳласа, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлади»**<sup>1</sup>, деган.

**«Аҳли китобдан ҳеч нарса сўраманглар. Улар адашган одамлардир, сизларни ҳаргиз ҳидоятга сола олмайди. Уларга ишонсангиз, ё ботилни тасдиқ қилган бўласиз, ё ҳақни ёлғонга чиқарган бўласиз. Аллоҳга қасамки, Мусо ва Ийсо тирик бўлганларида, менга эргашишдан бошқа нарса уларга ҳалол бўлмас эди»**.<sup>2</sup>

**«Миссионерлик** (лотинча «юбориш», «топширик») – черков ташкилотларининг бирор динни ўз юртидаги ёки ўзга юртлардаги ғайридинлар ўртасида тарқатиш соҳасидаги фаолияти. Миссионерлик босқинчилик урушлари даврида мустамлакачи империяларни барпо этиш ва мустаҳкамлашда идеологик экспансия турларидан бири бўлган. Миссионерлар ошқора ёки махфий равишда Америка, Осиё, Африка халқларини забт этишда қатнашганлар...»<sup>3</sup>

1 «Оли Имрон» сураси, 85-оят

2 Ҳофиз Абу Яъло Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадис

3 Энциклопедия

## МУҚАДДИМА

Маълумки, сўнги пайтларда кўпгина ёшлар, ҳатто қарилар ҳам ўзларининг муқаддас динларини ташлаб, ҳар хил дин ва диний оқимларга ўтиб кетмоқдалар. Муртадлар сони кундан кунга кўпайиб бориши шу даражага етдики, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида туб аҳолининг минглаб вакиллари христиан динига ўтиб кетган. Бу ҳолга чек қўйилмас экан, яқин келажакда уларнинг сони миллиондан ошиб кетиши турган гап. Бу ҳол яхшилаб ўрганилмаса, миллат барқарорлигига таҳдид солиши турган гап!!!

Дунё тарихига назар соладиган бўлсак, миссионерларнинг ўзга дин вакиллари орасидаги фаолияти ҳар доим минтақа барқарорлигини бузган, аҳоли орасида нотинчликларга, қон тўкилишларга сабаб бўлган. Бунга Индонезиядан Шарқий Тимор оролининг, мусулмон давлатидан ажралиб чиқишини мисол қилиб келтириш мумкин. Воқеани кузатган мутахассисларнинг фикрича, бу ҳолатнинг юзага келишига миссионерларнинг бевосита алоқаси бор. Африка қитъасида ҳам миссионерларнинг олиб борган ҳаракатлари туфайли кўп қон тўкилган. Ҳозирги кунда Судан давлатида ҳам айнан миссионерларнинг туб аҳоли ўртасида олиб борган фаолияти туфайли христианлар ва мусулмонлар ўртасида қонли уруш давом этмоқда. Улар бу давлатда ҳам худди Индонезия ҳудудидан Шарқий Тиморни ажратиб олишда фойдаланилган сценарийни қўллашга уринмоқдалар.<sup>4</sup>

Хўш, ўзи миссионерлар кимлар?

“Миссионерлик ҳақида гап кетар экан, аввало ушбу тушунчанинг луғавий ва истилоҳий маъноларини тушуниб олиш муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу сўз лотин тилидаги «missio» феълидан олинган бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш», миссионер эса “вазифани бажарувчи” деган маъноларни англатади. Миссионерлик эса белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган назарий ва 4 Мана, бу рисола ёзилган вақтдан олти-етти йил ўтиб, Суданда референдум ўтказилди ва христианлар яшайдиган ҳудудлар алоҳида христиан мамлақати бўлиб олди. Бошқа мусулмон ўлкаларида ҳам шунга ўхшаш қабих режалар амалга оширилаётганлиги кузатилмоқда. Асосан “демократия” ўрнатиш, “инсон ҳуқуқларини” химоя қилиш шиорлари билан мусулмон ўлкаларидаги ҳукуматга таъсир қилиш йўллари билан ўзларининг фаолиятларига замин ҳозирлайдилар...

амалий фаолият мажмуини билдиради.

Турли луғатлар ва манбаларда миссионерликка кўплаб таърифлар берилган. Уларнинг деярли барчасида миссионерликка хос хусусиятлар атрофлича тавсифланган. Жумладан, ҳар йили қайта нашр этиладиган “Жаҳон китоби” энциклопедиясида “Миссионер бирор диний гуруҳ томонидан бошқаларни ўз динига тарғиб қилиш ва киритиш учун юборилган инсон”, — деган фикр қайд этилган. 2005 йилда Москвада нашр этилган “Кирилл ва Мефодийнинг катта энциклопедияси”да эса «Миссионерлик бирор диний бирлашма вакилларининг ўз эътиқодини бошқа дин вакиллари орасида ёйиш ҳаракати», — деган таъриф келтирилган”.<sup>5</sup>

Уларнинг мақсадлари ва «даъват» қилаётган нарсалари нима?

*«Сиртдан қўй оғзидан чўп олмайдиган бўлиб кўринган бу миссионерлар аслида кўпни кўрган, ишибилармон, илоннинг ёгини ялаган уздабуронлардир. Улар баъзи соддаларга ўхшаб, иш режаси ва низомини кўтариб, рўйхатдан ўтказишни сўраб, давлат идораларига бормайдилар. Аввало вазиятни, кишиларни, амалдорларни, уларга чиқиши йўлларини яхшилаб ўрганадилар. Кейин эса аста-секин инсоний ёрдам, тиббий хизмат, хайру эҳсонга ўхшаиш нарсалардан гап очадилар. Қўлидан иш келадиганларга “совгалар” уюштирадилар. Ўз юртларига олиб бориб, ўйнатаиб келадилар. Қарабсизки, ўша миссионернинг ташиқилоти расмий рўйхатдан ўтиб турибди-да. Аста-секин у ер-бу ердан одамларни тўплаш бошланади, оддий суҳбат, чой ичиш, видеофильм кўриш, кичкинагина совга ва совгага қўшиб, суҳбатдошининг она тилидаги миссионернинг дини ҳақидаги китоб берилади. Китобнинг сўнгида албатта, тушунмай қолганда сўраб-суриштириши учун телефон рақами ёки манзил кўрсатилган бўлади. Икки-уч марта уюштирилган шунга ўхшаиш суҳбат ва совгалардан кейин қарабсизки, етти отаси мусулмон бўлиб келган бир шахс христиан, қришиначи ёки буддачи бўлиб турибди-да.*

*«Янги динга янги аъзо бўлган киши кўпроқ савоб топиши керак, — дейди миссионер ўзининг янги мухлисига. — Бунинг энг осон йўли — оила аъзоларингни, яқин кишиларингни динимизга чақиритишинг. Агар ҳар ҳафта биттадан янги одам олиб келсанг, савобнинг тагида қоласан. Кўчада юрганингда ҳам бекор юрма, ўзинг билан мана бу китобчалардан олиб юр. Одамлар гавжум бўладиган дўкон, бекатга ўхшаиш жойларга битта-*

5 А. Очилдиев, Ж. Нажмиддинов. “Миссонерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари”

*битта ташлаб қўй. Одамларнинг уларига – остонасидан ичкарига ташлаб қўйсанг, яна ҳам яхши бўлади».*

*Қарабсизки, ўзимиздан чиққан иймонфурушлар ўзимизни бузишга жон-жаҳди билан уриниб ётибди-да! Ўз атрофига етарли гумаиталарни тўплаб олган миссионерлар кичкина эълон чиқаради: «Фалон жойда, фалон соатда дўстлик учрашуви бўлади. Дастурда турли кўнгилочар ўйинлар, рақслар, фильмлар... Хоҳловчилар марҳамат қилсин». Дастур сўнгида албатта роҳибнинг ваъзи бўлиши, матбуот тарқатилиши аниқ бўлгани учун уни ёзмаса ҳам бўлаверади.*

*Аста-секин бундай учрашувлар одат тусига киради. Кичикроқ бир жой ижарага олинади, кейинроқ сотиб олинади. Охири бориб ибодатхона қурилади. Ҳозирда Туркистонимизнинг ўзида асли муслмон бўлган кишилардан бир неча роҳиблар қирғиз, ўзбек ёки бошқа миллат черковларини бошқармоқдалар».<sup>6</sup>*

Ўлкамиз мустақил бўлган кундан бошлаб чет эллардан турли хил диний оқимларнинг юртимизга ёпирилиб келганлиги ва бу ҳолатнинг авж олиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. Миссионерларнинг ҳар бир ҳаракатида миллатимизга, динимизга нисбатан катта хавф яшириниб ётибди. Улар мамлакатимизнинг содда фуқароларини ўз тузоқларига илинтириб, онгини захарламоқдалар. Охир-оқибат бундай инсонлар манкуртга айланиб, ўз миллати, давлати ва динининг қадрига етмай, ватанига, диёнатига бўлган “садоқат гулларини” оёқости қилмоқдалар.

Миссионерлик фаолияти мафкурамиз учун шунчаки ёт унсур бўлиб қолмай, балки маънавиятимиз ривожини учун ҳам катта тўсиқдир.

Яқиндагина мустақилликка эришганимизда, энди маънавий қулга айланамизми?

Айтинг, ахир найрангбоз миссионерларнинг қўлида қўғирчоққа айланиб қолиш шармандалик эмасми?

Миссионерларнинг зарбасига қарши кураша олмасак, уларга енгилсак, бу дунёда ҳам, охирабда ҳам шарманда бўлмаймизми?

Биз нафақат ўзимиз, балки келажак авлоднинг диний камолоти учун ҳам масъул эмасмизми?

Бизнинг юртимиз ҳисобидан уларнинг издошлари кундан-кунга кўпайиб бораётганлигининг сири нимада экан?

6 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Миссионерлар фаолияти”

Нима учун буюк бир миллатдан пасткаш муртадлар чикмоқда?

Қандай қилиб баъзи бирларимиз Ҳақ диндан осонликча юз ўгирмоқдамиз?

Нега асрлар давомида ота-боболаримиз шарафлаб, кўз қорачиғидек авайлаб келган диндан биз осонликча юз ўгирмоқдамиз?

Саволлар кўп... Биз бу саволларга жавоб излаб, бош қотиришда давом этмоқдамиз. Насроний дин оқимларидан Иегова шоҳидлари, Евангелистлар, Адвентистлар, Баптистлар ва бошқа кўплаб каттаю кичик черков вакиллари эса юртимизда ўзларининг «самарали» овларига ўлжа излашда давом этмоқдалар.

Инсоният учун икки йўл бор: фалокат ёки нажот. Ўта раҳмли ва меҳрибон Зот – Аллоҳ таоло инсониятга Ўзининг элчиларини юбориб, абадий нажотни таклиф этган. Орамизда ҳозирда пайғамбарлар бўлмасалар-да, лекин улар ўргатиб кетган таълимотлар ва кўрсатиб берган саодатли йўллар мавжуд.

Аммо, айримлари шу даражада бузилиб кетганки, уларни таърифлашга тил ожиз. Баъзилар эса адашиб, зулмат ботқоғига ғарқ бўлганлар. Лекин инсониятнинг нажот топиши учун бир йўл бор, у ҳам бўлса Ислом динидир. Охират ва бу дунё ҳақиқатларини ўзида мужассам этган дин Исломдир. Исломнинг асл ҳақиқати эса тавҳиддир.

*«Борлиқдаги энг муҳим ва улуг ҳақиқат – буюк ва холиқ Зот, осмонлару ерни, инсу жинни яратувчи Зот, борлиқни, ундаги низомларни, табиатни, қонунларни яратувчи Зот, кўринадигану кўринмайдиган ҳамма нарсаларни яратувчи Зот – Аллоҳнинг борлигига ишониб, иймон келтирмоқ».*<sup>7</sup>

Миссионерлар даъват этаётган нарса ҳам сиртдан чиройли кўриниши, уларнинг мулойим гапларию, хайр-эҳсонларининг чегараси йўқ бўлиб туйилиши мумкин, аммо улар даъват этган нарса тавҳид эмас, аксинча, ширкдир. Аслида эса барча самовий динларнинг қалби тавҳид бўлиши керак эди.

*«Бутун самовий динларда тавҳиднинг алоҳида ва аҳамиятли ўрни бордир. Ҳазрати Нуҳдан то ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломга қадар бутун пайғамбарларнинг даъватларида илк мавзу Тавҳид шиори эди. Аллоҳ таоло Ўз қулларига ҳидоят қилиб юборган бутун пайғамбарларнинг илк вазифалари бир-биридан ажрамайдиган ва бир*

<sup>7</sup> Абдуллоҳ Саъд, “Исломнинг асосий ҳақиқатлари”

*бирини тўлдирадиган икки асосдан иборатдир:*

*а) фақат Аллоҳга ибодат қилишга даъват;*

*б) тоғутлардан (сохта маъбудлардан) узоқлашишга даъват».*<sup>8</sup>

Насронийларнинг баъзилари Ийсо алайҳиссаломни Робб, баъзилари эса Худонинг ўғли дедилар. Ийсо алайҳиссаломнинг оналарини ҳам Худо қилиб олдилар (богородица, богоматеръ, дева Мария), ҳатто 431 йилда ўтказилган жаҳон соборида улар Биби Марямни «Худонинг онаси» деб расман тан олишган. Католиклар ва бошқа христиан оқимлари орасида Биби Марямга сиғиниш ниҳоятда ривожланиб кетди. Ҳатто черковларга Биби Марямнинг ҳайкал ва расмларини ўрнатиб қўйиб, унга сиғинадилар. Аслида эса Ийсо алайҳиссалом ўз умматларини фақат Аллоҳга ибодат қилишга даъват этган эди. У осмонга кўтарилиб кетгач ва ҳақиқий ҳаворийлар давриданок сохта устозлар ўзларининг турли ботил таълимотлари ила Ийсо алайҳиссаломнинг йўллариغا ҳамла қилдилар.

Иншааллоҳ, бу масалани кейинги бобларда ўрганамиз. Ҳозир эса Куръони Каримга мурожаат этамиз:

Аллоҳ таоло: «**Эй Ийсо ибн Марям, сен одамларга «Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни илоҳ қилиб олинглар», дедингми?»** деганини, у эса: «**Эй пок Парвардигор, ҳаққим йўқ нарсани мен айта олмайман-ку. Агар айтган бўлганимда, батаҳқиқ, сен уни билар эдинг. Сен менинг дилимдагини биласан, мен сендаги ҳеч нарсани билмайман. Албатта, сен ўзинг ғайбларни энг яхши билгувчи зотсан»,** деганини эсла. «**Мен уларга ўзинг менга амр қилган нарса менинг Роббим ва сизнинг Роббингизга ибодат қилингдан бошқасини айтганим йўқ. Ва модомики ораларида эканман, уларга гувоҳ бўлдим. Мени ўзингга олганингдан сўнг, сенинг ўзинг уларга кузатувчи бўлдинг. Зотан, сен ҳар бир нарсага гувоҳсан»,** деган.<sup>9</sup>

«**Ва улар: «Жаннатга яҳудий ва насронийлардан бошқа ҳеч ким кирмас»,** дедилар. Бу уларнинг хом хаёлларидир. Сен: «**Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатингизни келтиринг»,** деб айт. **Йўқ! Кимки яхшилиқ қилган ҳолида юзини Аллоҳга топширса, унга Робби ҳузурда ажр бордир. Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар. Яҳудийлар: «Насронийлар арзимас**

<sup>8</sup> Юсуф Қаразавий, «Тавҳид ҳақиқатлари»

<sup>9</sup> «Моида» сураси, 116-117-оятлар, «Тафсири Ҳилол»

**нарасададирлар», дедилар. Насронийлар: «Яхудийлар арзимас нарасададирлар», дедилар. Ва ҳолбуки, улар китоб тиловат қилурлар. Шунингдек, билмайдиган кимсалар ҳам уларнинг гапига ўхшаш гап айтдилар. Бас, қиёмат куни ораларида Аллоҳ улар ихтилоф қилган нараса ҳақида ҳакамлик қиладир».<sup>10</sup>**

Яхудий ва насронийларга Қуръони Карим «аҳли китоб» деб ном берган. Улар охириги рисолатни қабул қилмадилар. Баъзилари эса охириги рисолатга қарши чиқдилар, яъни «Қуръонни Муҳаммаднинг ўзи (аҳли китобларнинг динларидан таъсирланиб) ёзган», дейдилар. Астағфируллоҳ!

Аслида эса: *“Дунёда Қуръони Каримдан бошқа соф, тағйир топмаган (ўзгартирилмаган) илоҳий, самовий китоб йўқ. Баъзи бир илоҳий китоблик нисбати берилаётган китоблар асл ҳолидан бошқача бўлиб, турли гаразгўй фикр ва гапу сўзлар қўшилиб, бузуқ ҳолга келиб қолган китоблардир. Агар мабодо улар бузилмай қолганда ҳам, барибир улар Қуръони Карим келганидан сўнг мансуҳдирлар”<sup>11</sup>.*

Миссионерларнинг асосий иддаоларини “Қуръон илоҳий китоб эмас», “Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар эмас” деган асосиз гапларидан англаб олиш мумкин. Аксинча, улар ўзларининг китобларини илоҳий китоб деб атайдилар.

Ушбу муъжазгина китобчамиз эса уларнинг баъзи иддаоларини таҳлил қилиб кўради.

Насроний дин вакиллари Қуръони Каримга иймон келтирмайдилар. Улар Аллоҳ таолонинг ҳақ Китоби бўлмиш Қуръони Каримни Муҳаммад алайҳиссалом ёзган, дейишдан ҳам чўчимайдиган қавм бўлганлиги сабабли уларга ўзлари муқаддас санаб келаётган китобларидан «ҳужжат» ва «далил» кўрсатишга мажбурмиз. Бу билан уларнинг муқаддас китоблари бенуксон ва Аллоҳ таоло нозил қилган ҳолда, дейишдан сақланамиз. Албатта, бу уринишларимиздан мақсад, уларни камситиш эмас. Фақат «виждон эркинлиги» қонунидан самарали фойдаланиб, ислом дини вакилларини ғирром йўллар билан ўз тузоқларига илинтириш мақсадида юрган баъзи бир христиан миссионерлари ҳамда уларнинг ўлжасига айланаётган манқуртларга хитоб қилмоқчимиз, холос.

Биз, мусулмонлар иймон келтирган китоб, бу Ийсо алайҳиссалом

10 «Бақара» сураси, 111-113-оятлар

11 «Тафсири Ҳилол»дан



баён этган хушхабар, яъни ҳақ Инжилдир. Ҳозирги кунимиздаги мавжуд Инжиллар Ийсо алайҳиссаломга нозил бўлган Инжил эмас. Буни мазкур китобларнинг номларидан ҳам билиб олсак бўлади. Мисол учун, «Магто баён этган хушхабар», «Лука баён этган хушхабар», «Юҳанно ва Марк баён этган хушхабар»лардир. Тарихда булардан бошқа ҳам яна кўп Инжиллар бўлган. Уларнинг кўпчилиги тарихий бухронларга дош беролмай, йўқолиб ёки йўқотиб ташлангандир.

Ҳозирда христиан дини тарғиботчиларининг исталган биттасидан «Менга Ийсо алайҳиссалом баён этган хушхабарни кўрсатинг», дейилса, кўрсатиб бера олмаслиги муқаррар, бунга ожиздир.

Яна бошқа биттасига «Ийсо алайҳиссаломнинг «Мен худоман, менга ибодат қилинг» деб айтган жойи бўлса, менга кўрсатинг» деб кўринг-чи, кўрсатиб бера олармикан?! Албатта, йўқ! Лекин бу ноинсофлар Ийсо алайҳиссаломни худо дейишдан қайтмайдилар. Ўша кимлардир томонидан ўзгартирилган Инжилда ҳам аниқ қилиб «Ийсо – бу Худо» деб ёзилган жойи йўқ. Шунчаки баъзи ноаниқ ибораларни ҳар хил оқимлар ўзларича таъвил қиладилар. Ушбу фикрларида ўзларини ҳақ деб биладиганлар ўзлари таъвил қилаётган нарсаларининг манбасини бир ўрганиб чиксалар, фойдадан холи бўлмас эди.

Хулласи калом, эътиборингизни Инжилдаги тавҳид масаласи ва бошқа баъзи бир ақийдавий ихтилофларга қаратмоқчиман.

### **Нима учун бизга бу мавзу керак?**

*“...Авваламбор, халқимизни огоҳликка, сергакликка чақирши. Зеро, “Ватан”, “Миллат”, “Дин” тушунчалари муқаддас тушунчалардир. Уларга эътиборсизлик қилишига ҳеч бир кишининг ҳаққи йўқ.*

*Иккинчидан, ҳар бир инсон бирор нарса ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлмоғи зарур. Бирор нарсани нотўғри талқин этишига, бўяб кўрсатишига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.*

*Учинчидан, мусулмонга нима зарур ва нима нозарур эканлигини яна бир бор эслатиб қўйиш ҳам жуда муҳимдир”.*<sup>12</sup>

Масалаларни ўрганишда асосан машхур Ислом Инжилшунослари Аҳмад Дийдат, Абдул Ҳамид Қадрийлар тутган йўлларни тутдим, яна қирғиз биродаримиз А.А.Бойматов ҳамда рус биродаримиз Али 12 Акмал Аваз, “Миссионерлик найранглари

Вячеслав Полосинларнинг китобларидан ҳам фойдаландим. Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин.

**Улар: «Яҳудий бўлинг, насроний бўлинг, хидоят топасиз», дейдилар. Балки: «Иброҳимнинг ханиф миллатига (диниға) эргашамиз ва у мушриклардан бўлмаган», деб айт. Айтинлар: «Аллоҳға ва биз туширган нарсаға, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, асботларға туширилган нарсаға, Мусо, Ийсо ва пайғамбарларға Роббиларидан берилган нарсаға иймон келтирдик. Уларнинг орасидан бирортасини фарқламаймиз ва биз унга мусулмонлармиз. Агар сиз иймон келтирганға ўхшаш иймон келтирсалар, батаҳқиқ, хидоят топадилар. Ва агар юз ўгирсалар, бас, албатта, улар хилофдан бошқа нарсада бўлмайдилар. Аллоҳ сенға улар (ёмонлиғи)дан кифоя қилади. Ва у эшитгувчи, билувчи зотдир».**<sup>13</sup>

---

<sup>13</sup> «Бақара» сураси, 135-136-137-оятлар

## ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМ ҲАҚЛАРИДА

Иброҳим алайҳиссалом тавҳидга, яъни якка Худога сиғинишга даъват этган улуғ пайғамбардирлар.

Иброҳим алайҳиссалом ўзларидан кейинги барча пайғамбарларнинг отаси ҳисобланадилар. Барча самовий дин вакиллари у зот алайҳиссаломни ҳурмат билан тилга оладилар ва унинг меросхўри эканликларини эътироф этадилар. Аслида эса Иброҳим алайҳиссаломга ким ҳақиқий меросхўр эканлигини Аллоҳ таоло бизларга Куръони Каримда марҳамат қилиб билдирган.

**«Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаган эди. Лекин у ҳақ йўлдан тоймаган мусулмон эди. Ва мушриклардан ҳам бўлмаган. Албатта, одамларнинг Иброҳимга ҳақлироғи унга эргашганлар, мана бу пайғамбар ва иймон келтирганлардир. Аллоҳ мўминларнинг валийсидир».**<sup>14</sup>

Яҳудийлар ва насронийларнинг муқаддас китобларида Иброҳим алайҳиссалом ҳақларида:

**«...Сени табаррук қилиб, номингни улуғлайман. Сен баракали бўлгайсан. Сени дуо қилганларни Мен дуо қиламан, сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман. Ер юзидаги барча қабилалар сендан барака топадилар»**<sup>15</sup> дейилган. Балки бу мусулмонлар ҳақидаги башоратдир (валлоҳи аълам), чунки мусулмонлар Иброҳим алайҳиссаломни намозларида бир куннинг ўзида 40 мартадан зиёд ёд этиб, Аллоҳга дуо қиладилар:

**«Аллоҳим! Иброҳимга ва унинг оиласи-умматига раҳмат этганинг каби Муҳаммадга ва унинг оиласи-умматига ҳам раҳмат ёғдиргин. Албатта, Сен мақтовли ва улуғ Зотсан. Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оиласи-умматига баракот – хайр ато этганингдек, Муҳаммадга ва унинг оиласи-умматига ҳам баракот – хайр ато этгин. Албатта, Сен мақтовли ва улуғ Зотсан».**<sup>16</sup>

Яҳудий ва насронийлар ифтихор билан «Бизлар Иброҳим алайҳиссаломнинг зурриётидирмиз ва Аллоҳ таоло бизлар билан аҳд

14 «Оли Имрон» сураси 67-68-оятлар

15 «Ибтидо» 12-2,3

16 Бухорий ривоят қилган.

тузган. Бизлар жаннат эгаларимиз ва фақат бизлар ҳақ йўлдадирмиз», дея даъво қиладилар.

**«Ибром тўқсон тўққиз ёшга кирган эди. Худованд унга зоҳир бўлиб, деди: «Мен Қодир Тангриман. Менинг олдимда покдил бўлиб юргин. Мен сен билан аҳд-паймон қиламан, сени жуда ҳам кўпайтираман».**

**«Ибром юз тубан ерга йиқилди. Худо у билан гаплашиб, деди: «Мен сен билан аҳд қилиб, сени кўпдан-кўп халқларнинг отаси қиламан. Сенинг исминг энди Ибром эмас, балки Иброҳим бўлади, зеро, сени кўпдан-кўп халқларнинг отаси қилиб тайинладим. Сени жуда ҳам баракали қилиб, сендан эл-халқлар вужудга келтираман. Сенинг уруғингдан подшоҳлар келиб чиқадилар. Мен сен билан ва сендан кейинги авлодларинг билан наслдан наслга ўтиб, барқарор бўладиган абадий аҳдимни тузаман. Сенинг ва сендан кейинги авлодларингнинг Худоси Мен бўламан. Сен ҳозир мусофирларча яшаётган мамлакатни – бутун Канъон ерини сенга ва сендан кейинги авлодларингга абадий мулк қилиб бераман. Уларнинг Худоси мен бўламан».**

**«Худо Иброҳимга яна деди: «Энди сен ва сендан кейин туғиладиган барча авлодларинг ҳам Менинг аҳдимга риоя қилиб юринглар. Сенга ва сендан кейинги авлодларингга қуйидаги аҳдга риоя қилишингизни буюраман: орангиздаги ҳар бир эркак хатна қилинсин. Сизлар аъзонгизнинг учидаги терини кестириб, суннат бўлинглар. Ана шу Мен билан сизларнинг орангиздаги аҳднинг белгиси бўлади...».<sup>17</sup>**

Ҳозирги кунга келиб, насоролар Худо билан аҳдлашганларини унутиб, Аллоҳнинг элчиси Ийсо алайҳиссаломни ўзларига Худо қилиб олдилар. Улар ҳатто ана шу аҳднинг белгиси бўлмиш хатнани ҳам бекор қилдилар. Ахир бу уларнинг муқаддас китобларида баён қилинган амр эмасмиди?

**«Улар Ийсога жавобан:**

**–Бизнинг отамиз Иброҳим-ку, – дейишди.**

**–Агар сиз Иброҳим фарзандлари бўлсангиз эди, Иброҳимнинг қилган ишларини қилар эдингизлар, – деди Ийсо.**

**– Энди бўлса, Худодан эшитган ҳақиқатни сизларга сўзлаб бераётган Одамни – Мени ўлдирмоқчисизлар. Иброҳим бундай йўл тутмаган эди».<sup>18</sup>**

**Ийсо алайҳиссаломнинг ўз даврларидаги яҳудийларга айтган**

17 «Ибтидо», 17,1-11

18 «Юҳанно» 8, 39-40

гапларига эътибор қилинса, у зот ўзларининг Худо эмасликларини, аксинча, ўзларини **«Худодан эшитган ҳақиқатни сўзлаб бераётган Одам»** дея танитаётганларининг гувоҳи бўламиз. Шунга қарамасдан, черков вакиллари Ийсо алайҳиссаломни Робб даражасига кўтариб, унга сиғинадилар, ундан мадад сўрайдилар, ишларини унинг номи билан бошлайдилар ва яна бошқа кўпгина гуноҳи кабираларни ўзларида жам қиладилар-да, яна уялмасдан, «Бизлар Иброҳим алайҳиссалом зурриётидирмиз», дейдилар. Аслида эса **«Иброҳим бундай йўл тутмаган эди»**.

Шунга қарамасдан, насороларнинг айрим устозлари «Иброҳим алайҳиссаломга ваъда этилган меросдан баҳраманд бўламиз», деб юрадилар:

**«Агар Масихники бўлсангизлар, у ҳолда Иброҳимнинг ҳам зурриётисизлар, шунингдек, Худо Иброҳимга ваъда қилган меросдан баҳрамандсизлар»<sup>19</sup>** демокдалар, аммо Куръони Карим Иброҳим алайҳиссаломнинг зурриётлари ҳақида хабар бериб, бу масалага нуқта қўйгандир:

**«Эсланг: Иброҳимни Парвардигори бир неча сўзлар билан имтиҳон қилганида, уларни бенуқсон ҳолда адо этди. Шунда (Аллоҳ таоло): «Албатта, Мен сени одамларга имом қилгувчидирман», деди. «Зурриётимни ҳам-а?» – деб сўради у. (Аллоҳ таоло) айтди: «Менинг бу аҳдим (сенинг зурриётинг орасидаги) золим кимсаларга етмайди».**<sup>20</sup>

---

19 «Галатияликларга», 3, 29

20 «Бақара» сураси, 124-оят

## НАСРОНИЙ ДИНИ

Насроний дини жаҳон динларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунимиздаги тарраққий этган давлатларнинг асосийлари христиан динига мансуб кишиларнинг юртидир. Бу билан христиан дини мавжуд бўлган жойларда таррақиёт ривожланиб, бошқа дин вакиллари истиқомат этадиган юртларда инқироз, қоқоқлик ва ҳоказолар ҳукм суради, демокчи эмасмиз. (Мисол учун, Япония, Кореяга ўхшаш давлатлар насроний динларида эмаслар.) Балки, *«Исломи ҳақиқатларини билмаслигимиз оқибатида дунёвий нодонликка, моддий билимлардан беҳабарлик, тарраққиёт ва маданиятдан қоқоқликка учрадик».*<sup>21</sup>

*«...Баъзан кофир мусулмондан ва куч ҳақдан голиб келишига сабаб нима?»*

*Чунки мусулмон доими ҳам Исломига мувофиқ яшамаганидек, гайри муслимнинг баъзи ҳоллари Исломига уйғун келиб қолади. Масалан, илм олиши, ҳаракатчан бўлиши, хунарда илғор юриши мусулмонларнинг ҳаққи бўлгани ҳолда мусулмон кўпинча бу ва шунга ўхшаш соҳаларда орқада қолиши, гайри муслимлар эса илғорилаб кетишлари мумкин. Шунда гайри муслимлар устун, мусулмонлар орқада бўлади. Диққат қилинса, бу ерда устун гайри муслимнинг ўзи эмас, балки илм, ҳаракатчанлик ва хунардир. Булар эса ҳақдир. Демак, бевосита ботил эмас, ботил эга чиқиб олган «ҳақ сабаблар» устун бўлади. Мусулмонлар исломиятни ўрганиб, англаб яшасалар, шундагина ҳақ сабаблар билан ҳақ аҳли бирлашади ва устунликка эришилади...».*<sup>22</sup>

Ғарб қанчалик тарраққий этса-да, маънавий қашшоқдир. Насроний дини уларнинг қалбларидаги эҳтиёжларини қондира олмайди, уларнинг муҳим саволларига жавоб топиб бера олмайди, ҳаётларидаги кўпгина муаммоларни ҳал этишга ожиз бўлди. Аксинча, у кўп муаммоларни пайдо қилдики, унинг зарари ҳалигача инсоният тарихида қора доғ бўлиб турибди. Мустамлакачилик, ирқчилик, миллатчилик, атеизм, дарвинизм, фашизм, социализм, коммунизм, либерализмга ўхшаш «таълимотлар» Оврупо давлатларидан тарқалиб, ўзининг зарарли таъсирини бутун дунёга ўтказди ва ўтказиб келмоқда.

21 “Исломи икки ўт орасида” китобидан

22 “Ўлим йўқлик эмас” китобидан

Насронийлар юртида «ўзгани ўзинг каби севгин»<sup>23</sup> шиорига амал қилишга даъво қилган ҳолда, атом бомбасини ихтиро қилдилар-ку! Агар бу уларнинг «ўзгаларни севиши» бўлса, севмаслиги қандай бўлади? Иккита жаҳон урушининг содир бўлиши насронийликнинг ўчоғи ҳисобланмиш, ўзларини маданиятли сановчи ғарб миллатлари учун шармандалик эмасми?

*«Европо дегани диндан беҳабарлик ва фаҳшият манбаи бўлганидан унинг саноатидаги тарраққиёти бизни алдаб қўймаслиги керак. Саноат шунчалик муҳим бўлиши билан бирга, биз қила олмайдиган бир мушкулот эмас. Иқтисодга риоя этилган тақдирда қисқа фурсатда улардан яхшироқ ишларни қилишимиз муҳаққакдир. Биз учун лозим асл асосий нарса, динимизга риоят этган ҳолда шарият ва маънавий салтанатимизни ҳам тикламоғимиздир...».*<sup>24</sup>

Улар ҳар қанча тарраққий этсалар-да, ракеталарини учуриб, ойга ёки бошқа сайёраларга парвоз қилсалар-да, жамиятларидаги фохишабозлик, наркомания, ароқхўрлик каби иллатлардан фориғ бўла олмадилар. Оилавий муносабатларнинг нормал ҳолатда эмаслиги, қўйди-чикдиларнинг кўпайиб бориши, қариялар уйи, етимхоналар, сан-саноқсиз қотилликлар, оммавий ароқхўрликлар, ёшларнинг бебош бўлиб бораётганлиги ва бошқа кўпгина гуноҳларнинг авж олиб кетиши жамиятдаги маънавиятнинг кадрсизланиб бораётганлигининг далолатидир. Шунинг учун бўлса керак, насроний миллати маънавий муаммоларини баргараф этиш ва адолатли жамият қуриш мақсадида ўзини ҳар тарафга уриб кўрди. Ўша пайтларда биз уларга Ислом таълимотларини ўргатиш ўрнига, ўзимиздаги бор исломий илмларга ҳар хил бидъатларни аралаштириб юбордик. Ислом аста-секин ҳаётимиздан чиқиб кетганлигини ўзимиз сезмай қолибмиз, ислом таълимоти ўрнига ғарбдан келган ботил таълимотлар ҳаётимизнинг барча қатламларига кириб, ўзининг зарарли таъсирини ўтказди ва ўтказиб келмоқда. Оқибатда кўпгина ислом ўлкалари ғарб давлатларининг мустамлакаларига айланиб қолди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин маълум сиёсий ўзгаришлар оқибатида ислом ўлкалари сиёсий мустақилликка эриша олдилар. Энди ғарб бизларнинг сиёсий мустақиллигимизни тан олсалар-да, лекин амалда бизнинг юртларда миссионерлик фаолиятини

23 Матто, 19-19

24 Иброҳим ал-Бурсавий

кенг кўламда ривожлантириб юбордилар. Уларнинг бирдан-бир мақсадлари онгимизга ҳокимлик қилишдир.

1999 йил 20 майда Канада олий суди эркаклар билан эркаклар ўртасидаги никоҳни тан олди. Бир журналист биродаримизнинг таъбири билан айтганда, «Энди оталари билан қизларини, оналари билан ўғил фарзандларини, итнинг хўжайини билан итларининг никоҳини қайд қилишларини тан оладиларми?» Ахир бундай никоҳларга бепарволик билан қараш одамийликка тўғри келадими? Бу ҳол Оврупо давлатларида ҳам кузатилаётгани ачинарлидир. Албатта, бунга насоролар ҳам қаршилар, аммо улар ўз уйларида инсонийлик фазилатларини тиклаш ўрнига бизларга нажот ҳақида сафсата сотиб юрибдилар.

Уларга Павелнинг Пётрга: *«Мен эса улар Инжил ҳақиқати бўйича ҳаракат қилишмаётганлигини кўриб, ҳаммага эшиттириб Петрга: “Агар сен яҳудий бўла туриб, яҳудийлар каби эмас, мажусийлар каби яшаётган бўлсанг, қандай қилиб мажусийларни яҳудийлашмоққа мажбур этяпсан?” дедим»*<sup>25</sup> деб айтган гапларини эслатиб ўтамиз. Сабаби, уларнинг ўзлари Инжил кўрсатмаси билан яшамайдилар, лекин бизнинг Инжил ақийдалари асосида яшашимизни хоҳлайдилар.

Миссионерлар ҳамласи ортида кимларнинг ғаразли манфаатлари ётибди экан?

Нега улар ўзларининг юртидаги мавжуд маънавий инкироздан чиқиб кетиш йўлларини изламасдан, келиб, бизларни «тарбияламоқчилар»?

Улар Бухорий, Термизий, Марғилоний, Беруний, Навоий, Улуғбек каби буюк сиймоларнинг авлодларига маънавиятни ўргатмоқчиларми?

Биз уларнинг «маънавият» дарсларига муҳтожмизми? Ахир имом Бухорий ўзларининг “Ал-жомий ас-саҳиҳ”ларини ёзган вақтларида баъзи бир ғарб халқларининг ҳатто алифболари ҳам йўқ эди-ку!

Насроний дини ҳеч қачон яхлит дин бўла олмаган. Бу дин асосий уч йўналиш – католиклар, православлар ва протестантларга бўлиниб кетди. Буларнинг ҳар бири ўз навбатида яна турли оқимлар, йўналишлар, гуруҳлар, секталарга ажралиб, бу бўлиниш ҳамон давом этиб келмоқда. Улар бир-бирларини тан олмаган ҳолда, ошкора ёки махфий тарзда бир-бирларининг “гўшт”ларини емоқдалар.

Насроний дини ўзининг вужудга келган илк кунларидан бошлаб, ханузгача бўлинишда, парчаланишда, фирқа, оқим ва гуруҳларга бўлинишда давом этишига сабаб, уларда мукаммал

<sup>25</sup> «Галатияликларга», 2,14



диний кўрсатмаларнинг йўқлиги бўлса керак. Мукаммал диний кўрсатмаларининг йўқлигининг сабаби эса ихтилофлардан холи бўлган асл муқаддас илоҳий китобнинг мавжуд эмаслигидир.

Насроний динининг ақийдаси асосан II ва IV асрлар оралиғида шаклланган. Бу жараён эса енгил кечмаган. Ақийдавий ихтилофлар Рим империясининг ҳар бир бурчагигача кириб борди. Баҳслар асосан “Ийсо алайҳиссалом Худоми ёки инсонми?” деган савол устида борар эди. Баъзи гуруҳлар «Ийсо алайҳиссалом Бани Исроилга юборилган пайғамбар» дейишса, баъзилари Ийсо алайҳиссаломга туҳмат қилиб, уни «Худо» дедилар ва бу фикр Рим империясининг асосий ақийдаси бўлиб қолди. Императорлар бутун насронийларни мазкур ақийдада бирлаштирмоқчи бўлдилар. Бу ақийдани тан олмаганлар қувғинга учрадилар.

Бир инжилшунос олим гуруҳларнинг бир-бирларини қуфрда, бидъатда, муртадликда айбашларини кўриб, «Уларни ҳар хил динга мансуб бўлса керак, деган фикрга бориш мумкин эди» деган эди.

Инсоф билан таъкидлаш лозимки, насронийларнинг кўп фирқалари бу ақийдага қўшилмадилар. Уларнинг ичида кўзга кўринган оқимлардан бири Арийчилик эди. Улар расмий черковнинг ота худо ва ўғил худо(Ийсо)нинг бир моҳиятга эга экани ҳақидаги асосий ақийдаларини қабул қилмай, бунини «Икки худоликни тан олиш» деб ҳисоблаган.

Арийчилик «Фақат ягона Худо азалий бор ва абадий мавжуд, «худонинг ўғли» эса илоҳий моҳиятдан эмас, балки йўқликдан яратилган», деган ақийдага ишонган тоифа эдилар. Шунга ўхшаш ҳар хил оқимлар ўша пайтда қувғинга учраганлар. Улар фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилиб, қийноқ ва азоблар билан қўрқитилишларига қарамай, ушбу оқим анча вақт ўз мавқеини сақлаб қола олган.

Ислом дини ўзининг байроғини баланд кўтарганида, асл насроний оқим вакиллари Исломни ҳақ дин дея қабул қилганлар. Шом, Кичик Осиё ярим ороли, Миср, Шимолий Африка халқлари, Ироқ ва Эрон насронийларининг кўпчилиги ҳеч иккиланмасдан, Исломни қабул қилганлар. Балки шунинг учун бўлса керакки, Ислом Атлантика океанидан то Ҳиндистон ярим оролигача яшин тезлигида тарқалган. Ҳозирда христиан оламидаги кўплаб кишилар фақат

Исломга юзланиб, Қуръони Каримга иймон келтириб, боши берк, зулматга чўмган кўчаларни тарк қилиб, порлоқ манзилли, нурли йўлларга қадам босаётганлари бежиз эмас.

Зеро, Ҳазрати Ийсо алайҳиссаломни ҳақиқий мақомларида улуғлаган, у зотнинг пок номларини ҳар хил бўлмағур тухмату бўҳтонлардан асраган ҳам Исломдир, Қуръони Каримдир.

*«Аллоҳ нозил қилган бу Қуръон яхши ишларга ундагувчи, ёмон ишлардан қайтаргувчидир, аввалги пайгамбарларнинг йўли ва ибратидир. Қуръонда сизлар ҳақингизда, ўтган умматлар тўғрисида ва келажакдаги ишлар хусусида хабарлар бор, сизларнинг орангиздаги ишларни ҳал этгувчи ҳукмлар бор. Қуръон кўп такрорлангани ва кўп истифода этилгани билан эскириб қолмайди, Қуръоннинг мўъжизалари тугамайди. Қуръон ҳазил эмас, ҳақ. Қуръон билан гапирган одам тўғри гапирган бўлади. Қуръон билан ҳукм қилган одам одил ҳукм қилган бўлади: Қуръонга таяниб уришган одам зафар қучади, Қуръонга биноан ҳукм чиқарган одам тўғри йўл тутган бўлади, Қуръонга амал қилган одам савоб топади, Қуръонни маҳкам ушлаган одам тўғри йўлга йўлланади. Қуръондан бошқа нарсадан ҳидоят кутган одамни Аллоҳ адаштиради, Қуръондан бошқа нарса билан ҳукм чиқарган одамни Аллоҳ ҳалок этади. Қуръон ҳикматлар зикридир, равшан нурдир, тўғри йўлдир, Аллоҳнинг тийран риштасидир, шифобахш малҳамдир. Қуръон ҳукмини маҳкам тутган одамни у асрайди, унга эргашиган одам нажот топади. Қуръонда тузатиш лозим бўлган қинғирлик йўқ. Қуръон ҳақиқатдан йироқ кетмайди, шу боис айблашга, таъна-маломатга учрамайди».*<sup>26</sup>

## Насронийларнинг муқаддас китоблари

### «ҚАДИМГИ АХД»

Библия аталмиш китоб насронийларнинг муқаддас китоблари ҳисобланади. Бу атама юнонча «bible», яъни «китоблар» деган маънони ифода этади. Ҳақиқатдан ҳам бу китоб жуда кўп китобларни ўз ичига олган. Насронийлар мазкур китобни икки қисмга бўлиб: I қисмини Қадимги Аҳд, II қисмини эса Янги Аҳд деб юритадилар. Янги Аҳдни яҳудийлар тан олишмаган.

Қадимги Аҳд (Таврот) асосан яҳудий динига мансуб бўлган кишиларнинг муқаддас китобларидир.

*«...Таврот пайғамбарларнинг ёлгончилик қилиши, гуноҳи кабиралар қилиши мумкинлигини эътироф этади. Масалан, Яъқубни ёлгончиликда айблади, Лутни эса «ўз қизлари билан зино қилган» дейди. Ҳорун ҳақида сўз юритиб, «У Исроил қавмини бузоққа сизинишга даъват этган», дейди. Ёки «Довуд ўзининг саркардаси Уриёнинг аёли билан зино қилган», деб маълумот беради. Сулаймонга сифат берар экан, «У ўзининг хотинларини рози қилиш учун бутга сизинган», дея айблади. Қуръони Каримда ҳам айнан мана шу пайғамбарларнинг қиссалари зикр қилинган. Лекин Тавротда айтилган ёлгон даъволарнинг биронтасини тасдиқламаган».<sup>27</sup>*

Насронийлар ҳам Эски Аҳдни тан оладилар, лекин амал қилмайдилар. Улар мазкур китобдан асосан Ийсо алайҳиссалом ҳақларида келган башоратларнигина ўқиб, завқ оладилар. Муҳаммад алайҳиссалом ҳақларида келган башоратлар ҳақида улардан сўрасангиз, «Сизнинг пайғамбарингиз ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган», деб жавоб қиладилар. Аслида эса Тавротда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳақларида ҳам башоратлар борлигини машҳур мусулмон инжилшуноси Аҳмад Дийдат ўзининг китобларида баён этган. Исломи динини қабул қилган католик черковининг рухонийси Девид Бенджамин Келдани<sup>28</sup> ўзининг «Библияда Муҳаммад» номли рисоласида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам

<sup>27</sup> Зоҳидхон Қодир, «Пайғамбарлар қиссаси»

<sup>28</sup> янги исми Абдулаҳад Давуд

хусусларида Таврот ва Инжил китобларида келган башоратларнинг ҳали биз билмаган янги қирраларини очиб берган. Муаллиф аввал католик черковининг ходими эди, лекин Аллоҳ таоло унинг қалбини ҳидоятга тўлдирди ва у Исломни ҳақ дин дея тан олди. Бунга ўхшаган минглаб черков вакиллари борки, Исломнинг ҳақлигини жуда яхши биладилар, аммо ҳар хил сабаблар ила ҳақни қабул қилишга, уни тан олишга журъат қилолмаётдилар. Аллоҳ таоло ҳаммамизнинг қалбларимизни ҳидоят нури ила тўлдирсин!

Қадимги Аҳд китоби узоқ вақт мобайнида, асосан эски яҳудий тилида ёзилгандир. Бу китобларга ҳам ниҳоятда кўп ўзгартиришлар, қўшимчалар қўшилган, айрим жойлари эса қисқартирилган. Мисол учун, Тавротда Мусо алайҳиссаломнинг вафоти, дафн қилиниши ҳақидаги маълумотларни Мусо алайҳиссалом ўзлари ёзмагани аниқ, у ерда ҳатто қабри қаердалигини ҳеч ким билмаслиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Мусо алайҳиссалом вафот топиб ва қабрга дафн этилиб, у зотнинг қабрлари қаерда жойлашганлигини Бани Исроил унутиб юборганига қадар қанча вақт ўтиши керак эди?<sup>29</sup> Балки, (валлоҳи аълам) Тавротга ҳар хил иборалар ўша пайтларда «қўшилиб» ёки «тушиб» қолгандир. Хусусан, бу масалаларнинг ечимини ғарб инжилшунослари чуқур ўрганиб: «Тавротга инсонлар томонидан ўзгартиришлар киритилгани аниқдир» деган тўхтамга келганлар.

*«Қадимги Аҳд – Библиянинг бир қисми бўлиб, иудаизмда ҳам, христианликда ҳам муқаддас ёзув деб эътироф этилади. Унинг таркибига «канонлаштирилган» 39та китоб киради. Қадимги Аҳд китобларини шартли равишда бир неча гуруҳга: Мусонинг беш китоби, тарихий китоблар, пайгамбарлар китоблари ва ёзувларга бўлиш мумкин. Ийсо Навин, Судьялар 1-4, 1-2 Паралипоменон, Ездра, Неемия китоблари тарихий китоблар туркумига киради. Пайгамбарлар китобларига «буюк пайгамбарлар» ҳисобланган Исаия, Иеремия, Иезекииль, Даниил китоблари ва 12та «кичик пайгамбарлар» (Амос, Осия, Иоиль ва б.) асарлари киради...»<sup>30</sup>*

---

29 Иккинчи конун, 34-боб

30 Энциклопедик луғат

## ЯНГИ АХД

Янги ахдни кўпинча Инжил (юнонча «euangelion», яъни «хушхабар») деб ҳам юритадилар. Аксарият инжилшуносларнинг фикрига кўра, Янги ахд милодий 50-120 йиллар оралигида ёзилгандир. Ийсо алайҳиссалом юнон тилида гаплашмаган бўлсалар ҳам, хушхабарлар нимагадир юнон тилида ёзилган. Фақат IV асрга келиб, авлиё Иероним Янги ахдни лотин тилига таржима қилган. Бу асар «Вульгата» номи билан машҳур.

Ийсо алайҳиссалом осмонга кўтарилиб кетишлари билан ҳаворийлар ўз устозларидан эшитган, ўрганган нарсаларини нақл қилиб юрдилар. Вақт ўтиши билан ана шу Ийсо алайҳиссаломга нозил бўлган Инжилни жам қилиш эҳтиёжи туғилди. Сабаби, ҳар хил бошқа Инжиллар, мактублар кўпайиб бораётган эди. II асрда яшаган Папия исмли ёзувчи «Матто Ийсо алайҳиссаломдан эшитган гапларни яҳудий тилида ёзиб борган ва уни ҳар ким ўз билганича таржима қилган» дея гувоҳлик беради. Унинг сўзига қараганда, Инжил Ийсо алайҳиссаломнинг даврларида ёзилган экан. Лекин ҳозирги кунга келиб, ўша Инжил топилмаган. Ҳозирда мавжуд Матто баён этган хушхабар эса умуман бошқа асардир. Биринчидан, бу асар юнон тилида ёзилган.

Иккинчидан, у Ийсо алайҳиссаломнинг биографияси жанрида ёзилган.

Учинчидан, ушбу асар ихтилофлар билан тўлиб-тошгандир.

Хуллас, II асрлардан бошлаб ҳар хил «Инжил»лар кўпайиб кетди. Ҳар бир оқим ва фирқаларнинг «ўз» муқаддас китоблари бор эди. Улар оқимлар ҳамда фирқаларнинг мафқураси ва таълимотларига тўғри келмаган “Инжил”ларни бемалол рад этар ва асло тан олмас эдилар, ўзлариникини эса илоҳий китоб дер эдилар. Климент исмли епископнинг мактубида (200 йилларда ёзилган) Искандария шаҳрининг ўзида Марк баён этган учта Инжил борлиги ва уларнинг ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамаслиги таъкидланади. Тарихчи олимлар ҳозирги даврда мавжуд канонлашган муқаддас китоблар сирасига кирмаган бир неча юз хил «Инжил» борлигини айтмоқдалар. Маълум вақт ўтгач, черков тўртта Инжилни

танлаб олиб, уларни канонлаштирди. Тарихда яна кўп Инжиллар бўлган, лекин ҳар хил сиёсий ва ижтимоий курашлар натижасида улар апокриф асар, яъни черков тарафидан эътироф этилмаган диний ёзувлар деб эълон қилиниб, тан олинмаган ёки мажбуран йўқотилган. Балки, эҳтимол, ҳақиқий Инжил ҳам ўша вақтларда “йўқотиб” ташлангандир. Чунки ҳақиқий Инжилда пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васфлари келган эдида! Ҳозирги мавжуд хушxabарларнинг номлариданоқ уларнинг ҳақиқий эмаслигини билиб олиш мумкин. Мисол учун, «Матто баён этган хушxabар», «Лука баён этган хушxabар», «Юҳанно ва Марк баён этган хушxabарлар» ва бошқалар. Христианлар ҳаворий бўлмаганларнинг мактубларини ҳам илоҳий китоблар, яъни ваҳий орқали нозил бўлган китоблар қаторига қўшадилар. Янги Аҳд – христианлар томонидан муқаддас ёзувлар деб эътироф этилган Библиянинг бир қисми. Янги Аҳднинг номланиши Худонинг одамлар билан Ийсо Масиҳ воситачилигида янги аҳдлашуви ҳақидаги таълимот билан боғлиқдир. У 27 та «китоб»дан, яъни тўртта Инжил, Апостолларнинг қилмишлари, йигирма битта Рисола, Иоанн ваҳийномаси (Апокалипсис)дан иборат.<sup>31</sup>

*«Албатта, ҳозирги одамларнинг қўлидаги Таврот ва Инжил китоблари Аллоҳ Мусо ва Ийсо алайҳиссаломларга туширган ҳолидагидай эмас. Диний ходимлар ва роҳибларнинг йўлдан озилари ва ўзларича қўллари билан ёзилари, ўзларидан олдингиларга тақлид қилишлари оқибатида бу икки китобга ўзгартириши, алмаштириши, қўйиши ва олиши ишлари ориз бўлган. Шунинг учун ҳам улар илмий, ақлий ва табиий ҳақиқатга хилоф нарсалар билан тўлиб-тошганлар. Уларда Аллоҳга ширк келтиришига даъватлар ҳам бор»<sup>32</sup>.*

Аслида эса Ийсо алайҳиссаломга Инжил оятлари нозил бўлган ва Ийсо алайҳиссалом бу Инжилни ўз қавмларига етказишга ҳаракат қилганлар.

Ҳақиқий Инжил мавжуд бўлганлиги ушбу «хушxabарлар»да ҳам эътироф этилган: «Яҳъё қамаб қўйилганидан сўнг Ийсо Жалилага қайтди. У Худонинг шоҳлиги ҳақида хушxabар тарқатди. «Вақтисоати келди, Худонинг шоҳлиги яқинлашиб қолди. Тавба қилинлар,

31 Энциклопедик луғат

32 Абдуллоҳ Саъд, “Исломнинг асосий ҳақиқатлари”

*Инжилга иймон келтиринглар!» деб ваъз қилиб юрди»<sup>33</sup>*, яъни мазкур хушхабар ёзилишидан кўп йиллар аввал Ийсо алайҳиссалом ва ҳаворийлар ҳақиқий Инжилга иймон келтириш лозимлигини эълон қилиб юрган эканлар.

Ийсо алайҳиссалом ва ҳаворийлар гувоҳ бўлаётган ана шу Инжил китоби қани? Ахир ушбу хушхабар (яъни Марк баён этган хушхабар) ёзилишидан камида 20-30 йил олдин Ийсо алайҳиссалом баён этган Инжил мавжуд бўлганлигини бу китоб ҳам тасдиқламоқда-ку.

*«Ийсо бунга жавобан деди:*

*–Сизларга ростини айтсам, ким Мен ва Инжил учун уй-жой, ака-ука, опа-сингил, ота-она, хотин-болаларини ёки ер-мулкни ташлаб кетса, у ҳозир, бу дунёдаёқ дучор бўлаётган қувғинлар орасида юз ҳисса ортиқ уй-жойлар, ака-укалар, опа-сингиллар, ота-оналар, болалар ва ерларга эга бўлади, келажак дунёда эса абадий ҳаётга сазовор бўлади»<sup>34</sup>.*

Ийсо алайҳиссаломнинг ўзлари ҳам ер юзида юрган вақтларида одамларга Инжилга иймон келтириш савобли амал эканлигини баён қилганлар. У зот алайҳиссалом Марк, Матто, Лука, Юҳанно исмли хушхабарчиларнинг «Инжил»ларига эмас, балки ўзларига Аллоҳ таолодан нозил бўлган ҳақ Инжил китобига иймон келтиришнинг аҳамияти ҳақида баён қилганлар.

Саволни яна такрорлайман: Ийсо алайҳиссаломга нозил бўлган Инжил қани?

III аср охирлари ва IV асрларда император Константин насроний динини давлат дини даражасига кўтарди. Ўша императорнинг ташаббуси билан 325 йили Никеяда ўтказилган I жаҳон соборида ва император Феодосий томонидан 381 йили Канстантинополда ўтказилган II соборда учлик ақийдаси асосий эътиқод тимсоли қилиб қабул қилинган. Бу ақийдага кўшилмаганларни эса бидъатчи деб қоралаб, қувғин остига олганлар. Айнан ўша пайтларда черков руҳонийлари тўртта хушхабарни ва ҳаворийларнинг бир неча мактубларини ҳамда Юҳанно исмли ҳаворийнинг «вахийси»ни канонлаштирди, яъни уларга «илоҳий китоб» (Янги аҳд) мақомини берди. Ҳозирда носароларнинг қўлларидаги ушбу китоблар мажмуаси «Инжил» номи билан аталади ва Худо ваҳий – илҳом

33 Марк-1,14-15

34 Марк, 10-29,30

орқали хаворийларга нозил қилган китоб, дея уларга иймон келтирадилар. Лекин бу гапларнинг асоссиз эканини “Инжил”нинг ўзи исботлаб қўйган.

*«Бу бўлиб ўтган ҳодисотларни бошиданоқ ўз кўзлари ила кўриб, бизга нақл қилган кишилар Илоҳий Каломнинг шоҳиду хизматкорлари бўлмишлар. Шундай қилиб, мен ҳам бошидан ҳаммасини синчиклаб текиширганимдан кейин, эй муҳтарам Теофил, бу воқеаларнинг тафсилотини тартиб ила сизга ёзиб беришни муносиб кўрдим»<sup>35</sup>.*

Луканинг гувоҳлик беришича, у ўзи ёзган нарсаларнинг гувоҳи бўлмаган экан. Энг муҳими, бу китоб ваҳий эмас, балки барча маълумотлар унга нақл орқали етиб келган экан ва бу китобни у Теофил исмли номаълум одамга ёзган экан. Аммо черков руҳонийлари Луканинг сўзларини эътиборга олмадилар ва хушхабар муаллифининг сўзларига зид равишда «Бу китоб Лукага ваҳий орқали нозил бўлган», дея уни ёлғончи қилдилар.

---

35 Лука-1,2-3



## ТАВҲИД

**«Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан.**

**Айт (эй Муҳаммад алайҳиссалом.): «У Аллоҳ яғонадир»**

**Барча ҳожатларни сўрайдиган зотдир.**

**Туғмаган ва туғилмаган.**

**Ва унга ҳеч ким тенг ўхшаш бўлган эмас».**<sup>36</sup>

Миссионерлар бошчилигидаги насроний дин вакилларининг «Насроний дини тавҳид асосида барпо этилган», деб даъво қилишлари ҳаммага маълум бўлса керак. Лекин шундай бўлса-да, улар негадир учлик ақийдасига (троица) маҳкам ёпишиб, Худонинг уч ҳолатда мавжуд эканлигига иймон келтирадилар. Насроний черкови ўз қавмларини бу ақийдага ишонтиришга уриниб, «Инсон ақли уни англашга қодир эмас», дейди. Насронийлар бу гапларига ҳужжат қилиб, ўзлари муқаддас санаб келаётган «Инжил» аталмиш китобларини бизларга рўпара қиладилар:

*«Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмилтириб, иймонга киритинглар»*<sup>37</sup>.

Тарихчи олимларнинг гувоҳлик беришларича, Император Константин 325 йилларда Евсевий исмли епископга Инжилнинг нусхаларини кўпайтиришга буйруқ берган экан. Ўша Евсевий исмли епископ берган маълумотларга қараганда, мазкур Инжил ибораси ўша вақтларда «Шунинг учун бориб, барча халқлардан менинг номим ила шогирд орттиринглар»дан иборат экан. Ушбу иборанинг давомидаги қўшимчалар эса бирмунча кейин пайдо бўлганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Яна насронийларнинг энг кўп мурожаат этадиган ибораси:

*“Шундай қилиб [осмонда учтаси гувоҳлик беради: Ота, Калом ва Муқаддас Рух. Бу учови бир. Ерда ҳам] учтаси гувоҳлик беради: Рух, сув ва қон. Бу учови бир”*.<sup>38</sup>

Бу оятнинг саҳиҳ эмаслиги аниқ бўлибгина қолмай, балки у

36 «Ихлос» сураси

37 Матто, 28,19

38 Биринчи Юҳанно, 5-боб, 7-8 оятлар

соф тавҳид ақийдасига зиддир. «Осмонда учтаси гувоҳлик беради: Ота, Калом ва Муқаддас Рух. Бу учови бир» деган ибора тўрт юздан зиёд энг қадимги нусхаларда мутлақо учрамас экан. Ушбу иборалар фақат 15-16 асрларга оид юнон тилидаги иккита Инжилда мавжуд экан, холос. Инжилшунос олимлар мана шу инкор этиб бўлмайдиган далил асосида ушбу оятдаги иборанинг 15 ёки 16 асрларда “Инжил”га қўшиб қўйилганлиги ҳақида гувоҳлик берадилар.

Бу маълумот Ўзбек тилида чоп этилган «Инжил» китобида ҳам рад этилмайди. Китобхон учун тушунтириш бобида «квадрат қавслар [...] ичида келтирилган гап бўлаклари Инжилнинг энг қадимий ва ишонарли қўлёзмаларида йўқ»лиги баён этилади. Шунга қарамасдан, асосиз ва ишонарсиз бўлган иборанинг ҳеч чўчимасдан, китобнинг таржимасида илоҳий китоб мақомида нашр қилинишидан таажжубланади киши...

**«Ўз қўллари билан китоб ёзиб, сўнгра уни озгина қийматга сотиш учун: «Бу китоб Аллоҳ хузиридан (келган)», дейдиган кимсаларга ҳалокат бўлғай, бас, ёзган нарсалари сабабли уларга ҳалокат бўлғай, топган фойдалари сабабли уларга ҳалокат бўлғай»<sup>39</sup>.**

Яна насронийлар Худонинг одам шаклида ер юзига тушганлигининг “исботи” сифатида Павелнинг Тимофейга юборган биринчи мактубига суянадилар. Аммо олимлар бу оят ҳақида бошқача фикрдалар. Хусусан, рус биродаримиз Али Вячеслав Полосин ўзининг “Аллоҳга элтувчи тўғри йўл” китобида шундай ёзади:

*«...Ҳаворий Павелнинг Тимофейга йўллаган Биринчи мактубига суянадилар. Унда тўғридан-тўғри Худонинг одамга гавдаланиши ва бу ҳол Ийсо алайҳиссаломнинг мўъжизавий тугилиши ҳодисасида кўрилгани тўғрисида ёзилган. Аммо ҳатто Лопухиннинг православия назоратчилари томонидан расман ижозат берилган «Инжилнинг изоҳли лугати»да ҳам бу мактубга (3-бобнинг 16-оятига) у ёзилган даврдан 300 йил кейин иккита ҳарф қўшиб қўйилгани тан олинади. Қадимги битикда юнонча «ос» («который» – «қайсики») ёзуви бўлган ва матн қўйидагича кўринишида эди: «...великая благочестия тайна, которая открылась во плоти...» Константинополь*

---

39 «Бақара» сураси, 79-оят

*патриархи Иоанн Златоуст IV аср охирларида «ос» сўзининг олдига «Те» ҳарфларини қўшиб қўяди ва «Теос» (Худо) сўзи пайдо бўлади. Натижада ҳозирда ўқилаётган маъно келиб чиқади: «... великая благочестия тайна: Бог явился во плоти...» Ҳаворий Павелнинг вафотидан 300 йил кейин пайдо бўлган айни мана шу матнни насронийлар Иброҳим алайҳиссаломнинг яккахудолик динида хаёлга ҳам келмайдиган «боговоплощение» («Худонинг инсон бўлиб гавдаланиши») зоясининг энг асосий далили сифатида келтиришади»<sup>40</sup>.*

“Троица – Христианлар тасаввурига кўра, Худонинг уч қиёфаси: ота – худо, ўғил – худо, ва муқаддас рух – худо. Худонинг уч қиёфа ёки ипостасда мавжудлигига эътиқод 381 йили Константинополда бўлиб ўтган черков соборида ақийда тарзида расмийлаштирилган. Христиан черкови ўз қавмларини бу ақийдага ишонтиришга уриниб, «Инсон ақли уни англашга қодир эмас, бу эса ақийданинг ғайритабиийлигини тасдиқлайди», деб уқтиради. Ҳақиқатда эса илоҳий троица ҳақидаги тасаввурлар жуда қадимги даврда шаклланган. Қадимги Миср (Осирис, Исида, Гор), Қадимги Ҳиндистон (Брахма, Вишну, Шива), Бобил (Ану, Эа, Бел) динлари ва бошқа динларда ҳам троица мавжуд бўлган...”<sup>41</sup>.

*«Аллоҳнинг бизга берган тавфиқ ҳидоятни билан Унга эътиқод қилган ҳолда Аллоҳнинг тавҳиди тўғрисида айтамыз: Албатта, Аллоҳ якка, ёлғиз, Унинг шериги йўқ. Унга ўхшаш бирор нарса йўқ. Ундан бошқа бирор илоҳ йўқ. Ибтидосиз қадимдир, интиҳосиз доимдир. У фоний бўлмас ва йўқ бўлмас. У хоҳлаган нарсаларгина бўлади. Ваҳмлар (гумонлар) Унга етолмас ва фаҳмлар (илмлар) Уни идрок этмас. Халқлар Унга ўхшамас. У тирикдир, ўлмас, қойюмдир, ухламас.»<sup>42</sup>*

Маълум бўлишича, насроний дини эътиқодининг асли асоссиз экан. Уларнинг ўта муҳим масала ҳисобланмиш тавҳид тушунчасида адашиб кетганликларига ачинамиз, Аллоҳ таолодан ҳидоят сўраймиз. Имконимиз борича уларни огоҳ этишда бардавом бўламиз. Ийсо алайҳиссаломнинг “Инжил”да айтган гапларининг баъзиларини уларга эслатиб ўтамиз:

40 Нуруллох Муҳаммад Рауфхон таржимаси «Ҳидоят» ойномаси, 2003 йил, 4-сон, 8-бет

41 Энциклопедик луғатдан

42 “Таҳовий ақийдаси” китобидан

«Тингла, эй Исроил! Роббимиз бўлган Худованд ягона Худованддир»<sup>43</sup>;

«Шунда Ийсо: «Йўқол кўзимдан, шайтон! Чунки Тавротда «Роббинг – Худовандга сажда қил, биргина Унга итоатда бўл», деб ёзилган», дейди»<sup>44</sup>;

«Абадий ҳаёт эса Сени – танҳо Ҳақ Худони ҳамда Сен юборган Ийсо Масихни таниб-билишдан иборатдир»<sup>45</sup>;

« - Яхши гапирдинг, Устоз, - деди уламо Ийсога. - Худо ягона, ундан бошқа худо йўқ, деб тўғри айтдинг»<sup>46</sup>.

Ийсо алайҳиссалом «Худо ягона», деб турсалар-у, черков руҳонийлари «Худонинг уч қиёфаси – ота – худо, ўғил – худо, ва муқаддас руҳ – худо» деб туришса!

Ачинарлиси шуки, насронийлар Ийсо алайҳиссаломнинг сўзларига итоат қилмасдан, аллақандай сохта устозларнинг гапларига алданганлар. Наҳотки, Аллоҳ таолонинг ҳақ Пайғамбари бўлмиш Ийсо алайҳиссалом даъват этган таълимотдан кўра сохта устозларнинг сохта фатволари устун бўлса?!

**«Албатта, Аллоҳ Масих ибн Марямдир, – деганлар кофир бўлдилар. Масих ибн Марям эса: «Менинг Роббим ва сизнинг Роббингиз (бўлган) Аллоҳга ибодат қилинг. Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, унга жаннатни ҳаром қилди ва унинг турар жойи дўзах бўлади. Ва золимларга нусрат бергувчилар йўқдир» деди»<sup>47</sup>.**

Сохта устозлар ўзлари адашганлари етмаганидек, кўпчилик оломонни ўзларининг орқаларидан жар ёқасига олиб борганлар. Мана, энди улар бизнинг миллатга ҳам ҳамла қилмоқдалар. Улар Аллоҳ таолонинг ҳақ Пайғамбари ва қули бўлмиш Ийсо алайҳиссаломни Робб даражасига кўтарганликлари рост ва уни Роббий деб атаганликлари ҳам ҳақиқатдир. “Инжил”да мазкур масала юзасидан насороларнинг зарарига хужжат бўладиган оятлар мавжуд эканлиги жуда қизиқарлидир.

«Қиёмат кунинда кўплар менга «Ё Роббий, ё Роббий, бизлар Сенинг

---

43 Марк-12,29

44 Матто-4,10

45 Юханно-17,3

46 Марк-12,32

47 «Моида» сураси, 72-оят

*номинг билан башорат қилмадикми? Сенинг номинг билан жинларни қувиб чиқармадикми? Сенинг номинг билан кўпгина мўъжизалар яратмадикми?» дейдилар. Ўша вақтда Мен уларнинг юзига қараб: Мен сизларни ҳеч қачон таниган эмасман, эй бадқирдорлар, менинг олдимдан кетинглар!» дейман»<sup>48</sup>.*

Накадар ачинарли ва накадар кулгили ҳолат! Бу дунёда Ийсо алайҳиссаломни Робб қилиб олиб, унинг номи ила ҳар хил ишлар қилиб, охирада шарманда бўлиш!..

Наҳотки, ушбу сиз эътиқод қилаётган «Инжил» сизнинг зарарингизга хизмат қилувчи ҳужжат бўлса-ю, сиз гўё ҳеч нарсани билмагандек, ҳаётингизни бир маромда давом эттираверсангиз. Нега ақл кўзларини очмайсиз, ахир? Нега Ийсо алайҳиссаломни Робб қилиб олгансиз? Ахир Ийсо алайҳиссаломдан олдин келган барча пайғамбарлар ҳам ўз умматларини якка Аллоҳга ибодат қилишга даъват этганликларини яхши биласизлар-ку! Улуғ пайғамбарлардан Иброҳим алайҳиссалом, Мусо алайҳиссалом ва бошқа Аллоҳнинг элчилари Ийсо алайҳиссаломга ибодат қилмаганлар-ку? Аксинча, улар бутун оламларни яратган Аллоҳга – Ҳақ субҳанаҳу ва таолога ибодат қилганлар-ку! Ийсо алайҳиссалом ҳам Бани Исроилни ўзларига эмас, ягона Аллоҳга ибодат қилмоққа даъват этганлар-ку! Шу нарсанинг ўзи сизлар учун очиқ ҳужжат эмасми?

*«Шу маҳал бир киши Ийсонинг ёнига келиб:*

*–Валинеъмат Устозим! Абадий ҳаёт насиб бўлиши учун қандай савобли иш қилмоғим лозим?» – деб сўради. Ийсо унга деди:*

*–Нега сен Мендан савобли иш ҳақида сўраяпсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким савоб эгаси эмас. Агар боқий ҳаётга эришмоқ истасанг, илоҳий амрларга риоя қил»<sup>49</sup>.* Яъни Ийсо алайҳиссалом аниқ қилиб «Мен Худо эмасман, биргина Худодан бошқа ҳеч ким савоб эгаси эмас», демоқдалар. Минг афсуски, сохта устозлар Ийсо алайҳиссаломнинг бу гапларини ҳам эътиборга олмадилар, уни ўзларига Худо қилиб олдилар ва «Инсон илоҳий амрларга риоя қилмаса ҳам нажот топади», деб, Ийсо алайҳиссаломнинг амрларини ва муборак йўлларини буздилар.

*«Эй, аҳли китоблар! Динингизда ҳаддан ошманг ва Аллоҳ ҳақида ҳақдан бошқани айтманг. Албатта, Масийҳ Ийсо ибн Марям*

48 Матто-7,22-23

49 Матто-19,16-17

Аллоҳнинг Пайғамбари, Марямга илқо қилган калимаси ва Ундан бўлган руҳдир. Бас, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига иймон келтиринг. Уни учта деманг. Тўхтанг, ўзингизга яхши бўлади. Албатта, Аллоҳ ягона илоҳдир, ўзга эмас. У Ўзининг боласи бўлишидан пок бўлди. Осмонлардаги нарсалар ва ердаги нарсалар Униқидир. Вакилликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур»<sup>50</sup>.

«Ислом дини инсониятнинг ақидасини тўғри йўлга солиш учун келган. Бу ўринда, ушбу оят насороларнинг ақидасини тўғриламақда. Маълумки, насроний дини янгилиги вақтида ақида тўғри бўлган. Лекин замон ўтиши билан бу ақида аста-секин бузила борган. Милодий олтинчи асрга келиб, Рим императорларининг тазйиқи остида насроний ақидаси тамоман бузилиб бўлган эди. Насоролар ўз динларида ҳаддан ошиб кетдилар. Аллоҳнинг бандаси ва Пайғамбари Ийсо алайҳиссаломни Аллоҳнинг ўғли, дедилар. Сўнгра «Аллоҳ уч асрдан – ота, ўғил ва мукаддас руҳдан иборатдир», деб даъво қилдилар. Шунингдек, Биби Марямни ҳам илоҳлик даражасига кўтардилар. Худонинг табиати ҳақида битмас-туганмас ихтилофларга тушдилар. Охири келиб, ўзлари ҳам тушуниб етмайдиган ақийдавий машмашаларга гирифтор бўлдилар. Уларнинг ушбу ва шунга ўхшаш кўплаб ишлари динда ғулувга кетиш – ҳаддан ошиш эди...»<sup>51</sup>

Насроний дини вакилларининг эътиқодига кўра, Ийсо Масиҳ инсон эмас, аксинча, у ер юзига инсон қиёфасида тушган Худодир. Шунга қарамасдан, Ийсо Масиҳ бутун оламлар Худосими ёки бошқами, «Инжил» китоби билан бошдан-оёқ танишиб чиққан одам буни тушуна олмайди. “Инжил”нинг бирон жойида ҳам Ийсо Масиҳ аниқ қилиб, Худо деб аталмаган. Шунга қарамасдан, насоролар Ийсо алайҳиссаломни Худо деб, ҳатто Худонинг ўғли деб ҳам атайдилар. Маттода 32 марта, Марқда 15 марта, Лукада 22 марта, Юҳаннода эса 12 марта Ийсо алайҳиссаломга нисбатан «инсон ўғли» деган ибора ишлатилган. Ҳаммасида бу сўзлар Ийсо алайҳиссаломнинг ўзларининг тилларидан баён этилган. Хушхабарчилар ҳаммаси бўлиб 70 мартадан зиёд ўринда «Ийсо – инсон ўғли» деса-ю, черков руҳонийлари уларнинг бу гапларига ҳам эътибор бермасалар...

Маълумки, Ийсо алайҳиссалом оромий тилда даъват қилганлар,

50 «Нисо» сураси, 171-оят, «Тафсири Ҳилол»

51 “Тафсири ҳилол”

бу тил иброний тилга яқин тил бўлиб, ўша вақтдаги кўпчилик яҳудийларнинг ўзаро сўзлашув тиллари эди. Энг эски «Инжил» ҳам, яъни Матто баён этган хушхабар (номаълум вариант) ва бошқа апокриф асарлар ҳам шу тилда ёзилганлиги ҳақида тахминлар бор. Лекин бу тилда ёзилган бирорта ҳам «Инжил» ҳозирда сақланиб қолмаган, фақат ушбу китобларнинг эски юнонча таржималари қолган, холос. Таржималарнинг нуқсонлари ва уларнинг ким томонидан таржима қилинганлиги ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Хуллас, «Худонинг ўғли» ибораси оромий тилида «абд Иехова» бўлиб, бу сўзнинг арабчаси абд Аллоҳ, яъни Худонинг қули маъносини берган. Лекин китоб юнончага таржима қилинганида бу иборага юнонча «*rias*» калимаси ишлатилган экан, яъни маъноси қул ёки ўғлон деб тушунилган. Вақт ўтиши билан қадимги дунёнинг ботил динлари ва Ийсо алайҳиссалом рисолатларининг чатишиши оқибатида «Худонинг ўғли» ибораси асосий ўринга чиқиб қолган.

Янги аҳдда шундай ўринлар ҳам борки, уларда Ота ва Ўғил бир қилиб кўрсатилган: «*Мен ва Отам – бирмиз*»<sup>52</sup> **ва шу бобнинг 38 оятида** «*Отам Менда ва Мен Отамда эканимизни англаб, иймонингизни комил қилинглар*»<sup>53</sup>.

Шунга қарамасдан, “Инжил”да Худо алоҳида, ўғил алоҳида қилиб кўрсатилган ўринлар кўп. Бир ўринда «Ийсо: «*Мен Отамда ҳозирман, Отам эса Менда ҳозир*»<sup>54</sup> дейилса, бошқа бир жойда «Ийсо: «*Зеро, Отам Мендан улугдир*»<sup>55</sup> деб, Худонинг алоҳида улуғ Зот эканлиги таъкидланади. Яна бошқа бир ўринда эса «*Бироқ Мен ёлғиз эмасман, чунки Отам Мен биландир*»<sup>56</sup> дейилган. «Мен биландир» ибораси «менда эмас»лигини англатади. «Мен ёлғиз эмасман» ибораси ҳам Худо алоҳида Зот, Ийсо эса алоҳида зот эканлигини исботлайди.

Ийсо алайҳиссаломнинг Худо ҳақида берган гувоҳликлари ҳам қизиқарлидир. Ийсо: “*Мен ўз-ўзимдан ҳеч нарса қилолмайман. Қандай эшитсам, шундай ҳукм қиламан ва Менинг ҳукмим ҳаққонийдир. Чунки мен ўз иродамни эмас, балки Мени юборган*

---

52 Юҳанно 10, 30

53 Юҳанно-10, 38

54 Юҳанно-14, 10

55 Юҳанно-14,28

56 Юҳанно-16,32

*Отамнинг иродасини бажо келтиришни истайман”*<sup>57</sup>. Ийсо алайҳиссалом “Мени юборган Отамнинг иродасини” деб, ўзларининг юборилган элчи эканликларини, “Мен ўз иродамни эмас, балки Мени юборган Отамнинг иродасини» деб, Аллоҳ буюрган иродани бажо келтиришни ишташларини айтяптилар.

«Ота» калимаси яхудий тилларидан таржима қилинаётганда ўзгартириб таржима қилинган бўлиши ҳам мумкин. Биродаримиз Байматовнинг фикрича:

“Сомий халқлар гуруҳига кирувчи тилларда, мисол учун, араб тилида “Роббун” калимаси бир неча маънони англатади: биринчиси – Парвардигор, иккинчиси – хўжайин, соҳиб, учинчиси – тарбиячи. Таржимон уларни ўзи билганича таржима қилиши мумкин, лекин араблар ва яхудийлар бу калиманинг ҳақиқий маъносини яхши биладилар. Улар Ийсо алайҳиссаломни пайғамбар, устоз деб билганлар. Ийсо алайҳиссаломнинг ўзлари ҳам ўзларини «инсоннинг ўғли» деб атаганлар. Шубҳасиз, Ийсо алайҳиссаломнинг ўзларини «Инсон қиёфасидаги худо» деб аташлари ёт эди”.

Аҳмад Дидат эса: «..Ҳа, ҳақиқатан ҳам Аллоҳ таолонинг тўқсон тўққизта гўзал исми бор. Араб тилида Парвардигор (Робб) исмини айтишдан кўра Ота (аб) исмини айтиш осон эканлигига қарамай, уларнинг орасида Ота деган исм йўқ. Бунга сабаб нима экан? Сабаб – инсонларни ҳар хил адашган, ботил фикрлардан сақлаш учундир...» деганлар.

Баъзи бир черков руҳонийлари хийла ишлатиб, «Худо ер юзида ўзининг худолик сифати билан эмас, балки одам сифати билан фаолият кўрсатган, яъни худо инсон қиёфасида ерга тушган. Ахир у ҳамма нарсага қодир-ку», дейдилар. Бу билан улар тавҳидга ҳеч қандай путур етмаслигини исботламоқчи бўладилар.

Ийсо алайҳиссалом *«Сизларга ростини айтайин: қул ўзининг хўжайинидан юқори турмас, элчи ҳам уни юборгандан улуг бўлмас. Агар гапимни уққан бўлсангиз, бунга амал қилинглр ва бахтли бўласизлар!»*<sup>58</sup> яъни «Мен ўзимни элчи қилиб юборган Зотдан улуг эмасман», десалар-да, насроний динининг «уламолари» «Ийсо худодир», деган фикрларида қатъий туриб оладилар. Агар Ийсо худо бўлса, у ўзини ўзига элчи қилиб юборган бўладими?

57 Юҳанно 5-30

58 Юҳанно-13,16-17



“Инжил”даги «Роббимиз Ийсо шогирдларига ушбуларни тайинлаб бўлгач, осмонга кўтарилди ва Худонинг ўнг томонига ўтирди»<sup>59</sup> деган ибора уларнинг даъволари саробдан бошқа нарса эмаслигини кўрсатибгина қолмасдан, балки уларнинг қаттиқ адашаётганликларини ҳам исботлайди. Чунки уларнинг ақийдаларига кўра, Ийсо алайҳиссалом осмонга кўтарилгач, Худо билан кўшилиб кетиши керак эди. Кўшилмасдан, абадий Худонинг ўнг томонига ўтирса, Худо иккита бўлиб қолади-ку. Ахир бу Аллоҳ таоло лаънатлаган кўпхудолик эмасми? Муқаддас Рухнинг борлигини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, масала яна ҳам ечиб бўлмайдиган тусга киради.

*«Иблис Ийсони яна жуда баланд тоққа олиб чиқиб кетди. Дунёнинг барча салтанатларини ҳамда уларнинг ҳашаматини Унга кўрсатиб:*

*–Агар тиз чўкиб, менга сажда қилсанг, буларнинг ҳаммасини Сенга бераман, – деди. Шунда Ийсо:*

*–Йўқол кўзимдан, шайтон! Чунки Тавротда «Роббинг – Худовандга сажда қил, биргина Унга итоатда бўл», деб ёзилган, – деди»<sup>60</sup>.*

Бу жумлалар ҳам Ийсо алайҳиссаломнинг Худо эмаслигини яққол кўрсатиб турибди. Агар у зот насронийлар айтмоқчи, худо бўлганларида, шайтон келиб, Худони васваса қилиб, унга «дунёнинг барча салтанатларини ҳамда уларнинг ҳашаматини» ваъда қилармиди? Аксинча, Ийсо алайҳиссалом ўз оғизлари билан «Роббинг Худовандга сажда қил, биргина Унга итоатда бўл» деб турибдилар-ку.

...Яна насоролар “Бизлар муваҳҳидларнинг пешволаримиз. Бизлар ширкка даъват этмаяпмиз. Бизлар Худони бир деб биламиз”, дейдилар. Амалда эса ҳар хил иконаларга (тасвирларга), Ийсога, Марямга, ҳаворийлар ва бошқа авлиёларнинг ҳайкалчаларига, ҳар хил маълум ва номаълум авлиёларнинг қабрларига ибодат қилаётганликларининг, бўйинларига хочларни тақиб олиб, шу хочнинг турли балолардан сақлашига иймон келтириб, маст қилувчи ичимликларни ичиб, чўчқа гўштини тановул қилиб олиб, аёлларини рашк қилмасдан, ярим-яланғоч юришларига бемалол йўл қўйиб

59 Марк-16,19

60 Матто-4,8-10

беришларининг гувоҳи бўламиз. Яна «Биз Ийсо алайҳиссаломнинг йўлларидамиз», дейдилар! Уят борми ўзи?

Абу Ҳурайра разияллоҳу анху ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деб марҳамат қилдилар:

«Жоним қўлида бўлган Зот ҳаққи, якин (келажакда) Марям ўғли (Ийсо алайҳиссалом икки фариштанинг қанотларига икки кафтларини кўйган ҳолда менинг шариятим бўйича одилона ҳукм юритиш учун осмондан ораларингизга, Дамашқнинг шарқроғидаги оқ минора яқинига) тушадилар-да, хочни синдириб, тўнғизни (чўчкани) ўлдирадилар (яъни, хочларни ва тўнғизларни йўқ қилмоқни амр қиладилар). Кейин (зиммийларнинг бўйнидаги) жизяни (яъни жон солиғини) бекор қиладилар.

(Жобир разияллоҳу анху: “Ийсо алайҳиссалом жизяни бекор қиладилар, чунки барча одамлар Исломни қабул қилиб, мусулмон бўлгач, бунга эҳтиёж қолмайди”, дейдилар.

Имом Нававий: «Тўғриси, Ийсо алайҳиссалом Исломни қабул қилишидан бошқасини қабул қилмайдилар. Шариятимизда жизянинг қабул қилиниши Ийсо алайҳиссалом тушишларигачадир», дейдилар.<sup>61</sup>

...Сўнг, мол-дунё (шу қадар) кўпайиб кетадики, ҳатто (бирор нарса берсанг, қадри йўқлигидан) ҳеч ким олмайди ва ҳатто бир сажда бутун дунё ва ундаги барча нарсалардан афзал бўлиб қолади” (“Чунки Ер юзида адолат ўрнатилиб, зулм маҳв бўлгач, Аллоҳ таолонинг баракотидан барча бениҳоят бойиб кетади», дейдилар Нававий)<sup>62</sup>.

Хушхабарнинг «Ҳаворийлар» бобида бир қизиқ воқеа бор. Кўпчилик насроний биродарларимиз ундан ибрат олсалар бўларди:

*“Листра шаҳрида бир чўлоқ киши ерда ўтирар эди. У тугма майиб бўлиб, умрида асло юрмаган эди. У Павелнинг айтаётган сўзларини тинглар экан, Павел унга кўз тикиб, дарддан халос бўлиши учун иймони борлигини пайқади. Овозини баланд қилиб:*

*–Роббим Ийсо Масиҳ номидан сенга айтаман: оёгингда тикка тур! – деди. У киши ўша заҳоти ўрнидан ирғиб турди-да, юра бошлади.*

61 Фатҳул Борий – 6-жилд, 609-бет

62 Ал-жомий ас-саҳиҳ. Имоми Бухорий 2-жилд, 445-446-бетлар

*Халойиқ Павел қилган ишни кўриб, Ликаония тилида баралла:*

*–Тангрилар одам қиёфасида олдимизга тушибди! – деб бақира кетишиди. Барнабони Зевс, Павелни эса нотиқ бўлгани учун Ҳермес дейишиди. Шаҳарнинг ташқарисидаги Зевс маъбадининг коҳини эса шаҳар дарвозаларига хўкизларни ва гулчамбарларни олиб келиб, халойиқ билан бирга қурбонлик келтирмоқчи бўлди.*

*Ҳаворийлар Барнабо ва Павел буни эшитгач, кийимларини йиртганча, ўзларини халойиқнинг орасига отиб: «Эрлар! – деб бақаришиди. – Нима учун бу ишларни қиляпсизлар? Биз ҳам сизларга ўхшаган инсонмиз! Сизлар бу сохта тангриларга топинишдан қайтиб, ер, осмон, денгиз ва ундаги ҳамма нарсани яратган барҳаёт Худога илтижо қилинглар. Мана, биз сизларга етказаётган Хушхабаримиз шу»<sup>63</sup>*

Насронийлар ҳам Ийсо алайҳиссаломга нисбатан худди Листра шаҳри аҳолиси Барнабо ва Павелга қилган муносабатни қилганларини жуда яхши билиб туриб, нима учун Ийсо алайҳиссаломни ўзингизга худо қилиб олгансизлар?

## ШАЖАРА

Миссионерларга «Инжилдаги ушбу шажаранинг Ийсо алайҳиссаломга алоқаси йўқ. Бу Юсуфнинг шажараси. Шажарадаги исмларнинг чалкашликларига қандай изоҳ берасиз?» дейилса, улар сукут сақлашади, сабаби...

Ҳазрати Ийсо алайҳиссаломнинг насл-насаб шажаралари ҳозирги мавжуд «Инжил»лар сохта устозларнинг уйдирмаларидан иборат эканлиги хусусидаги муҳим бир масалани кўрсатиб турибди. Ушбу мавзу ҳам «Инжил» аталмиш китобларнинг ўзaro ихтилофларга тўла эканлигига ёрқин далилдир. Бу ихтилофлар эса насоро динининг II-III асрлардаёқ ўз йўлидан адашиб кетганига ҳужжат бўлади.

Эски аҳдда келган башоратларда айтилишича, «Бани Исроил кутаётган Масих Довуд алайҳиссаломнинг хонадонидан чиқиши лозим эди». Ким ўзини Масих деб эълон қилса, у Довуд алайҳиссаломнинг подшоҳлик сулоласига мансублигини «исботлаши» керак эди. Акс ҳолда бундай одамлар Бани Исроил тарафидан рад этилар эди. Янги аҳд муаллифлари томонидан тузилган шубҳали шажара ҳам асосан Бани Исроилга қаратилган ва унда Ийсо алайҳиссалом Довуд алайҳиссаломнинг сулоалари давомчиси қилиб кўрсатилган. Улар Аллоҳ таолонинг мўъжизасига, яъни Ийсо алайҳиссаломни отасиз дунёга келтирганига аҳамият бермасдан, аллақандай анъанага содиқ қолишган. Матто ва Лука баён этган шажаранинг тўқима эканлиги яққол кўзга ташланса-да, негадир черков руҳонийлари ўзаларини сезмаганга соладилар ва кўпинча бу масалани четлаб ўтадилар. Ҳатто бу шажарага насроний динининг асосчиларидан бўлмиш Павел ҳам салбий муносабат билдирган эди. У Эдис шаҳридаги биродарларига юборган биринчи мактубида:

*«...Афсоналар ва бепоён шажаралар билан банд бўлмасликларини буюр. Булар ҳаёлпарастликка сабаб бўлади, холос. Лекин илоҳий режа рўёбга чиқиши учун иймон керак»*<sup>64</sup> деб ёзиб юборган эди.

Инжилшунос олимлар ўша пайтларда ҳар хил шажаралар тузиш одати кенг тарқалганини ўрганганлар. Эҳтимол, Матто ва Лука ҳам ўша муҳит таъсирида шажаралар тузгандирлар. Нима бўлганда ҳам,

Матто ва Лука хатога йўл қўйган эдилар. Эътиқодга, мантиққа зид бўлган шажара билан овора бўлиб, улар Довуд алайҳиссаломнинг сулоласини (Марямнинг эри) Юсуфга боғлашган, ҳолбуки, (Марямнинг эри) Юсуф Ийсо алайҳиссаломнинг отаси бўлмаган. Ушбу шажара қандай қилиб боши берк кўчага кириб қолганига черков руҳонийлари хануз жавоб топа олмаяптилар. Жавоб топиш ниятида ҳар хил бўлмағур сафсатааларни тўкиб чиқарганлар, лекин бу сафсатааларни кўпчилик рад этган.

Савол туғилади: Ийсо алайҳиссалом Муқаддас Рух воситасида дунёга келгани аниқ бўлганидан кейин Матто ва Лука баён этган хушхабардаги насл-насаб шажарасининг Ийсо алайҳиссаломга қандай алоқаси бор? Ахир Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломни бежиз отасиз дунёга келтирмаган-ку. Биз мусулмонлар Ийсо алайҳиссаломнинг отасиз дунёга келганларига иймон келтирамиз, бунга мутлақо шак-шубҳа қилмаймиз. Ийсо алайҳиссаломнинг пайғамбар эканликларига ишонишимиз учун шажараларнинг ҳожати йўқ, бизга Аллоҳ таолонинг каломи кифоя:

**«Албатта, Ийсонинг (отасиз туғилишининг) мисоли Аллоҳ наздида худди Одамнинг мисоли кабирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра «Бўл», деди. Бас у (жонли одам) бўлди»<sup>65</sup>.**

«Инсонлар ўлчови ва кўникмаларига биноан қаралса, Ийсо алайҳиссаломнинг туғилишлари одамни ҳайратга солувчи, ғайритабиий ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун аҳли китоблар, хусусан, насоролар Ийсо алайҳиссалом ҳақларида, хоссатан, у кишининг туғилишлари ҳақида ихтилофлар қилишган. У киши отасиз дунёга келганлари учун турли-туман афсоналар, бекорчи ҳаёлларни тўқиганлар. Ҳолбуки, аҳли китоблар Одам алайҳиссаломнинг тупроқдан яратилганини, у зотга Аллоҳнинг пуфлаши оқибатида жон кирганини яхши билишади. Бу ҳақда ҳеч қандай ихтилоф қилишмайди. Йўқ ердан Одам алайҳиссаломни яратган Зот тирик юрган Марямдан Ийсо алайҳиссаломни отасиз ҳолда ярата олмайдими?! Аллоҳнинг ҳар бир нарсага қодир эканлигига ишонган эси бор одам бўлса, шубҳасиз, бунга иқрор бўлади.

Аллоҳ таоло инсоннинг дунёга келишига ота-онани сабаб қилиб

---

65 «Оли Имрон» сураси, 59-оят

қўйган. Ота-онанинг қўшилиши оқибатида инсон дунёга келиши ҳодисаси доимий такрорланаверганидан, одам мана шу кўриб турган тажрибасига суяниб, сабабчиларни асосчининг ўрнига қўйиб юборади, «Ота-она бўлмаса, бола бўлмайди», деган ҳукми чиқаради. Аллоҳ агар хоҳласа, ота-онасиз ҳам инсонни дунёга келтира олиши мумкинлигини эсидан чиқаради. Бу ҳақиқатни бандаларининг эсига солиб туриш учун Аллоҳ таоло баъзан умумий қоидадан ташқари чиқиб, айрим нодир ишларни қилиб, одамларнинг кўзига кўрсатиб қўйган. Масалан, фарзанд дунёга келишининг асосий сабабчилари ота-она эмас, балки Аллоҳ эканлигини билишлари учун баъзиларни туғмайдиган ёки туғдира олмайдиган қилиб қўйган. Ота-онанинг қўшилиши бола туғилишининг асосий сабаби бўлса, нима учун бир-бирига қўшилган ҳамма ота-онадан бола туғилавермайди?! Ҳолбуки, Аллоҳ Одам Атони отасиз ва онасиз яратди. Аёлсиз, фақат эркак кишидан ҳам инсон пайдо бўлиши мумкинлигининг исботи учун Одам атодан момо Ҳавони яратди. Эркаксиз, фақат аёлдан ҳам инсон дунёга келиши мумкинлигини эса Биби Марямдан Ийсонинг туғилиши исботлайди. Ҳа, Аллоҳ ҳар бир ишга қодир Зотдир. «Бўл!» деса, бас, хоҳлаган иши бўлади»<sup>66</sup>.

Қуръони Каримнинг кўпгина оятларида Ийсо алайҳиссаломнинг отасиз туғилганлари ҳақида ҳақ маълумотлар келган. Биз мусулмонлар учун ана шулар етарли ҳужжатдир. Насроний дин ақийдаси бўйича ҳам Ийсо алайҳиссалом отасиз дунёга келганлар. Аммо мавжуд хушхабарларда Ийсо алайҳиссалом билан Иброҳим алайҳиссаломнинг ўрталарида Матто қирқ битта ота<sup>67</sup>, Лука эса эллик бешта ота борлигини бизларга баён қилади<sup>68</sup>. Шажарага бир назар ташласангиз, унинг бир-бирига ўхшамаслигини кўрмасдан, иложингиз қолмайди. Лекин насоролар кўриб, билиб турсалар ҳам ҳақиқатни яшириб: “Инжилда ихтилофлар бўлиши мумкин эмас”, дейдилар. Ҳатто, баъзи черков вакиллари: «Биринчи хушхабарчи Марям эри Юсуфнинг шажарасини, бошқаси эса биби Марямнинг шажарасини келтирган», деб вазиятдан чиқиб кетмоқчи бўладилар. Аммо аҳволулар ўйлаганчалик эмас, чунки насл-насаб шажарасининг иккиси ҳам (Марямнинг эри) Юсуф билан боғланган.

66 Тафсири Ҳилол, «Оли Имрон» сураси, 59-оят тафсири

67 Матто 1,1-16

68 Лука 3, 23-34

<i>Матто баён этган хушхабардаги</i>	<i>Лука баён этган хушхабардаги</i>
<b>Ийсо Масихцннг насл-насаби<sup>1</sup></b>	<b>Ийсонинг насабномаси<sup>2</sup></b>
Иброхим алайхиссалом	Иброхим алайхиссалом
Исхок алайхиссалом	Исхок алайхиссалом
Яъкуб алайхиссалом	Яъкуб алайхиссалом
Яхул	Яхул
Парас	Парас
Хасрон	Хасрон
Арам	Ром
Амминалаб	Амминалаб
Нахшун	Нахшун
Салмон	Салмон
Боаз	Боаз
Обид	Обид
Ишай	Ишай
Довуд алайхиссалом	Довуд алайхиссалом
<b>Сулаймон алайхиссалом</b>	<b>Наган</b>
Рахабаъм	Маггото
Абиё	Манно
Осо	Малиё
Иошафат	Элёким
Иорам	Юнус
Уззиё	Юсуф
Иотам	Яхудо
Ахаз	Шимъон
Хизкиё	Левий
Манаше	Маггот
Амон	Ерим
Иошиё	Илъазар
Иоаким	Иошуа
Якониё	Ғер
Шаадтиэл	Элмолом
Зарубобил	Косам
Абихул	Аллий
Элёким	Малкий
Азор	Нерий
Салок	Шаблтиэл
Ахим	Зарубобил
Элихул	Резо
Илъазар	Юханно
Магтан	Иоло
<b>Яъкуб</b>	Иосех
<b>Юсуф</b> (Марям эри)	Шимъий
	Маггатиё
	Махат
	Нагай
	Хесли
	Нахом
	Омос
	Маггатиё
	Юсуф
	Янай
	Малкий
	Левий
	Маггот
	<b>Эли</b>
	<b>Юсуф</b> (Марям эри)

Магтода бошқа, Лукада бошқа исмларнинг кўпчилиги чалкаш. Мисол учун, Магто шажарасида Ийсо алайхиссаломнинг насаблари Сулаймон алайхиссалом орқали Довуд алайхиссаломга боғланса,

Лука Ийсо алайҳиссаломни Довуд алайҳиссаломнинг бошқа ўғли Натанга боғлайди. Яна бир мисол: Матто (Марямнинг эри) Юсуфнинг отасини Яъқуб деса<sup>69</sup>, Лука Эли қилиб кўрсатади<sup>70</sup>.

Аксарият инжилшуносларнинг эътироф этишларича, Ийсо алайҳиссалом келтирган ҳақиқий Инжилга яқин турувчи Марк хушхабариди ҳеч қандай шажара баён этилмаган. Бундан келиб чиқадики, агар Матто тўғри баён этган бўлса, Марк нега шажара хусусида сукут сақлайди ёки Лука тўғри шажарани келтирган бўлса, Маттонинг адашаётгани аниқ эмасми? Аксинча бўлса, Лука ёлгон маълумотларни берган бўлади-ку?! Қайси бири тўғри? Бизнинг фикримизча, (ва кўп олимларнинг фикрлари бўйича ҳам) энг тўғри жавоб шуки, ҳаммаси нотўғри! Айниқса, Матто ва Лукага нисбат берилаётган Инжилларни ҳаворийлар ёзмаганлари аниқ. Бу муҳим масалани ғарб инжилшунослари аллақачон исботлаб берганликлари маълум ва машҳурдир.

Насороларнинг «Биз Ийсонинг отасиз дунёга келганига иймон келтирамиз, аммо унинг Довудгача эллик бешта отаси бўлган», деб сукут сақлаб туришларини қандай тушуниш мумкин? Агар уларга: «Йўқ, Ийсо алайҳиссалом отасиз дунёга келганлар, у кишининг битта ҳам оталари бўлмаган», дейилса, улар яна сукут сақлайдилар, чунки «Мана, Инжилда у зотнинг оталари бўлганлиги ёзиб қўйилган-ку» десалар, бу Инжилнинг тўқималигини тан олиши билан баробар бўлади. Нима бўлганда ҳам, улар ўзларининг боши берк кўчага кириб қолганларини биздан ҳам яхши биладилар. Аммо...

Ихтилофларга тўла ушбу шажаранинг ўзиёқ ҳозирги мавжуд Инжилларнинг ҳақиқий эмаслигини англатади.

Инжилда хушхабарчилар томонидан баён этилган Ийсо алайҳиссалом туғилганларидан кейин бўлиб ўтган воқеалар билан танишар эканмиз, яна ихтилофларга дуч келамиз: Қай бирининг гапи ҳақиқатга яқинроқ бўлиши мумкин?...

Мисол учун: Матто хушхабариди<sup>71</sup> “*Мунажжимлар жўнаб кетганларидан сўнг Худованднинг бир фариштаси Юсуфга тушида*

---

69 Матто-1-16

70 Лука-3-23

71 2-13,14



*кўриниб: «Ўрнингдан тур! – деди. – Чақалоқ билан онасини олиб, Мисрга қоч ва мен сенга бирор нарса айтмагушимча, у ерда қолгин. Чунки Ҳирод чақалоқни қидириб, топса, уни ҳалок қилиш нияти бор».*

Юсуф шу кечасиёқ туриб, чақалоқ билан онасини олиб, Мисрга томон йўл олди. Ҳироднинг ажали етгунига қадар у ерда қолди. Шу тариқа Худованднинг “Мен Ўғлимни Мисрдан чиқариб олдим”, деб пайғамбар орқали айтган сўзи бажо келди”, дейди, яъни Ийсо туғилгач, у зот алайҳиссаломнинг ота-оналари Байтлахмдан Мисрга қочган эканлар.

Лука эса: «Юсуф ҳомиладор Марям билан бирга рўйхатдан ўтмоқчи бўлиб, Жалиланинг Насро шаҳридан Яхудия – Байтлахм шаҳрига бориб, Марям Ийсони туғди»<sup>72</sup>. «Мусонинг қонуни (Таврот) да баён этилган чилла даври (қирқ кун) тамом бўлгач, Ийсони Қуддусга олиб келдилар»<sup>73</sup> ва «Худованднинг Қонунида буюрилган бутун удумларни бажо келтирганидан кейин Жалилага, ўз шаҳарлари Насрога қайтиб бордилар»<sup>74</sup>, «Ийсо ўн икки ёшга тўлганда улар яна Қуддусга бордилар»<sup>75</sup>, «Кейин Насрога қайтиб келдилар»<sup>76</sup>, деб баён қилади.

Лука Ийсо алайҳиссаломнинг аввалги қирқ кун Байтлахмда, сўнг камида 12 ёшга тўлгунича Носира шаҳрида бўлганлигини баён қилади.

Агар насронийларнинг эътиқодларига кўра Ийсо алайҳиссалом Худо ёки Худонинг ўғли бўлса, нима учун «худо» ўлимдан кўрқиб, Мисрга қочади? Бу Ийсо алайҳиссаломнинг ҳеч қандай Худо эмаслигининг яна бир исботи эмасми?

---

72 2-боб, 4-7

73 2-боб, 22-жумла

74 2,39

75 2,42

76 2,51

## ХОЧ

Насроний динакийдасининг қалби, ушбу дин тарғиботчиларининг даъватидаги асосий мавзу Ийсо алайҳиссаломнинг хочга миҳланишлари воқеасидир.

*«Хоч борасидаги калом ҳалок бўлаётганлар учун тентакликдир. Лекин биз, нажот топаётганлар учун бу калом Худонинг қудратиدير»<sup>77</sup>.*

*«У Ўз Ўғлини гуноҳкор инсонга ўхшатиб, оламга юборди ва Уни гуноҳ учун қурбонликка бағишлади»<sup>78</sup>*, яъни Ийсо алайҳиссалом бутун одамзоднинг гуноҳини бўйинларига олиб, ўзларини қурбон қилган эмишлар. Аслида, уларнинг ақийдаси бўйича, Худо бир пайтнинг ўзида ҳам ўғил, ҳам ота, ҳам муқаддас руҳдир. Шунга биноан, «Демак, Ийсо алайҳиссалом ўзини ўзига қурбон қилган экан-да?» деган савол туғилади. Бу саволга дин тарғиботчилари жиддийят билан *«Инсон ақли уни англашга қодир эмас»* деб жавоб берадилар. Аслида эса бу саволга жавоб бериш эмас, жавобдан қочиш бўлади.

Ийсо алайҳиссаломнинг бутун рисолатларидаги бош мақсад мана шу қурбонлик эмиш. Ким шу нарсага иймон келтирса, охиратда қутқарилганлардан бўлиб, жаннатга кирар эмиш. Насоролар мана шу бемаъни ақийдаларига маҳкам ёпишиб, бошқаларни ҳам шу нарсага ишонтирмоқчи бўлиб юрибдилар. Уларнинг ўз даъватларига асос қилиб олган ақийдалари Ийсо алайҳиссаломнинг хочга миҳланишлари воқеасидир. Бу яна бир ниҳоятда муҳим ва қизик мавзулардан саналади.

Ҳозирги насронийликни хочсиз тасаввур этиб бўлмайди. Агар хоч «йикитиладиган» бўлса эди, насронийларнинг 80-90 фоизга яқини Исломга осонликча кириб кетар эди. Лекин минг афсуски, Ислом ва насроний динлари мазкур нуқтада мутлақо келиша олмайди.

Ийсо алайҳиссаломнинг Аллоҳнинг ҳузурига, яъни осмонга тирик ҳолда чиқиб кетганликлари ҳақидаги масалада насоролар ва мусулмонларнинг фикрлари айнан бир хил эканлиги ўз-ўзидан равшан. Аммо насоролар: *«Ийсо алайҳиссалом осиб ўлдирилганидан кейин тирилиб, осмонга чиқиб кетган»*, десалар, яҳудийлар: *“Ийсо*

<sup>77</sup> Биринчи Коринфликларга-1,18

<sup>78</sup> Римликларга мактуб-8,3

алайҳиссаломни осиб ўлдирганмиз”, деб даъво қиладилар ва у зот алайҳиссаломнинг осмонга чиқиб кетганларини инкор этадилар. Уларнинг даъволари эса Қуръон оятлари билан рад этилади.

**«Яна кофирликлари ва Марям хусусида улуғ бўхтон қилганликлари сабабли ҳамда Аллоҳнинг пайғамбари бўлган ал-Масих Ийсо бинни Марямни «бизлар ўлдирганмиз»,-деган сўзлари сабабли (биз уларни лаънатладик). Ҳолбуки, улар уни (Ийсони) ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат улар учун (бошқа биров Ийсога) ўхшатиб қўйилди холос. Албатта (Ийсо) ҳақида таллашиб-тортишган кимсалар унинг (ўлдирилган -ўлдирилмагани) ҳақида шубҳада қолганлар. У ҳақда ҳеч қандай билимлари йўқ, фақат гумонларга бериладилар холос. Уни ўлдирмаганлари аниқдир»<sup>79</sup>.**

Демак, Ислом дини ва насроний дин ўртасидаги тортишувли масалалардан бири «хоч» масаласи экан. Хўш, «Инжил»да ушбу воқеа ҳақида нималар баён қилинган? Дикқатингизни Инжилдаги Ийсо алайҳиссаломнинг хочга михланишлари ва азоблаб ўлдирилишлари ва қайта тирилишлари воқеасидаги баъзи бир ихтилофларга қаратамиз.

Аввало таъкидлаб ўтишимиз лозим бўлган нарса шуки, яхудийлар ва насронийлар эътиқод қилиб келаётган «Таврот» китобининг «Амрлар» қисмида: *«Ёғочга осилган ҳар бир киши лаънатиدير»<sup>80</sup>* дейилган бўлса-да, насронийлар Ийсо алайҳиссалом ҳақларида бўхтон қилиб:

*«Сизлар ёғочга осиб ўлдирган Ийсони ота-боболаримизнинг Худоси тирилтириб қўйди»*, дея Тавротдаги амрга қарши чиқадилар. Холбуки, Ийсо алайҳиссалом:

*«Мени Тавротни ёки пайғамбарнинг оятларини бекор қилгани келди, деб ўйламанглр. Мен бекор қилгани эмас, балки бажо келтиргани келдим»*, дейди<sup>81</sup>.

Хушхабар муаллифларининг мазкур «воқеа» ҳақида келтирган маълумотлари шунчаки бир-биридан фарқ қилиб қолмай, балки улардаги айрим ўринлар бир-бирига зиддир. Ҳеч қайси хушхабарчи ўзлари баён этган воқеаларни ўз кўзлари билан кўриб, бу ҳодисаларга гувоҳ бўлмаганлар.

Марк, Лука ва Маттолар «Киринеялик Симон исмли одамни Ийсо

79 «Нисо» сураси, 156-157-оятлар мазмуни, “Қуръон Карим Ийсо пайғамбар ҳақида” китобидан

80 21-23

81 Матто-5-17

алайҳиссаломнинг хочини кўтариб боришга мажбур қилишди», дея хабар берадилар<sup>82</sup>. Юҳанно исмли бошқа хушхабарчи эса «*Ийсо ўз хочини кўтариб, Бош суяги (яхудийча Голгота) деган жойга келди*», деб, юқоридаги учта хушхабарчини ёлғончи қилади<sup>83</sup>.

Хушхабарчиларнинг ҳаммалари хочдаги ёзувни бир-бирларидан фарқли равишда, ҳар хил қилиб кўрсатишган. Матто «*Тангрим, тангрим, нега мени ташлаб қўйдинг?*» деб фарёд қилди», дейди<sup>84</sup>. Лука эса «*Ота! Рухимни Сенинг қўлларингга топширяпман*», дейди<sup>85</sup>.

Хочга миҳланиш вақтини кўрсатишда ҳам ихтилофлар бор. Марк «*Уни миҳлаганларида соат уч эди*» дейди<sup>86</sup>, Лука эса «*Олти эди*», дейди<sup>87</sup>. Матто «*Ийсо соат тўққизда жон берган*», дейди<sup>88</sup>.

Ўзбек тилида кенг тарқалган «Инжил» номли китобда ушбу ихтилофларни яшириш мақсадида, рус тилидаги «Инжил»дан фарқли ўларок, ҳар бир хабардаги соат вақтини бир хил қилиб, «*тўғрилаб*» қўйишган. Таржимонлар ўзбек ўқувчисининг Инжил хусусидаги ихтилофларга чалғимасликларини кўзда тутган бўлсалар керак.

Насороларнинг ўзларининг орасида Ийсо алайҳиссаломнинг хочда ёки ёғочда осиб ўлдирилганликлари масаласида тортишувлар мавжуд. Улар «*Ҳаворийлар фаолияти*» қисмида<sup>89</sup> Ийсо алайҳиссаломнинг хочга эмас, ёғочга осиб ўлдирилганликларини уқтирадилар. Павел ҳам галатияликларга юборган мактубида Ийсо алайҳиссаломнинг ёғочга осиб ўлдирилганликларига шубҳа қилмайди<sup>90</sup>, аммо бошқа бир мактубида «... *хочга тўкилган қони...*» деб ўзининг аввалги (ёки кейинги) сўзини инкор этади<sup>91</sup>. Яъни Павел ҳам Ийсо алайҳиссаломнинг ёғочда ёки хочда ўлди, деб аниқ айта олмайди.

Аллоҳ таоло Куръони Каримда марҳамат қилади:

**Албатта, Ийсо ҳақида талашиб-тортишган кимсалар унинг (ўлдирилган-ўлдирилмагани) ҳақида шубҳада қолганлар. У ҳақда фақат гумонларга берилади, холос. Уни**

82 Марк 15-21, Матто 27-32, Лука 23-36

83 Юҳанно 19-17

84 27 46

85 Лука 23-46

86 Марк 15 25

87 Лука 23-44

88 Матто 27 46

89 5-30

90 3-13 Галат

91 Колосалик 1-20

**ўлдирмаганликлари аниқдир»<sup>92</sup>.**

Матто «Ийсо алайҳиссалом қайта тирилганидан сўнг икки марта кўринган. Аввалига икки Марямга, сўнг 11 шогирдига», дейди<sup>93</sup>. Марк эса «Уч марта кўринган», деб Маттонинг хабарига яна бир кўринишни «кўшади». Магдалалик «Марямга, сўнг икки шогирдига ва ниҳоят ўн бир шогирдига», дейди<sup>94</sup>. Лука эса Ийсонинг икки марта, яъни аввал икки шогирдига, сўнг эса ўн битта шогирдига ва бошқаларга кўринганлигини айтади. Ва ниҳоят, Юханно Ийсо алайҳиссаломнинг тўрт марта кўринганликларини уқтиради.

Хушxabарчи Лука Ийсо алайҳиссаломнинг Байтания номли жойда осмонга кўтарилганлигини баён қила туриб<sup>95</sup>, «Хаворийлар фаолияти» бобида эса аввалги сўзига зид равишда «Ийсо Қуддус атрофидаги Зайтун тоғидан осмонга кўтарилган», дейди. Ийсо алайҳиссаломнинг осмонга кўтарилиб кетишини хушxabарда қайта тирилишнинг биринчи куни, деса, «Хаворийлар фаолияти» бобида эса «Хаворийларга қирк кун зоҳир бўлди», дейди<sup>96</sup>.

Нима учун муаллифлар ўз акийдаларининг асосини ташкил этган ушбу воқеа ҳақида бунчалик кўп, бир-бирига зид бўлган маълумотларни келтирмоқдалар? Бу ҳолат ўша китобларнинг бошидан оёғигача гумонлардан, сафсатардан иборат эканлигининг исботи эмасми?

Ийсо алайҳиссаломнинг даврларига бирмунча яқин турувчи Марк баён этган хушxabарнинг 16-бобидаги 9-20 оятлари энг қадимги қўлёзмаларда умуман йўқ<sup>97</sup>. Ийсо алайҳиссаломнинг қайта тирилишлари ва осмонга кўтарилиб, Худонинг ўнг томонига ўтиришлари кейинчалик «кўшилиб» қолган оятларда баён қилинган. Маълум бўлишича, вақт ўтган сайин мазкур тўқима «Инжил»га ҳам яна турли қўшимчалар қўшилган экан.

---

92 «Нисо» сураси, 156-157-оятлар

93 Матто 26-16

94 Марк 16-9,14

95 Лука 24-50

96 «Хаворийлар» 1-3

97 Синай ва Ватикан кодексларида ҳам йўқ

## ПАВЕЛ ВА ҲАВОРИЙЛАР

**«Улар Аллохни кўйиб ўзларининг ҳибр ва роҳиблари ҳамда Масих ибн Марямни Робб тутдилар. Улар фақат битта илоҳдан бошқага ибодат қилмасликка амр қилинган эдилар. Ундан ўзга ибодатга сазовар Зот йўқ. У Зот улар ширк келтираётган нарсадан покдир»<sup>98</sup>.**

Ийсо алайҳиссалом осмонга кўтарилиб кетганларида Қуддуси шарифда ҳаворийлар, Ийсо алайҳиссаломнинг тарафдорлари, издошлари, қолган эди. Уларнинг аксарият қисми Мусо алайҳиссалом ва Ийсо алайҳиссалом келтирган динга амал қилиб, кун кечирар, шу билан бирга, Ийсо алайҳиссаломнинг рисолатларини ёйиш билан машғул эдилар.

Фаластиндан ташқарида яшаётган ва юнон тилларида гаплашаётган Ўрта ер денгизи атрофидаги катта шаҳарларнинг барчасида яҳудийларнинг диаспоралари мавжуд эди. Ийсо алайҳиссалом ҳақларида ана шу диаспораларда яшаётган яҳудийларга ҳам хабар етиб борган ва уларнинг орасидан Ийсо алайҳиссаломнинг издошлари топилган эди. Аввалги насроний жамоаси асосан ерлик яҳудийлар ва юнон тилида гаплашадиган яҳудийлардан ташкил топган эди. Ерлик яҳудийлардан иборат насронийлар Мусо алайҳиссаломнинг шариатлари ва Ийсо алайҳиссалом ўргатган таълимотлар асосида яшар эдилар, аммо юнонлашиб кетган яҳудийлардан иборат насоролар гуруҳи яҳудийлик шариатларига унчалик амал қилмас эдилар.

Аста-секин насоролар жамоасида юнонлашган яҳудийларнинг салмоғи ортиб борди ва оқибатда ҳаворийлар давридаёқ насоролар орасида келишмовчиликлар пайдо бўлди.

*«Ийсонинг шогирдлари кўнаиб бораётган ўша кунларда юнон тилида сўзлашувчи яҳудийлар орасидан ерлик яҳудийларга қарши норозилик юз берди, чунки кундалик эҳтиёжларини улашиб бераётганда, уларнинг бева аёллари эҳтиборсиз қолар эдилар»<sup>99</sup>.* Бу келишмовчиликлар аста-секин ёш жамоага ўзининг таъсирини кўрсатиб, жамоатни икки фирқага бўлиб ташлади.

98 «Тавба» сураси, 31-оят мазмуни, «Тафсири Ҳилол»

99 «Ҳаворийлар»-6-1

Уларнинг биринчиси яҳудийлардан бўлган насронийлар эди. Бу жамоанинг кўзга кўринган вакиллари Яъқуб, Бутрис, Юҳанно ва бошқа ҳаворийлар эдилар. Қуддуси шарифдаги насронийлар жамоасининг бошлиғи Ийсо алайҳиссаломнинг “қариндоши” (укаси) Яъқуб эди. Тарихчилар унинг ўта тақводор инсон бўлганлигини айтадилар.

Иккинчи фирқа эса юнон тилида гаплашувчи яҳудийлар ва бошқа миллатлардан насроний динини қабул қилган кишиларни ўз ичига олган эди. Уларнинг кўзга кўринган вакили Павел эди. Аввалига насроний дин вакилларининг ашаддий душмани сифатида танилган Павел кўп ўтмай, насронийлар тарафига ўтиб кетади ва насроний динининг тарғиботчисига айланади. У *«Инсонлар томонидан эмас, инсон орқали ҳам эмас, балки Ийсо Масиҳ ва Уни тирилтирган Отамиз Худо томонидан ҳаворий қилиб тайинланган мен – Павел...»*<sup>100</sup>, деб ўзини ҳаворий дея танитади. Аммо Павелнинг фаолиятига кўп ҳаворийлар шубҳа билан қарар эдилар, мисол учун, Бутрус (Петр):

*«Павел ҳамма мактубларида бу мавзулар ҳақида гапиради-ку. Уларда тушуниш қийин бўлган баъзи мавзулар борки, жоҳил ва саботсиз кишилар бошқа муқаддас ёзувларни бузганларидек, уларни ҳам бузиб талқин қиладилар. Бу эса уларни ҳалокатга йўлиқтиради. Эй севганларим, буларни олдиндан билар экансиз, эҳтиёт бўлинглар, яна бошбошдоқсиз (рус. беззаконник) одамларнинг гавғоси билан йўлдан озманглар, топган қарорингиздан айниманглар»*<sup>101</sup>.

Яъни Бутрус «Павелга ўхшаган одамларга эргашманглар, чунки унга ўхшаган одамлар Мусо алайҳиссаломнинг Тавротини ва Ийсо алайҳиссалом олиб келган асл ҳақиқатларни инкор этиб, дин хусусида ўзларининг фикрлари ва райлари билан баҳс юритадилар», демоқчи. Ҳатто Павелни ўзининг яқин биродори Барнаба ҳам тарк этган:

*«...Натижада ораларида шундай хафалик бўлиб ўтдики, улар бир-бирларидан айрилиб қолдилар. Барнобо Маркни эргаштириб, Кипр оролига сузиб кетди»*<sup>102</sup>. Шунга қарамасдан, Павел:

*«Мен ҳаворий эмасманми? Мен озод эмасманми? Роббимиз Ийсо*

100 Галатияликларга 1-1

101 Иккинчи Бутрус 3-16,17

102 «Ҳаворийлар» 16-39

*Масихни кўрмаганманми?»<sup>103</sup>, дея, у ўзини ҳаворий деб эълон қилади ва яна 16-бобнинг 8-оятида у яна Ийсо алайҳиссаломни кўрганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Павел «Мен ҳаворий деб аталишга лойиқ эмасман», деб туриб, аммо ўзини барча ҳаворийлардан устун кўяди:*

*«Мен ҳаворийларнинг энг арзимайдиганиман, ҳаворий деб аталишга ҳам лойиқ эмасман. Чунки мен Худонинг жамоатини таъқиб этар эдим. Энди эса нимаики бўлган бўлсам, Худонинг инояти билан бўлдим; Унинг менга кўрсатган инояти пучга чиқмади, зеро мен ҳаворийларнинг ҳаммасидан кўпроқ меҳнат қилдим...».*

Шунга қарамасдан, кўпчилик уни ҳаворий сифатида тан олмаган, аксинча, у Қуддуси шарифга келганида Насроний жамоасининг оқсоқоллари уни совуқлик ила кутиб олишган. Хусусан, жамоа бошлиғи Яъқуб<sup>104</sup> Павелга:

*«Эй биродаримиз, – дейишди. – Яҳудийлар орасида иймон келтирган неча минг одам борлигини кўряпсан. Уларнинг ҳаммаси Мусонинг қонуни учун фидойидирлар. Фақат улар эшитган гап-сўзларига кўра, сен мажусийлар орасида яшаётган яҳудийларга: «Ўғилларингизни суннат қилманг, урф-одатга амал қилманглар, Мусонинг Қонунидан чиқинглар», деб таълим бериб юраётган эмишсан»<sup>105</sup>, дейди. Павел эса қилган ишлари гуноҳ эканлигини тан олиб, етти кун маъбадга кириб, қурбонлик қилиб, Худодан гуноҳини мағфират этишини сўрайди ва халойиққа ўзини Мусо алайҳиссаломнинг қонунини бажо келтираётган такводор яҳудий қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Лекин Павел ўргатган таълимотга биноан «Гуноҳкорлар Ийсо Масихнинг қони эвазига текин оқланадилар. Масих биз учун қон тўкди, деб ишонган кишининг гуноҳлари ювилсин, деб Худо Масихни қурбонликка бағишлади» дейилади. Амалда эса у Ийсо алайҳиссаломнинг асл издошлари олдида ўзини Мусо алайҳиссаломнинг Тавротдаги қонунларига амал қилувчи қилиб кўрсатади, ҳатто қурбонлик ҳам келтиради. Ахир Павел:*

*«...Илоҳий Қонунга амал қилиш билан оқланиш мумкин бўлганида эди, у ҳолда Масих беҳуда ўлган бўларди»<sup>106</sup> деган эмасмиди?*

Бу ерда муҳим бир нуқта бор, яъни ўша Павел исмли

---

103 Биринчи Коринфликларга 9-1

104 Ийсо алайҳиссаломнинг «туғишган» укаси

105 Ҳаворийлар 21-20,21

106 Галагияликларга 2-15,21



«хаворий» Ийсо алайҳиссаломнинг таълимотига зид бўлган янги бир таълимотни олиб келади. Бу таълимотга биноан, у кўпгина ҳаром бўлган нарсаларни ҳалол қилиб юборади ва яна «Мусо алайҳиссаломнинг Тавротига амал қилмасангизлар ҳам Худо сизларни Ийсонинг хочга тўккан қони эвазига оқлайди, фақат шу нарсага иймон келтирсангизлар бас», дея тарғибот юритади.

*«Ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улугворлигидан маҳрумдир. Лекин Худонинг инояти билан Ийсо Масиҳнинг қони эвазига гуноҳкорлар текин оқланадилар. Масиҳ биз учун қонини тўкканига ишонган кишининг гуноҳлари ювилсин, деб Худо Масиҳни қурбонликка бағишлади ва шу йўсинда Ўзининг адолатли ҳукмини очиқ намоён қилди»<sup>107</sup>.*

Павел яҳудий бўлмаган халқлар учун насроний динини қабул қилиш йўллари осонлаштириш мақсадида Мусо алайҳиссаломнинг баъзи бир қонунларини бекор қилади. Ҳолбуки, Ийсо алайҳиссаломнинг асл издошлари бунга қарши бўладилар. Улар Мусо алайҳиссаломнинг шариатига Ийсо алайҳиссалом ўргатгандек амал қилувчи эдилар.

Замонлар ўтиши билан асл насронийларнинг адади камайиб боради. Мажусийлар, мушриклар ва бошқа ботил динга эътиқод қилувчилар Ийсо алайҳиссаломнинг динига эргашяпмиз, деган даъво билан ўзларига янги динни тузиб оладилар. Улар Мусо алайҳиссаломнинг шариатини мутлақо бекор қилиб, ўзларича янги қонунлар “яратиб” оладилар. Мусо алайҳиссаломнинг шариатидаги баъзи ҳаромларни ҳалол, ҳалолларни ҳаромга чиқарган Павел уларнинг раҳнамолари бўлиб қолади. У «Инсон шариатга амал қилмаса ҳам нажот топиши мумкин» деган даъволар билан чиққан бир “хаворий” эди.

*«Тўғри, бизлар асл яҳудиймиз, мажусийлар сингари гуноҳкор эмасмиз. Лекин шуни биламизки, Худо илоҳий қонунга амал қилган кишини эмас, Ийсо Масиҳга ишонган кишини оқлайди. Шунинг учун бизлар ҳам «Илоҳий қонунга амал қилиш билан эмас, Масиҳга ишониши билангина оқланамиз», деб Ийсо Масиҳга қаттиқ ишонганмиз. Ҳеч ким Илоҳий Қонунга амал қилиб, Худонинг олдида ўзини оқлай олмайди. Бундан кўринадики, Масиҳ орқали оқланишни излаган ўзимиз ҳам ҳамма одамлар қатори, гуноҳкор бўлиб чиқдик.*

107 Римликларга 3-23,25

*У ҳолда Масиҳ гуноҳ йўлининг ҳомийси экан-да? Асло! Агар мен ўзим қулатган қонун-қоидалар биносини қайтадан қуришга киришсам, унда мен ўзимнинг қонунбузар эканимни кўрсатган бўламан. Бироқ энди мен Худо учун яшай, деб, Қонун олдида ўлганман, ҳа, Қонун мени ўлдирди. Мен Масиҳ билан бирга хочга миҳлаб қўйилганман. Энди яшаётган мен эмас, балки Масиҳ менинг ичимда яшайпти. Энди танада яшаётганимга келсак, мени севган ва мен учун Ўзини фидо қилган Худонинг ўғлига бўлган иймон билан яшайман. Мен Худонинг иноятини инкор қилмайман. Агар Илоҳий Қонунга амал қилиши билан оқланиши мумкин бўлганида эди, у ҳолда Масиҳ беҳуда ўлган бўларди»<sup>108</sup>.*

Кейинчалик кўп халқлар ушбу таълимотга эргашиб кетдилар, лекин ботил таълимотга қарши бўлган оқим ва фирқалар мавжуд бўлганлигини тарих китоблари саҳифаларидан билиб оламиз. Хусусан IV асрларда ҳам, яъни ҳаворийлар давридан 300 йил ўтганидан сўнг ҳам яҳудий миллатига мансуб бўлган насороларнинг авлодлари [евеионитлар] Павелни куфрда айблаб, уни Ийсо алайҳиссаломнинг таълимотини бузган, дер эдилар. Павелнинг таълимоти кўп қаршиликларга учраган, ҳатто ҳаворийлар ҳам бу таълимотга қарши бўлганлар.

Бошқа ҳаворийларнинг мактубларида ҳам Илоҳий қонунларга амал қилиш масаласи эътибордан четда қолмаган ва Павел таълимотига зид равишда талқин этилгандир. Азиз ҳаворий Яъқубнинг мактуби бунинг исботидир:

*«Эй биродарим, агар бирор киши иймони борлигини айтса-ю, хайрли ишлар қилмаса, нима фойдаси бор? Бундай иймон уни қутқарармикан? Бирон биродар ёки сингил яланғоч ва ризқу рўздан маҳрум бўлса-ю, бирортангиз уларга: «Эсон-омон бориб, исининг ва овқатланинг», – десангиз, лекин уларнинг танасининг эҳтиёжини қондирмасангиз, бундан нима фойда? Худди шундай, амалсиз иймон ҳам ўз-ўзидан ўликдир.*

*Энди бирор киши: «Сенинг иймонинг бор, менинг хайрли ишларим бор», – дейиши ҳам мумкин. Қани, хайрли ишларсиз иймонингни менга кўрсатгин, мен эса сенга иймонимни хайрли ишлар орқали кўрсатаман! Сен Худонинг ягоналигига ишонасанми? Яхши қиласан! Жинлар ҳам ишонгани учун даҳшатдан тиртайдилар.*

108 Галатияликларга 2-15,21

*Эй ақлсиз одам, хайрли ишларсиз иймоннинг фойдасиз эканлигини билмайсанми? Отамиз Иброҳим ҳам ўғли Исҳоқни\* қурбон қилмоқчи бўлганида, ўз хайрли ишлари туфайли оқланганлар-ку! Кўрмайсанми? Унинг иймони хайрли ишлари омили бўлган. Иймони хайрли ишлари билан такомиллашган. Тавротда: «Иброҳим Худога ишонди ва шу тариқа оқланди», – деб ёзилган. Бу сўз рўёбга чиқиб, Иброҳим Худонинг дўсти деб аталган.*

*Кўряпсизларки, инсон фақат иймони туфайлигина эмас, балки хайрли ишлари туфайли ҳам оқланади.*

*Яна фоҳиша Раҳобани мисол қилиб олайлик: у жосусларни қабул қилиб, пинҳона йўлдан жўнатиб, хайрли иш қилган ва шу тариқа оқланган.*

*Хуллас, руҳсиз бадан ўлик бўлганидек, хайрли ишларсиз иймон ҳам ўликдир»<sup>109</sup>.*

*Юҳанно ҳам «Агар биз Унинг амрларига риоя қилсак, Уни билиб олганимизга амин бўламиз. Уни биламан деб туриб, Унинг амрларига риоя қилмаган киши ёлгончи бўлади, унда ҳақиқат йўқ», демокда<sup>110</sup>.*

Аслида эса Ийсо алайҳиссаломнинг асл издошлари ҳам яҳудийлардан чиққан эдилар, улар Тавротга Ийсо алайҳиссалом ўргатганидек амал қилишарди. Лекин насронийларнинг асосий қисмлари ҳақиқий Таврот ва Инжилни рад этдилар, яъни улар Павел кўрсатган йўлдан кетдилар. Кейинчалик эса дин олимларининг райларига эргашдилар ва адашиб кетдилар.

Имом Аҳмад ва Имом Термизийлар Адий ибн Ҳотам розияллоху анҳудан қилган ривоят қилинади: У кишига Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг даъватлари етганда, Шомга қочиб кетган экан. Жоҳилият даврида насронийлик динига кирган экан. Унинг синглиси ва қавмидан бир жамоа одамлар асирга тушибди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унинг синглисини озод этиб, ҳадялар берибдилар. Сингил бориб, акасини Исломга тарғиб қилибди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаломнинг хузурларига боришга ундабди.

Машҳур Ҳотам Тоийнинг ўғли Адий ўз қабиласининг бошлиғи ҳам эди. У Мадинага борганида, одамлар унинг келгани ҳақида гап тарқатишди. У бўйнига кумушдан ясалган хоч таққан ҳолида

109 Яъқуб 2-14,26

110 Юҳанно 2-3,4

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига киради. Шунда у зот:

«Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларининг ҳибр ва роҳибларини ҳамда Масиҳ ибн Марямни Робб тутдилар», оятини тиловат қилаётган эдилар.

Адий розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Мен: «Уларга ҳеч ибодат қилишгани йўқ», дедим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Лекин уларга ҳалолни ҳаром қилдилар, улар эса эргашдилар. Ана ўша уларга ибодат қилишдир», дедилар»<sup>111</sup>.

---

111 Ҳадиснинг матни “Тафсири ҳилол” дан олинди

## СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

**“(Аллох) бир кеча, Ўз бандаси (Муҳаммад)ни унга оят мўъжизаларимизни кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжидул Ҳаромдан Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидул Ақсога сайр қилдирган пок зотдир. Дарҳақиқат, У эшитгувчи, кўргувчи Зотдир”<sup>112</sup>.**

Бежиз эътиборингизни Масжидул Ақсога қаратганим йўқ. Сабаби, ушбу масжид турган макон яҳудий ва насронийлар учун ниҳоятда азиз ва муқаррамдир. Яҳудий ва насронийларнинг эътиқодига кўра, ушбу масжид қурилган тепаликда Иброҳим алайҳиссалом ўз ўғилларини қурбон қилмоқчи бўлганлар. Қадимдан ушбу жойда Бани Исроилнинг ибодатхонаси мавжуд бўлиб келган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, бу жойга биринчи бўлиб Сулаймон алайҳиссалом ибодатхона қурдирган эканлар, ҳатто Ийсо алайҳиссаломнинг даврларида ҳам у ерда ибодатхона мавжуд бўлган. «Яҳудийларнинг Рим империясига қарши кўтарган кўзғолонидаги мағлубиятдан сўнг римликлар ушбу ибодатхонани вайрон қилиб, ўрнига Юпитер номли олиҳа учун ибодатхона қурдирган ва яҳудийларни у жойлардан ҳайдаб чиқаришган эди»<sup>113</sup>. Бу яҳудий ва насронийлар учун унутилмас сабоқ эди. Улар пайғамбарларининг йўлларида нурмадилар, илоҳий амрларга бўйсунмадилар, оқибатда Ийсо алайҳиссалом айтганларидек бўлди:

*“Шунинг учун сизларга айтаманки, Худонинг шоҳлиги сиздан олиниб, тегишли ҳосилни етиштирувчи халққа берилади. Кимки бу тошга йиқилса, парчаланиб кетади, тош кимнинг устига тушса, уни эзиб юборади”<sup>114</sup>,* яъни Бани Исроил Худонинг шоҳлигидан маҳрум бўлдилар.

“Ҳосилни етиштирувчи халқ” араб халқи бўлганини ва охир замон пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам инсоният учун “Роҳматан-лильоламин» бўлиб келганлигини тарих китобларининг барчасидан билиб оламиз. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам тавҳидни ва илоҳий шариатни қайтадан тикладилар.

112 «Исро» сураси 1-оят

113 Амброджа Донини, “У истоков христианства”

114 Магто 21-43,44

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари тез фурсатда Куддуси шарифдаги Масжидул Ақсони, кейинроқ эса Қуббатус-Саҳро масжидини барпо қилдилар. Бу Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳақиқий меросхўрлари, яъни ҳақиқий муваҳҳидлар мусулмонлар эканлигининг рамзий кўриниши бўлса керак.

Абу Зарр розияллоҳу анҳу Масжидул Ақсо ҳақида шундай ривоят қиладилар: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Ер юзида қурилган илк масжид қайси?» деб сўрадим.

«Масжидул Ҳаром», дея жавоб бердилар.

«Кейин қайси бири?» деб сўрадим.

«Масжидул Ақсо», дедилар».<sup>115</sup>

“Кўп динли мамлакатнинг тинчлиги ва барқарорлиги бир нарсага – давлат ҳар бир ватандошга дунёқараш танлаш эркинлигини таъминлай оладими-йўқми, шунга боғлиқ. Токи ҳар бир шахс ўзи, бошқаларнинг таъсирисиз диний туйғуларга, маънавий тажрибасига, ақлига мос анъанани устун қўя олсин.

“Айтинг: “(Бу Куръон) Парвардигорингиз томонидан (келган) Ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса эса кофир бўлсин”.

Қодир Аллоҳ ўрнатган ва Куръони Каримда эълон қилган инсоний ҳуррият қоидаси шундай. Дунёқарашлар ўртасидаги мунозараларга, диний баҳслар ва илмий тортишувларга сиёсий кураш тусини беришга асло йўл қўймаслик керак. Сулҳ ва ўзаро ҳурмат, одоб доирасидаги диний мунозара каби хислатлар бағрикенгликнинг асоси ва жамият ўлчовидир”<sup>116</sup>.

**«Эй аҳли китоблар! Бизга ҳам сизга ҳам баробар сўзга келинг: Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмайлик, унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз баъзимизни Робб (тарбияқунанда) қилиб олмайлик”, дегин. Бас, агар юз ўғирсалар: «Гувоҳ бўлинглар, биз, албатта, мусулмонлармиз” деб айтинглар»<sup>117</sup>.**

115 Бухорий ва Муслим ривоят қилганлар.

116 Али Вячеслав Полосин, “Аллоҳга элтувчи тўғри йўл”

117 «Оли Имрон» сураси, 64-оят, «Тафсири Ҳилол»

## ТАРЖИМАЛАР

### БИНОКОРЛАР КЕРАКСИЗ ДЕБ ТАШЛАНГАН ТОШ...

“Ҳожар сўзи Арабистондаги Синай тоғини билдирса-да, ҳозирги Қуддуснинг рамзидир; чунки Қуддус ва унинг болалари ҳозир ҳам қул бўлиб хизмат қилмоқдалар”.<sup>118</sup>

Демак, насронийлар, бу жумла ҳаворийнинг Ҳожар билан Арабистонда Қуддуси шарифга ўхшаш ёки унга тенг келадиган янги Қуддуснинг пайдо бўлажаги ҳақидаги шаҳодатидир. Агар биз Иброҳима.с билан унинг ўғли Исмоила.с Каъбани бино қилганлигини эсласак, Арабистонда Қуддусга тенг келадиган ас-Сафа тоғи билан Каъба жойлашган Макка шаҳри эканлигига ҳеч шубҳа қолдирмайди. Шундай қилиб, ҳаворий Павлуснинг Арабистонда ҳам эски Қуддуси шарифга ўхшаган, жаҳон миқёсидаги диний марказ бўладиган иккинчи Қуддуснинг пайдо бўлиши ҳақидаги башорати тўлиқ рўёбга чиққанлигини кўрамыз. Айни вақтда, Макка шаҳрини йилига саккиз миллиондан ўн миллионгача одамлар зиёрат қилиб келмоқда. Ҳайратлиси Ҳожар сўзининг арабча маъноси – тош демақдир.

Инжилдаги машҳур: “Бинокорлар керакисиз деб ташланган тош, нақ бинонинг пештоқидан жой олди. Бу Худованд иродаси туфайлидир, бизга эса ажойибот тимсолидир”<sup>119</sup>.

Эй миссионер, бинокорлар керакисиз деб ташланган тош, нақ бинонинг пештоқидан жой олганлигини ўқиб, Макка ҳақида бир ўйлаб қўйсангиз, лол қолмасдан иложингиз қолмайди...

---

118 Галат. 4:25

119 Матто 21:42

## БИБЛИЯ ИСОНИНГ ИЛОХ ЭКАНЛИГИНИ ИНКОР ҚИЛАДИ

Балки кимдир Исонинг илоҳ эканлиги ҳақидаги баҳсларни кераксиз, деб ҳисоблайди, чунки уни шахсий халоскор сифатида қабул қилинишининг ўзи муҳим-ку, дейди. Аслида эса, Библиянинг муаллифларига кўра, нажот топмоқ учун Парвардигоринг кимлигини аниқ билмоқ керак. Билмаслик эса Библиянинг энг муҳим амрини бузиш бўлади. Исо бир уламонинг саволига жавоб бериб энг муҳим амр ҳақида бирдирди:

**“Исо унга жавоб бериб деди: Бутун амрларнинг энг муҳими шу: “Тингла, эй Исроил! Раббимиз бўлган Худованд – ягона Худованддир. Раббинг бўлган Худовандни бутун қалбинг билан, бутун жонинг билан, бутун онгинг билан ва бутун қувватинг билан, севгин”. Мана бу энг муҳим амр!”**<sup>120</sup>

Эътибор беринг, Исо “Иккинчи Қонун”<sup>121</sup> китобининг муҳим амрини ўқиб, бу амр ҳали амалда ҳамда энг муҳим амрлардан эканлигини билдириб қўйди. Агар Исо ўзини Худо, деб билганида нега бу ҳақида очик-ойдин айтиб қўймади. Аммо у Худованд - ягонадир деб таъкидлади. Шу ерда яна уламонинг ҳам Исони Худо деб билмаётганини кўрамир: **“Яхши гапирдинг, Устоз, – деди уламо Исога. – Худо ягона, Ундан бошқа худо йўқ деб тўғри айтдинг”**.<sup>122</sup>

Демак, Исо уламога ўзидан бошқа алоҳида бўлган Худо ҳақида гапиришига изн берди. Сўнг: **“Исо унинг оқилона жавоб берганини кўриб: – Сен Худонинг Шоҳлигидан узоқда эмассан, – деди”**.<sup>123</sup> Агар худо учлик бўлганида Исо бунни яшириб ўтирмасди. Худо учлик демади, балки у **“Худо ягона”**, деди.

Исонинг ҳақиқий издошлари унга барча нарсада эргашиши керак. Худонинг ягона эканлигини ҳам қабул қилишлари шарт. Агар Исо “учлик” (троица) ҳақида гапирмаган бўлса, улар ҳам бу ҳақида гапирмасликлари керак.

120 (Марк 12:29-30)

121 (6: 4-5)

122 (Марк 12:32)

123 (Марк 12:34)



Демак, Библияга кўра, нажот асосий амрга риоя қилишга боғлиқ экан. Буни тасдиқлаш учун яна бир мисол келтирамиз. **“Исо йўлга чиқаётганида, кимдир югуриб келиб, Унинг олдида тиз чўкдида: – Валинеъмат Устозим! Абадий ҳаёт насиб бўлмоғи учун нима қилишим керак? – деб сўради. Исо унга деди: – Нега Мени валинеъмат дейсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким валинеъмат эмас-ку”**.<sup>124</sup>

Шу билан Исо ўзини Худо эмаслигини очиқ-ойдин билдирди. Сўнг, Исо жавоб қилиб: **“Сен илоҳий амрларни биласан: «Зино қилма. Одам ўлдирма. Ўғрилиқ қилма. Сохта гувоҳлик берма. Бировнинг ҳақини ема. Ота-онангни ҳурмат қил”**<sup>125</sup>.

Исонинг сўзларидан Библиянинг энг муҳим амри – Худони ягона деб билиш эканлигини тушунамиз. У буни “Юҳанно баён этган хушхабар”да ҳам такрорлайди: **“Шу гаплардан кейин Исо кўзларини осмонга тикиб, деди: «Эй Ота! Вақт-соати келди. Ўғлинг Сени улуғлаши учун Сен ҳам Ўз Ўғлингни улуғлагин. Сен Унга бутун башарият устидан ҳокимликни бердинг; Сен Унга берган одамларнинг ҳаммасига У абадий ҳаёт ато қилади. Абадий ҳаёт эса Сени – танҳо Ҳақ Худони ҳамда Сен юборган Исо Масихни таниб-билишдан иборатдир.**”<sup>126</sup>

Демак, агар инсон абадий ҳаётни хоҳласа, у Исо мурожаат қилган – Худо ягона эканлигини, Исо эса унинг элчиси эканлигини билиши керак. Баъзилар айтадики, Ота – бу Худо, Ўғил – Худо ва Мукаддас Рух – Худо. Аммо, Исо сўзига кўра, фақат Ота – ҳақиқий Худо. Исонинг ҳақиқий издошлари бу ерда ҳам унга эргашадилар, чунки у айтган: **“...агар Менинг каломимга риоя қилсангизлар, ҳақиқий шогирдларим бўласизлар”**.<sup>127</sup> Унинг таълимотлари эса амрларга риоя қилиш, айниқса Худонинг ягона эканлиги энг муҳим амр ва бизларнинг асосий вазифамиз бутун қалбимиз билан Уни яхши кўриш ва У учун ғайратли бўлишдир. Биз Исони яхши кўрамиз, аммо уни биз Худо каби яхши кўра олмаймиз. Баъзан

124 (Марк 10:17-18)

125 (Марк 10:19).

126 (Юҳанно 17:1-3).

127 (Юҳанно 8:31)

инсон Худони жазо берувчи, Исони эса Худонинг ғазабидан нажот берувчи сифатида тасаввур қилади. Аммо ҳақиқий нажот берувчи бу Худодир. “Ишаъё пайғамбар китоби”да Худо: **“Мен Эгангизман! Ёлғиз Мен Эгангизман, Мендан бошқа қутқарувчи йўқ”**<sup>128</sup>, ҳамда **“Мен Эгангиз эмасми?! Мендан бошқа худолар йўқ! Мен одил Худоман, Қутқарувчиман! Мендан бошқаси йўқ. Менга юз буринг, нажот топасиз, Эй заминнинг барча четлари! Ҳа, Мен Худоман, бошқаси йўқ”**<sup>129</sup>, дейди.

Қуръони карим Библиянинг асосий амрини тасдиқлайди ва бутун инсониятни унга амал қилишга чақиради<sup>130</sup>. Ва Парвардигор айтадики: “Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари каттиқдир”.<sup>131</sup>

**“Тимўтийга биринчи мактуби”**да Павел ёзади: **“Худо, Исо Масих ва танланган фаришталар олдида сени қаттиқ огоҳлантираман: ҳеч бир ишда юз-хотирчилик ва тарафқашлик қилмай...”**<sup>132</sup>

“Худо” сўзи Исога алоқаси йўқлиги тушунарли бўлса керак. Шу мактубда Павел Худони Исодан алоҳида зикр қилиб ўтади: **“Исо Масих ҳам борлиққа ҳаёт бағишлаган Худо ва Пўнтий Пилатнинг олдида улуғ имонни очиқ тан олган эди, Унинг ҳузурда сенга буюраман”**.<sup>133</sup>

Сўнг Павел Масихнинг иккинчи марта келиши ҳақида айтади: **“Раббимиз Исо Масих кўкдан тушиб кўрингунча, Худо буйруғини бенуқсон ва беғубор кўриқла. Мана Худо Ўзи хоҳлаган пайтда Исо Масихни улуғворлик билан намоён қилади. Худо – ягона муборак Ҳоким, подшоҳларнинг Подшоҳи, хўжайинларнинг Хўжайини...”**.<sup>134</sup>

Бу ерда ҳам Павел Исо ва Худон ажратган. Кўпинча, “Раббимиз

128 (43:11)

129 (45:21-22).

130 “Ва илоҳингиз бир илоҳдир. Роҳман ва Раҳийм бўлмиш Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқдир”. Қуръони карим 2:163

131 Қуръони карим 2:165

132 («Тимўтийга биринчи мактуби» 5:21).

133 («Тимўтийга биринчи мактуби» 6:13).

134 («Тимўтийга биринчи мактуби» 6:14-15).

Исо”<sup>135</sup> сўзи Худо деб тушунилади. Аммо Библияда бу унвон устоз ёки жаноб ёки бошқа маъноларда қўлланиши мумкин.<sup>136</sup>

Сўнг, Павелнинг Худо ҳақида айтган сўзлари эътиборга моликдир: **“...Ўзи хоҳлаган пайтда Исо Масихни улугворлик билан намоён қилади. Худо – ягона муборак Ҳоким, подшоҳларнинг Подшоҳи, хўжайинларнинг Хўжайини, ўлмасликнинг якка моликидир. У яқинлашиб бўлмайдиган нурда туради, Уни ҳеч бир инсон кўрмаган ҳамда кўриши мумкин эмас. Унга абадий шон-шуҳрат ва салтанат бўлсин!”**<sup>137</sup>

Демак, Павел Худони ягона ва ўлмайдиган деди. Истаган изоҳли луғатни очиб қаранг “ўлмайдиган” - сўзи умуман ҳаёти тугамайдиган, ўлмайдиган маъноларини беради. Демак, Исони ўлди дейдигандар уни Худо деб билмас экан. Бундай эътиқод Павел айтганига ҳам зиддир. Бундан ташқари, Худони ўлди дейиш шаккокликдир. Павел Худони ўлмаслигига ишонган.

Яна бир муҳим жиҳат. Павел айтишича, Худо яқинлашиб бўлмайдиган нурда туради, уни ҳеч бир инсон кўрмаган ва кўриши мумкин эмас. Исони эса жуда кўпчилик кўрган. Табиийки, Павел буни билган, аммо шунга қарамай у Худони ҳеч ким кўрмаган деб айтган. Чунки Павел Исони Худо эмас, балки Масих деб билгани учун.<sup>138</sup>

Павел Афинада бўлганида одамларга Худо ҳақида сўзлаб берган: **“Борлиқни яратган Парвардигори олам еру осмон Эгаси бўлиб, инсон қўли билан яратилган маъбадларда яшамайди”**<sup>139</sup>, кейин эса Исо ҳақида сўзлади: **“Ўзи қўйган Зот орқали У дунёни адолат билан ҳукм этадиган бир кун тайин этди...”**<sup>140</sup>.

Демак, Павел учун Исо Худо бўлмаган. Агар, унинг сўзлари буларнинг акси учун далил қилинаётганини билса, у нима

---

135 «Господь Иисус»

136 («Бутруснинг биринчи мактуби» 3:6).

137 («Тимўтийга биринчи мактуби» 6:15-16).

138 («Хаворийлар» 9:22; 18:15).

139 («Хаворийлар» 17:24),

140 («Хаворийлар» 17:31).

қилар экан-а? Ҳатто у маҳкама олдида: “**Ҳузурингизда шуни эътироф этаманки, улар бидъат деб атаган Йўлнинг избосари ўлароқ, ота-боболарим сиғинган Худойи Таолонинг ҳақиқий бандасиман...**”<sup>141</sup>, деган.

Павел Исони хизматкор деди: “**Мана, ота-боболаримизнинг Худоси, Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси Ўзининг Ўғлони Исони юксалтириб**<sup>142</sup>, шон-шарафга сазовор қилган”<sup>143</sup>.

Павел учун Худо – бу Отадир: “**Ҳамманинг Отаси Худо – бир**”<sup>144</sup> ҳамда “**лекин биз учун биргина Отамиз Худо бор. Ҳамма нарса Ундандир, биз У учун яшаймиз. Шунингдек, биргина Раббимиз Исо Масих бор. Ҳамма нарса У орқали вужудга келган, биз ҳам У орқали яшаймиз**”<sup>145</sup>.

“**Филиппиликларга мактуб**”<sup>ни</sup><sup>146</sup> ҳам Исонинг илоҳ эканлигига кўпинча ҳужжат сифатида келтирилади. Бу банд “**Ишаъё пайғамбар китоби**”<sup>147</sup>даги бандга ўхшаб кетади. Унда Худо: “**Менга юз буринг, нажот топасиз, Эй заминнинг барча четлари! Ҳа, Мен Худоман, бошқаси йўқ. Ўзим ҳақим онт ичдим, Оғзимдан тўғри сўз чикди, беҳуда кетмас. Чунки Менинг олдимда ҳар бир тизза чўкка тушади, Ҳар бир тил Менга садоқат қасамини ичади**». Буни яхши билган Павел: “**Ана шу сабабдан, мен самовий Отамиз олдида тиз чўкяпман**”<sup>148</sup>, деди.

“**Ибронийларга мактуб**”<sup>да</sup><sup>149</sup> эса, Худонинг бутун фаришталари Унга (Ўғилга) сажда қилсинлар, дейилган. Бу банд Эски аҳднинг Септуагинта ривоятидаги (версиясида) “**Иккинчи қонун**”<sup>150</sup>даги бандга (стихга) бевосита боғлиқдир. Бугунги насронийлар

---

141 («Хаворийлар» 24:14)

142 (Бу жойда Ўзбек тилига ногўри таржима қилинган, русчаси эса қуйидагича, «**Бог Авраама и Исаака и Иакова, Бог отцов наших, прославил Служителя Своего Иисуса**»)

143 («Хаворийлар» 3:13).

144 («Эфесликларга» 4:6)

145 («Коринфликларга биринчи мактуб» 8:6)

146 (Филиппиликларга мактуб 2:6-11)

147 (45:22-24)

148 («Эфесликларга» 3:14)

149 (1:6)

150 32:43

фойдаланаётган Эски аҳд китобида бу бандлар йўқ. Бундан ташқари насронийлар бу ривоятни тан олишмайди. Аммо, ҳатто ўша ҳам Ўғилга сиғинишга даъват қилмайди. Унда айтилишча, “Худонинг фаришталари Худога сиғинсин” дейилган. Библиянинг талаби: сиғиниш фақат ягона Худога бўлиши керак: “**Зотан, Эгамиз Ёқуб ўғиллари билан аҳд тузиб, шундай амр этган эди: “Бегона худоларга сажда қилманглар, таъзим қилманглар, у худоларга хизмат қилманглар, қурбонлик қилманглар. Фақат буюк кудрати ва ажойиботлари билан сизларни Мисрдан олиб чиққан Мен — Эгангизга сажда қилинглари. Менга таъзим қилиб, қурбонлик келтиринглари. Сизлар учун ёзган фармонларимни, қоидаларимни, қонунларимни ва амрларимни тоабат ижро этинглари ва бегона худоларга сажда қилманглар. Сизлар билан тузган аҳдимни унутманглар, бегона худоларга сажда қилманглар. Фақат Мен, Эгангиз Худога сажда қилинглари. Шунда Мен сизларни ҳамма ғанимларингиз қўлидан халос қиламан.**”<sup>151</sup>

“Луқа баён этган хушxabар”да<sup>152</sup> таъкидланишича, Исо алайҳиссалом бунга ишонган. У Худога сиғиниб сажда қилган.<sup>153</sup> Павел ҳам Исони Худога сиғинишини билган<sup>154</sup> ва бошқаларга – Исони Худога доим тобе эканлиги ҳақида айтган.<sup>155</sup>

---

151 «2-Шохлар» 17:35-39

152 (4:8)

153 «Матто» 26:39

154 («Ибронийларга мактуб» 5:7)

155 («Коринфликларга биринчи мактуб» 15:28)

# ИНЖИЛДАГИ ИСОНИНГ ҚАЙТА ТИРИЛИШИ ҲАҚИДАГИ РИВОЯТЛАРНИНГ ИХТИЛОФЛАРИ

## Исо Масих қабрига ким келган?

1. Икки Марям<sup>156</sup>
2. Икки Марям ва Саломия<sup>157</sup>
3. Тўрт аёл ва улар билан бирга бошқа аёллар<sup>158</sup>
4. Битта Марям<sup>159</sup>

## Аёллар қачон Исо Масих қабрига келишган?

1. Тонготарда<sup>160</sup>
2. Тонг ёришганида<sup>161</sup>
3. Эрта тонгда<sup>162</sup>
4. Эрта сахарда, кун ёришмасдан<sup>163</sup>

## Келганлар нима кўришди?

1. Зилзила. Фаришта осмондан тушиб, қабр оғзидаги тошни ағдариб юборди<sup>164</sup>

156 Аёллар кетганларидан кейин, соқчилар бўлинмасидан бир нечтаси шаҳарга кириб, юз берган воқеа тўғрисида бош руҳонийларга айтиб бердилар. (Матто, 28:11)

157 Шаббат куни тугагач, Мағдалалик Марям, Ёқубнинг онаси Марям ва Саломия Исонинг жасадига суртиш учун хушбўй мойлар сотиб олдилар. (Марк, 16:1)

158 Ҳаворийларга бу хабарни мағдалалик Марям, Йўанна ва Ёқубнинг онаси Марям етказдилар. Улар билан бирга бошқа аёллар ҳам бор эди. (Лука, 24:10)

159 Якшанба куни эрта сахарда, кун ёришмасдан, Мағдалалик Марям қабрнинг олдига келиб, қабр оғзидаги тошнинг ағдарилганини кўрди. (Юханно, 20,1)

160 Шаббат кунининг эртасига, якшанба куни тонготарда мағдалалик Марям билан бошқа Марям қабрни кўргани боришди. (Матто, 28:,1)

161 Шаббат куни тугагач, Мағдалалик Марям, Ёқубнинг онаси Марям ва Саломия Исонинг жасадига суртиш учун хушбўй мойлар сотиб олдилар. Якшанба куни жуда барвақт туриб, тонг ёришганда қабрга бордилар. (Марк, 16:1—2)

162 Якшанба куни эрта тонгда аёллар тайёрлаб қўйган хушбўй мойларни олиб, қабрга келдилар. (Лука, 24:1)

163 Якшанба куни эрта сахарда, кун ёришмасдан, Мағдалалик Марям қабрнинг олдига келиб, қабр оғзидаги тошнинг ағдарилганини кўрди. (Юханно, 20:1)

164 Шунда тўсатдан қаттиқ зилзила бўлди, чунки Эгамизнинг фариштаси осмондан тушиб, қабр оғзидаги тошни ағдариб юборди. Фаришта ўша тош устига ўтирди. Унинг киёфаси

2. Тош аллақачон ағдарилган, оқ либосли бир йигит-фаришта<sup>165</sup>
3. Тош ағдарилган, икки одам ўтирибди<sup>166</sup>
4. Тош ағдарилган, ҳеч ким йўқ, ҳеч нарса кўрмайди<sup>167</sup>

## **Аёлларга айтилган илк сўзлар нима бўлди?**

1. Тошни ағдарган фаришта: “Исо ўликдан тирилди. У сизларни Жалилада кутяпти. Уни ўша ерда кўрасизлар”.<sup>168</sup>
2. Бир йигит: “Исо сизларни Жалилада кутяпти.”<sup>169</sup>
3. Икки одам Масихнинг тирилгани ҳақида хабар беради.<sup>170</sup>
4. Масих Марямга: “Эй аёл, нега йиғлаяпсан?”<sup>171</sup>

## **Бундан кейин аёллар нима қилишди?**

### **1. Шоша-пиша Исонинг шогирдларига хабар бергани югуриб**

---

яшиндай порларди, кийимлари қордай оппоқ эди. Уни кўриб соқчилар шунчалик кўркиб кетдиларки, титраб, мурдадай қотиб қолдилар. (Магто, 28:2-4)

165 Қабрга етиб келганларида қарашса, тош аллақачон ағдарилган экан. Тош жуда катта эди. Улар қабр ичига кириб, ўнг томонда ўтирган оқ либосли бир йигитни кўрдилар—, чўчиб кетдилар. (Марк, 16:4-5)

166 Улар гангиб қолдилар. Шунда тўсатдан аёлларнинг қаршисида икки одам пайдо бўлди. Уларнинг кийимлари яркираб турарди. (Лука, 24:4)

167 Якшанба куни эрта сахарда, кун ёришмасдан, Магдалалик Марям қабрнинг олдига келиб, қабр оғзидаги тошнинг ағдарилганини кўрди. У югуриб, Шимўн Бутрус ва Исонинг севикли шогирди олдига бориб деди: — Раббийнинг жасадини қабрдан олиб кетишибди. Уни қаерга қўйишганини билмаймиз

168 Фаришта аёлларга деди: — Кўркманглар! Биламан, сизлар хочга михланган Исони кидиряпсизлар. У бу ерда йўқ. Ўзи айтганидай, У тирилди. Мана, келиб кўринглар, У шу ерда ётган эди. Энди тезроқ бориб, Унинг шогирдларига: “Исо ўликдан тирилди. У сизларни Жалилада кутяпти. Уни ўша ерда кўрасизлар”, — деб айтинглар. Сизларга айтадиган гапим шу эди. (Магто, 28:5-7)

169 Йигит уларга: — Кўркманглар! — деди. — Сизлар хочга михланган носиралик Исони излаяпсизлар. Исо тирилди! У бу ерда йўқ. Мана Унинг қўйилган жойи! Энди бориб, Унинг шогирдлари ва Бутрусга: “Исо сизларни Жалилада кутяпти. Ўзи сизларга айтганидек, Уни ўша ерда кўрасизлар”, деб айтинглар. (Марк, 16:6-7)

170 У бу ерда йўқ, У тирилди! Ҳали Жалилада бўлган пайтида сизларга нима деганини эсланглар. У сизга: “Инсон Ўғли гуноҳкор одамлар қўлига тутиб берилади, хочга михланади, учинчи куни эса тиралади”, — деган эди—ку. (Лука, 24:6-7)

171 Улар Марямга:

— Эй аёл, нега йиғлаяпсан? — дейишди.

— Раббининг жасадини олиб кетишибди, Уни қаерга қўйишганини билмайман, — деди у. (Юҳанно, 20:13)

кетдилар<sup>172</sup>

2. Исони кўришмаган ва ҳеч кимга бирон нарса айтмадилар<sup>173</sup>

3. Воқеани ўн бир шогирдга ва қолган ҳаммага айтиб бердилар<sup>174</sup>

4. Марям Исо билан гаплашган<sup>175</sup>

## **Қайта тирилган Масих биринчи бўлиб ким билан гаплашган?**

1. Икки Марям билан<sup>176</sup>

2. Фақат битта Магдалалик Марям билан<sup>177</sup>

3. Эммаус деган қишлоққа кетаётган икки шогирди билан<sup>178</sup>

4. Фақат битта Марям билан<sup>179</sup>

## **Қайта тирилган Исо ҳаворийларга нима деган?**

1. “Жалилага боринглар. Мени ўша ерда кутаман (шу ерда мени кутинглар)<sup>180</sup>

---

172 Аёллар шоша–пиша қабрдан кетдилар. Қўрқув ва чексиз севинчга тўлиб, Исонинг шогирдларига хабар бергани югуриб кетдилар. (Магто, 28:8)

173 Дахшатга тушиб, қалтираган аёллар қабрдан чиқиб, қочдилар. Улар қўрққанларидан ҳеч кимга бирон нарса айтмадилар. (Марк, 16:8)

174 Улар қабр ёнидан қайтиб, бу воқеани ўн бир шогирдга ва қолган ҳаммага айтиб бердилар. (Лука, 24:9)

175 Шундай деди–ю, орқасига бурилиб, у ерда турган Исони кўрди. Лекин Унинг Исо эканлигини билмади. (Юҳанно, 20:14)

176 Бирданига Исонинг Ўзи уларнинг қаршисидан чиқиб:

— Салом! — деди.

Аёллар Исонинг олдига бориб, оёқларига ёпишганча Унга сажда қилдилар. Исо уларга деди:

— Қўркманглар! Бориб, биродарларимга: “Жалилага борар экансизлар”, деб айтинглар. Улар Мени ўша ерда кўрадилар. (Магто, 28: 9-10)

177 Якшанба куни эрта сахарда тирилган Исо биринчи бўлиб Магдалалик Марямга зоҳир бўлди. У бу аёлдан етгита жинни қувиб чиқарган эди. (Марк, 16:9)

178 Ўша куни Исонинг шогирдларидан иккитаси Эммаус деган қишлоққа кетаётган эди. Бу қишлоқ Қуддусдан ўн бир километр узоқликда жойлашган эди. (Лука, 24:13-35)

179 Исо унга:

— Марям! — деди.

Марям Исога қайрилиб:

— Раббуний! — деди. (Раббуний оромийчада “Устозим” демақдир. (Юҳанно, 20:14-17)

180 (Магто, 28:10; Марк, 16;7)



2. Аёллар ҳеч ҳаворийларга ҳеч нарсa демаган<sup>181</sup>
3. Қуддусдан кетиб қолманглар ва Отамнинг берган ваъдаси бажо бўлишини кутинглар<sup>182</sup>

### **Исо илк бор нечта шогирдларига кўринган?**

1. Ён бир ҳаворийга<sup>183</sup>
2. Ёнта ҳаворийга (Тўма билан Яҳудо йўқ эди)<sup>184</sup>
3. Аввал Кифага<sup>185</sup>, сўнг эса ўн икки ҳаворийга<sup>186</sup>

### **Ҳаворийлар Исони илк бор қаерда кўришди?**

1. Жалилада<sup>187</sup>
2. Қуддусда<sup>188</sup>

### **Масих осмонга қачон кўтарилган?**

1. Саккиз кун ўтиб (Ҳаворийлар Қуддусдан Жалилага боришган)<sup>189</sup>
2. Қайта тирилган куни<sup>190</sup>

181 (Марк, 16:8)

182 Улар бундан гангиб турганда, бирдан олдиларида ялтироқ кийим кийган икки зот пайдо бўлди. (Лука, 24:4)

183 Шу заҳоти ўринларидан туриб, Қуддусга қайтиб бордилар. Ён бир ҳаворийни ва улар билан тўпланиб турганларни топдилар. (Лука, 24:33-36)

184 Ён икки шогирддан бири, “Эгизак” лақабли Тўма, Исо келганда у ерда шогирдлар орасида йўқ эди. Бошқа шогирдлар унга:

— Биз Раббийни кўрдик, — дейишди. Тўма уларга шундай деди:

— Унинг қўлларидаги мих чандикларини ўзим кўрмагунимча, мих чандикларига бармоғимни теккизмагунимча, биқинига қўлим билан тегиб кўрмагунимча ишонмайман. Кейинги якшанба куни Исонинг шогирдлари яна уйда тўпланган эдилар. Бу сафар Тўма ҳам улар билан бирга эди. Уйнинг эшиклари кулф эди. Шунга қарамай Исо кирди, ўрталарида туриб:

— Сизларга тинчлик бўлсин! — деди. (Юҳанно, 20:24-26)

185 КИФА: Симун Бутруснинг янги исми

186 Аввал У Кифага, сўнгра ўн икки шогирдига кўринди. (Биринчи коринф, 15: 5)

187 Шунда Исо уларга:

– Кўркманглар! Бориб биродарларимга Жалилага боришларини, Мени ўша ерда кўришларини хабар беринглар, – деди. (Матто, 28:10,16-20)

188 (Марк, Лука, Юҳанно)

189 (Матто, 28, 16-20)

190 (Лука,24:13, 33, 36, 50)

3. Узоқ, номаълум муддат<sup>191</sup>
4. Тирилганидан сўнг қирқ кун ўтиб<sup>192</sup>

### **Исо қайси жойдан осмонга кўтарилган?**

1. Жалиладаги тоғдан<sup>193</sup>
2. Қуддусдаги столдан<sup>194</sup>
3. Қуддус ёнидаги Байтаниядан<sup>195</sup>

Янги Аҳдда қайта тирилган Исо Масихнинг ерда бўлганлиги ҳақидаги ривоятларида яна бошқа ечими топилмаган ихтилофлар ҳам бор. Янги Аҳд ва бутун Библия ичида бунга ўхшаш ихтилоф ва қарама-қаршиликлар жуда кўп.

---

191 (Юханно, 21-боб)

192 Исо азоб чекиб ўлгандан кейин, қирқ кун мобайнида ҳаворийларига зоҳир бўлиб, Худонинг Шоҳлиги ҳақида уларга сўзлар ва кўп ишонарли исботлар билан Ўзини барҳаёт қилиб кўрсатар эди. (Ҳаворийлар, 1:3)

193 Ўн бир шогирд Жалилага, Исо уларга тайин этган тоққа боришди. 17Улар Исони кўриб, Унга сажда қилдилар. Баъзилари эса шубҳага бордилар.

18Исо уларга яқинлашиб, шундай деди: “Менга осмонда ҳам, ерда ҳам бутун ҳокимият берилгандир. (Матв, 28:16-18)

194 Ниҳоят, Исо Ўзининг еб-ичиб ўтирган ўн бир шогирдига зоҳир бўлди. Уни тирилган ҳолда кўрган одамларга ишонмай, имонсиз қолганлари, дийдасини қотиргани учун уларга таъна қилди. (Марк, 16:14, 19)

195 Кейин Исо шогирдларини шаҳардан ташқарига, Байтания яқинларигача олиб чиқди-да, қўлларини кўтариб уларни дуо қилди. 51Дуо қилаётиб, улардан узоқлашганча осмонга кўтарилди. (Лука, 24:50-53)

## БИР ТАЪЛИМОТНИНГ ХАТОСИ

### Насронийликдаги “нажот топиш” ақидасининг асл моҳияти

«Қутқарилиш, нажот топиш» деганимизда, гуноҳлардан халос бўлиш, гуноҳ учун жазоланмаслик ҳам тушунилади. Ҳар бир дин гуноҳдан нажот топиш йўлларини кўрсатган, ўргатган. Насронийлик таълимотида эса, бу тушунчадан бошқа одамнинг гуноҳини ювиш тушунилади. Бу таълимотга кўра, инсон руҳи нуқсонли, саркаш ва гуноҳкор экан, Исо алайҳиссалом ўзини қурбон қилиб, Худо олдида инсонларнинг гуноҳларни тўлиқ ювган. Бошқача сўз билан айтганда, насронийлар наздида Исо алайҳиссалом ўлими ва қайта тирилиши бандаларнинг гуноҳини ювиш учун бўлганмиш. Аммо бу фикр Тавротга зид, чунки мазкур китобда Худо айтади: “...ҳар ким ўз жинояти учун ўлим билан жазоланиши керак”.<sup>196</sup> Ислом ақидаси бўйича эса, Исо алайҳиссалом ўлган эмас: “... Йўқ! Балки куфрлари сабабли Аллоҳ қалбларига муҳр босган, озгиналаридан бошқаси иймон келтиришмайди. Ва куфрлари сабабли, Марямга қарши улкан бўҳтон айтганлари учун ва «Биз Аллоҳнинг Расули Масих Исо ибн Марямни ўлдирдик», деганлари учун (уларни лаънатладик). Ҳолбуки уни ўлдирмадилар ҳам, осмадилар ҳам, лекин уларга шундай туюлди. У ҳақда ихтилофга тушганлар унинг ўлимидан шак-шубҳададирлар. У тўғрисида уларнинг билимлари йўқ, фақат гумонга эргашишади. Уни ўлдирмаганлари аниқдир”.<sup>197</sup>

## ИСО АЛАЙҲИССАЛОМ НАЖОТ ҲАҚИДА

Тўрт Инжилда ҳам Исо алайҳиссалом инсониятни гуноҳдан қутқаргани ҳақида лом-мим дейилмайди. Ўшанда бир киши Исонинг ёнига келиб: “Абадий ҳаёт насиб бўлиши учун нима қилишим керак?” деб сўради. Исо унга: “...илоҳий амрларга риоя қил”, деб жавоб берди, яъни “Худонинг амрларига риоя қил”,<sup>198</sup> деди. Таврот тафсирчиси айни шу саволга: Исо алайҳиссалом Эганг Худовандни

196 Қонунлар, 24:16

197 Нисо сураси, 155-157-оятлар

198 Матто, 19:16-17

бутун қалбинг, бутун жонинг, бутун қувватинг ва бутун онгинг билан сев, яқинингни эса ўзинг каби сев, деб жавоб берди, деган.<sup>199</sup>

Исо алайҳиссалом шахси Қуръони каримда аниқ кўрсатилган. Аллоҳ таоло айтади: “Масих ибн Марям бир пайғамбар, холос. Ундан олдин ҳам пайғамбарлар ўтган. Унинг онаси эса, сиддиқадир. Икковлари ҳам таом ер эдилар. Биз уларга оятларни қандай баён қилаётганимизга назар солу, кейин уларнинг қандай бурилиб кетаётганларига назар сол”.<sup>200</sup>

Исо алайҳиссаломнинг вазифаси қутқарилишнинг янги йўлини кўрсатиш ҳамда қандайдир янги динни вужудга келтириш эмас эди. Библиянинг гувоҳлик беришича, у яҳудийлар қалбига тақводорликни қайтармоқчи бўлган.<sup>201</sup>

## ТАРСАЛИК ПАВЛУС

Гуноҳни ювиш эътиқоди Исо алайҳиссалом таълимотига асосланмаган, бу ақиданинг асосчиси Павлус эди: яъни бугунги кўринишдаги насронийликка Павлус жуда катта ҳисса қўшган. Бошда кўп яҳудийларга ўхшаб Павлус ҳам Исо алайҳиссалом таълимотига унча хайрихоҳ бўлмаган ва ҳатто эътиқоди учун насронийларни таъқиб қилишда фаол иштирок этган. Аммо милодий 35-йилларда жонбоз таъқиб қилувчи тўсатдан жўшқин даъватчига айланади. Павлус айтишича, мажусийларга ўз таълимотини Павлус орқали етказиш учун қайта тирилган Исо алайҳиссалом унга кўринганмиш.<sup>202</sup> Аммо Павлус сўзларининг ҳаққонийлигига шубҳа бор, чунки, биринчидан, унинг насроний бўлиши ҳақида бир-бирига қарама-қарши тўртта ривоят бор<sup>203</sup>; иккинчидан, Библияда айтилишича, ваҳий ФАҚАТ Худо тарафидан бўлади<sup>204</sup>; учинчидан, Исо алайҳиссалом ҳаворийлар билан Павлус таълимоти бўйича бўлиб ўтган жуда кўп баҳс-мунозаралар Инжилнинг Ҳаворийлар бобида ўз аксини топган.

Павлуснинг яҳудий-насронийлар орасидаги ваъз-насихат ва

199 Лука, 10:25-28

200 Моиса сураси, 75-оят

201 Матто, 6:1-8

202 Галатияликларга, 1:11, 12,15,16

203 Ҳаворийлар, 9:3-8; 22:6-10; 26:13-18; Галатияликларга, 1:15-17

204 «Сонлар», 12:6; «Қонунлар», 18:20; «Иезекиил», 13:8-9

даъватлари унчалик муваффақият қозонмайди. Шунинг учун ҳам у яҳудий бўлмаган насронийларга нигоҳини қаратади. Шу ерда ҳам Павлус ўзининг бу амали билан Исо алайҳиссалом насиҳатини бузди<sup>205</sup>. Қисқача айтганда, ўз нафси хотиржамлиги ва шахсий мақсадлари учун Исо алайҳиссалом кўрсатмаларига зид иш қилди.

## МАЖУСИЙЛИК ТАЪСИРИ

Павлус давридаги мажусийлар турли хил “илоҳ”ларга эътиқод қилишар эди. Уларнинг номи Сурияда Адонис, Фракияда Дионис, Фригияда Аттис дея аталиб, номида фарқли бўлса-да, уларнинг асосий ғоялари бир-бирига жуда яқин эди: Худонинг “ўғил”лари зўравонлик билан ўлдирилган, энди қайта тирилиб ўз халқини қутқариши лозим эди. Мажусийлар фақат ўзлари эътиқод қиладиган, турли кўриниш ва шаклдаги халоскор “худо”ларинигина билишгани боис, янги диндан ҳам шуни кутишар эди. Кўринмайдиган илоҳ ҳақидаги таълимот уларга тушунарсиз бўлган. Ўзига эргашувчиларни қутқариш учун ўладиган, нажоткор Исо Масиҳ ҳақидаги Павлус ҳикоялари, ривоятлари уларга жуда ёқиб тушди<sup>206</sup>. Павлус талқинининг хато эканини Библиянинг ўзи ҳам очиқ-ойдин кўрсатган. Гарчи, тўрттала Инжилда ҳам Исо алайҳиссаломнинг чормихга тортилиши ҳақида ҳикоя қилинса-да, барча ҳикоялар гумон ва миш-мишларга асосланган, чунки Исонинг ҳеч қайси шогирди мазкур воқеалар устида бўлмаган<sup>207</sup>.

Тавротда: Худо дарахтга осилган ҳар бир кишини лаънатлаган, дейилади<sup>208</sup>. Павлус бу жойда ҳам уddaбуронлик қилиб, Масиҳ биз учун лаънатланиб, бизни қонундан халос қилди, дейди.<sup>209</sup> Павлус шу билан Худонинг қонунини тўлиқ инкор қилади. Исо алайҳиссаломнинг қайта тирилиши - ўлим ва гуноҳ устидан ғалабанинг тантанаси<sup>210</sup> ҳақидаги эътиқод насронийликда муҳим аҳамиятга эга, бунга ишонмаган яхши насроний бўла олмайди<sup>211</sup>. Бу

205 Матто, 10:5-6

206 Римликларга, 5:8-11; 6:8-9

207 Марк, 14:50

208 Қонунлар, 21:23

209 Галатияликларга, 3:13

210 Римликлар, 6:9-10

211 Биринчи Коринфликларга, 15:14

ерда ҳам Библия Павлуснинг ҳаракатларини тасдиқламайди.

Биринчидан, Исо алайҳиссаломнинг чормихга тортилишини ҳеч ким кўрмаган ҳамда қайта тирилиши ҳақида айтилган воқеалар турли ихтилофларга тўла. Исо алайҳиссалом дафн қилинган жойга ким биринчи бўлиб келди, у қайта тирилгач, ким уни илк бор кўрди, қаерда уни кўришди, деган саволларга ҳеч ким аниқ жавоб бера олмаган.<sup>212</sup>

Иккинчидан, насронийларнинг даъвосига кўра, қайта тирилиш моддий бадансиз бўлиши керак эди<sup>213</sup>, аммо Исо алайҳиссалом аввалгидек ҳолатида бўлган: у ўз шогирдлари билан таомланди<sup>214</sup> ва уларга жароҳатларни ушлаб кўришларига ҳам рухсат беради. Худонинг ўғли сифатида (насронийликда) Исо ҳам шундай сифатларга эга бўлиши керак эди. Аммо бу ерда ҳақли савол туғилади: Худо ўлиши мумкинми?

Павлус мажусийларга ёқиш учун уларнинг эътиқодларини озгина ўзгартириб, мослади, насронийликнинг нажот ҳақидаги таълимотини уларга тақдим қилди. Илгари бундай кутқариш ғояси ҳеч бир пайғамбарда ҳам, Исо алайҳиссалом таълимотида ҳам учрамайди. Бу ғоя ва таълимотлар мажусийлардан таъсирланган Павлус тарафидан ўйлаб топилгандир.

## БУЮК ҚУРБОНЛИК

Исо алайҳиссалом инсонларнинг гуноҳларни ювиш учун ўзини Худога “қурбон” қилгани ҳақидаги Павлус таълимотини қадимдан ўз “худо”ларига қурбонлик қилишга одатланган мажусийлар осонликча қабул қилишди. Бу ўринда яна бир ҳақли савол пайдо бўлади: насронийлар айтишича, Исо алайҳиссалом Худо ва бир вақтнинг ўзида Худонинг ўғли эмиш. Унда қани айтинглари-чи, Худо ўзига ўзини қурбон қиладими?

Яҳудийлар милоддан олдинги 590 йиллар атрофида қурбонликни бекор қилганини алоҳида таъкидлаш керак. Павлуснинг ҳаракатлари Эски аҳдга ҳам қарши эди<sup>215</sup> ва Исо алайҳиссаломнинг Худо қурбонлик

212 Матто, 28; Лука, 24; Марк, 16; Юханно, 20

213 Биринчи Коринфликларга, 15:44

214 Лука, 24:30, 41,43

215 Осия, 6:6

эмас, раҳм-шафқат (солиҳ амал) истайди, деган таълимотига ҳам тўғри келмайди. Павлуснинг айтишича, Исо алайҳиссаломни қурбон қилиш билан Худо ўз муҳаббатини кўрсатмоқда эмиш<sup>216</sup>. Гуноҳни ювиш таълимотида бегуноҳ ўғлининг қатл қилинишига рози бўладиган шафқатсиз Худо ҳақида айтилганми!? Бу ерда Павлус ҳаддидан ошиб кетган, чунки Эски Аҳдда Худонинг раҳмли экани айтилган<sup>217</sup>, бу Унинг мағфират қилишида ўз ифодасини топган<sup>218</sup>, Исо алайҳиссалом ҳам бу ҳақда айтиб ўтган<sup>219</sup>.

Шундай қилиб, Павлус “шарофати” билан хоч насронийликда муқаддас рамзга айланди. Павлус Исо алайҳиссалом хочини “Худонинг қудрати” деб атаган бўлса-да<sup>220</sup>, “Британия қомуси”, “Рамзлар луғати” китобида, “Маросимлар, меъморчилик ва санъатдаги хоч” каби бошқа манбаларда хочдан Исо алайҳиссалом таваллуд топганидан бир неча аср олдин ҳам мажусийларда диний рамз сифатида фойдаланилгани айтилган. Юнонларнинг Вакхи, финикийларнинг Таммузи, норвегларнинг Одини каби санамлари мажусийликнинг баъзи бир “маъбуда”лари бўлиб, уларнинг тимсоли ҳам хоч эди.

## ДАСТЛАБКИ ГУНОҲ

Павлуснинг гуноҳ ювилиши ҳақидаги таълимотида: Одам ота ман қилинган мева туфайли гуноҳкор бўлди ва бу гуноҳ мерос ўлароқ бутун инсониятига ўтди. Бу гуноҳдан инсон ҳеч қачон қутула олмайди ва инсоннинг ўзи бу гуноҳни кетказишга қодир эмас, дейилади. Павлуснинг айтишича, фақат солиҳ амалларнинг ўзи етарли эмас<sup>221</sup>. Одам отанинг гуноҳи туфайли инсоният ҳалок бўлишга маҳкум этилгани боис, хочга парчинланиб ўлган Исо алайҳиссалом инсонлар учун тайёрлаб қўйилган жазони зиммасига олди. У қайта тирилиб, ўлим устидан ғалаба қозонди ва тақводорлик қайта тикланди. Насроний учун “Исо алайҳиссаломнинг ўлиши ва қайта тирилишига ишониш гўё унинг нажот топишига кифоя”

216 Римликлар, 5:8

217 Забур, 36:5-10; 103:8-17

218 Чиқиш, 34:6-7; Забур, 86:5-7

219 Матто, 6:12

220 Биринчи Коринфликларга, 1:18

221 Галагиаликларга, 2:16

эмиш<sup>222</sup>. Яъни, бу қурбонлик эвазига Исо алайҳиссалом инсоният гуноҳини бўйнига олди ва инсонларни гуноҳдан халос қилганига иймон келтириши керак эмиш. Насронийликда дастлабки гуноҳ ақидаси қанчалик муҳим ўрин эгаллаган бўлмасин, бу ақида Исо алайҳиссалом ва бошқа барча пайғамбарлар олиб келган таълимотларда умуман учрамайди. Эски аҳдда Парвардигор айтади: “...ўғил ота гуноҳига жавоб бермайди ва ота ҳам ўғлининг гуноҳига жавоб бермайди...”<sup>223</sup> Қуръони каримда инсон ўз амали учун жавобгар дейилган: “Ҳеч бир гуноҳкор жон бошқанинг гуноҳини кўтармас. Ҳар бир инсонга ўз қилганидан бошқа нарса йўқ”.<sup>224</sup>

Дастлабки гуноҳ тушунчаси Павлуснинг нажот ҳақидаги таълимотида мажусийлик кўринишларини оқлаш имкониятини берди. Ва шунинг баробарида мажусийларнинг насронийлик динига киришини ҳам “осонлаштириб” берди. Насронийларнинг ўз амаллари учун қайғурмаслиги, барча гуноҳларини Исо алайҳиссалом зиммасига юклаш таълимоти асосида шаклланган масъулиятсизлиги уни бошқалардан ажратиб-фарқлаб турадиган хусусиятларига айланди.

## НАЖОТ – ИСЛОМДА

Еттинчи асрга келиб насронийликда Исо алайҳиссаломнинг соф таълимоти ундан асар ҳам қолмайдиган даражага келди. Павлус таълимоти насронийлик динида катта таъсирга эга бўлди. Ҳақ нима, ботил нима, англаб бўлмай қолди. Ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Ким уларга қарши чиқса муртад, бидъатчи деб эълон қилинар эди. Шундан сўнг, Аллоҳ таоло ҳақиқатни қиёматгача ўрнатиш учун Муҳаммад алайҳиссаломни Ўзининг сўнгги Пайғамбари қилиб юборди. Парвардигор барча нарсага Қодирдир. Унга насроний роҳиблари ўйлаб топган майнабозчиликларнинг мутлақо кераги йўқ. Қуръони каримда Аллоҳ таоло инсонни асл фитратда (табиатда) яратганини айтади<sup>225</sup>. Парвардигори олам инсонни дастлабки гуноҳ учун жавобгар қилмаган, Одам ота ва

222 Римликларга, 6:23

223 Иезекиил, 18:20

224 Нажм, 38-39

225 Рум, 30



Момо Ҳавони мағфират қилган<sup>226</sup> ҳамда бизлар учун ҳам мағфират эшиклари очикдир<sup>227</sup>.

Ҳар биримиз ўз амалимиз учун жавоб берамиз<sup>228</sup>. Ислом кимдир ўйлаб топган нажоткор-воситачига муҳтож эмас. Нажот фақат Аллоҳ таолодан бўлади<sup>229</sup>. Ислом одамларни шу тарзда асл тавҳидга чорлайди. “Яхшилик қилувчи бўлган ҳолида юзини Аллоҳга таслим қилган ва Иброҳимнинг тўғри динига эргашган кимсанинг динидан ҳам яхшироқ дин борми? Ва Аллоҳ Иброҳимни дўст тутган эди”<sup>230</sup>.

Шубҳасиз, насронийликдаги гуноҳни ювиш таълимоти Худодан эмас, балки мажусийлар эътиқодидан олинган. Бошқача айтадиган бўлсак, бу ақида инсон тарафидан ўйлаб топилган. Павлус ўзига эргашувчиларни Худонинг ибодатидан (қонунидан) жуда моҳирона тарзда чалғитади, Исо алайҳиссаломни нажот учун илоҳий воситачи дейди<sup>231</sup>. Шу билан у барча пайғамбарлар рисолатини ҳам рад қилади, насронийликда, Худо Исо алайҳиссалом воситасига муҳтож деб, тавҳиднинг аслини ҳам бузади. Яхшилаб эътибор қилинг, насронийларнинг нажот топишига ўзлари ўйлаб топган нарсалари хавф солмоқда. Нега улар ўзлари катта ихлос билан иймон келтирган нарсаларини қайта кўриб чиқишмайди, эътибор қилишмайди?

Аллоҳ таоло айтади: “Эй аҳли китоблар! Динингизда ҳаддан ошманг ва Аллоҳ ҳақида ҳақдан бошқани айтманг. Албатта, Масиҳ Исо ибн Марям Аллоҳнинг пайғамбари, Марямга илқо қилган калимаси ва Ундан бўлган руҳдир. Бас, Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига иймон келтиринг. Уни учта деманг. Тўхтанг, ўзингизга яхши бўлади. Албатта, Аллоҳ ягона илоҳдир, ўзгача эмас. У Ўзининг боласи бўлишидан пок бўлди. Осмонлардаги нарсалар Униқидир, Ердаги нарсалар Униқидир. Ҳомийликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур”<sup>232</sup>.

---

226 Бақара, 36-38; Аъроф, 23-24

227 Худ, 90; Зумар, 53-56

228 Бақара, 286; Анъом, 164

229 Қасас, 64

230 Нисо, 125

231 Галатияликларга, 2:20

232 Нисо, 171

## ИСО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ЭНГ БУЮК АМРИ

Исо унга жавоб бериб деди:

– Бутун амрларнинг энг муҳими шу: “Тингла, эй Исроил! Раббимиз бўлган Худованд – ягона Худованддир. Раббинг бўлган Худовандни бутун қалбинг билан, бутун жонинг билан, бутун онгинг билан ва бутун қувватинг билан севгин”. Мана бу энг муҳим амр.<sup>233</sup>

Бу одам Таврот тафсирчиси эди. Яҳудийларга Мусо қонунларини ўргатар эди. Бир куни у мунофиқ ва муртадларнинг саволларига Исо алайҳиссаломнинг ҳикмат билан жавоб бераётганининг гувоҳи бўлди:

“Таврот тафсирчиларидан бири уларнинг мунозара қилаётганини эшитиб, Исонинг уларга яхши жавоб бериб турганини кўрди. У Исонинг олдига келиб:

— Амрларнинг энг муҳими қайси бири? — деб сўради”.<sup>234</sup>

У ҳайратда эди; Исо алайҳиссаломдан нажот топиш, абадий ҳаётга етиш учун керак бўлган энг муҳим амр ҳақида сўраши кераклигини ҳис қилди. Бизлар одамлар томонидан ўйлаб топилган, сохта таълимотлар асосида шаклланган ҳар қандай нотўғри тушунчалардан озод бўлишимиз керак. Кимда ким Исо алайҳиссаломни чиндан ҳам яхши кўрса, унинг гапларига қулоқ тутсин:

“Исо унга жавоб бериб деди:

— Энг муҳим амр шудир: “Эй Исроил, қулоқ сол! Эгамиз Худойимиздир, Эгамиз танҳодир. Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан, кучингиз борича севинг.”<sup>235</sup>

Муҳим саволларнинг бирига ажойиб жавоб: Эгамиз Худойимиздир, Эгамиз танҳодир. Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан, кучингиз борича севинг.

Исо алайҳиссалом фақат бу билан чекланиб қолгани йўқ. У даъватини давом этди. Яъни, Исо алайҳиссалом инсонни жаннатга кириши учун керакли бўлган нарсаларни ўргатишни истади. Ва

<sup>233</sup> Марк, 12: 29-30

<sup>234</sup> Марк, 12:28

<sup>235</sup> Марка, 12:22-30

буюк пайғамбар давом этиб деди: “Энг муҳим амрлардан иккинчиси: “Ўзгани ўзингизни севгандай севинг”.<sup>236</sup> Сўнг Исо алайҳиссалом: “Булардан буюкроқ амр йўқ”, деди. Исо алайҳиссаломга савол берган одам жавобларни тўғри тушунгани ва унутиб қўймаслигига ишонч ҳосил қилиш учун уларни яна такрорлади: “Яхши гапирдингиз, Устоз, — деди тафсирчи Исога. — Худо танҳодир, Ундан бошқа Худо йўқ, деб тўғри айтдинг. Уни бутун қалбимиз, бутун идрокимиз, кучимиз борича севишимиз керак. Ўзгани ҳам ўзимизни севгандай севишимиз керак. Бу — куйдириладиган ва бошқа қурбонликлар келтиришдан аълороқдир”.<sup>237</sup>

Исо алайҳиссалом бу одамнинг амрларни тўғри тушунганини билиб, уни хуш хабар билан хурсанд қилди:

“Исо унинг оқилона жавоб берганини кўриб:

— Сен Худонинг Шоҳлигидан узоқда эмассан, — деди.”

Библиянинг бу ривоятида бир нечта муҳим сабоқлар бор:

**Биринчи:** Исо алайҳиссалом бу саволга жавоб бераётганида ўз таълимотининг бошқа қирраларини ҳам очган, аммо шунинг билан бирга, ўзининг Худонинг ўғли ёки инсониятнинг гуноҳларини бўйнига олувчи, каффорот бўлувчи – “қутқарувчи” эканлиги ҳақидаги таълимотлар ҳақида ҳеч нарса демади. Унинг сўзлари бугунги насронийлар Масийҳнинг илоҳий тажаллийси ҳақида жон-жаҳдлари билан такрорлаётган қуйидаги гапларнинг яқинига ҳам йўламайди: ﴿Хар бирингиз мени алоҳида ўзича қабул қилиши, менга худонинг ўғли сифатида, гуноҳларингизнинг каффороти учун хочда ҳалок бўладиган ва кейин қайта тириладиган шахсий Парвардигорингиз ва нажоткорингиз сифатида менга иймон келтириши керак. Муқаддас Рух сизларга ёр бўлсин...﴾

Исо алайҳиссалом айтган сўзларни қабул қилинг ва одамлар ўйлаб топган ботил нарсаларни эса рад қилинг.

**Иккинчи:** Нажот топиш биринчи амрда баён қилинган. Библиянинг бошқа жойида ҳам Исо алайҳиссалом буни аниқ таъкидлаб ўтган.

“Исо йўлга чиқаётганда, бир одам югуриб келиб, Унинг олдида тиз чўкди–да:

— Валинеъмат Устозим! Абадий ҳаётга эришиш учун нима

236 Марк, 12:22-31

237 Марк, 12:32-33

қилишим керак? — деб сўради. Исо унга деди:

— Нега Мени валинеъмат дейсиз? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким валинеъмат эмас”.<sup>238</sup>

**Учинчи:** Исо алайҳиссалом биринчи амрдан кўра бошқа муҳим амр йўқлигини тасдиқлади. Биринчи амр кейинчалик бошқа амрларга алмаштирилган дейдиганларга Исо алайҳиссаломнинг сўзи билан жавоб берамиз:

“Мени, Таврот ёки пайғамбарларнинг битикларини бекор қилгани келган, деб ўйламанлар. Мен бекор қилгани эмас, балки бажо келтиргани келдим. Сизга чинини айтайин: еру осмон йўқ бўлиб кетиши мумкин. Аммо Тавротдан на бир ҳарф, на бир нукта ўчади. Унда ёзилган ҳамма нарса амалга ошади”.<sup>239</sup>

**Тўртинчи:** Ким Исо алайҳиссаломни яхши кўриб, абадий ҳаётга киришни истаса биринчи амрга амал қилиши керак, чунки у айтган: “Агар Мени севсангизлар, амрларимга амал қиласизлар”.<sup>240</sup> “Абадий ҳаётга эга бўлишни истасангиз, Худонинг амрларига риоя қилин”.<sup>241</sup>

**Бешинчи:** Ўзини холис ҳисоблайдиган насроний Исо алайҳиссаломнинг сўзларидан яширин ёки қандайдир бошқа маъно кидирмасдан, уларни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиши шарт. Исо алайҳиссалом ҳам худди Ўзидан икки минг йил олдин тавҳидга даъват қилган Мусо алайҳиссалом каби тавҳидга даъват қилган. “Эй Исроил, кулоқ сол! Эгамиз Худо танҳо Эгадир. Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун вужудингиз билан севинглар”.<sup>242</sup> Исо алайҳиссалом бошқа пайғамбарлар даъват қилган - тавҳидга даъват қилган: Худо Аҳаддир, фақат Унгагина сиғининг. “Эгангиз Худодан кўркинглар. Фақат Унга хизмат қилинглар. Ёлғиз Унинг номи билан қасам ичинглар”.<sup>243</sup> “... Мендан бошқа худоларга сажда қилманг”.<sup>244</sup> “Мен Эгангизман! Ёлғиз Мен Эгангизман, Мендан бошқа кутқарувчи йўқ”.<sup>245</sup>

“Аммо Эгангиз Худо — Менман.

---

238 Марк, 10:17-18

239 Магто, 5:17-18

240 Юханно, 14:15

241 Магто, 19:17

242 Қонунлар, 6:4-5

243 Қонунлар, 6:13

244 Қонунлар, 5:7

245 Ишаё, 43:11

Эй Исроил, сени Мисрдан олиб чиққанман.

Мендан бошқа Худони сен билмайсан,  
Мендан бошқа йўқдир нажоткоринг”<sup>246</sup>

Келинлар, таъзим қилиб, сажда этайлик,  
Яратган Эгамиз олдида тиз чўкайлик.

У Худойимиздир, биз Унинг яйловидаги халқмиз,  
Биз Унинг қўл остидаги қўйлармиз.<sup>247</sup>

Исо алайҳиссалом ўз таълимотининг асосини ҳатто шайтонга ҳам таъкидлади:

“Шунда Исо деди:

— Йўқол кўзимдан, шайтон! Ахир: “Эганг Худога сажда қил, фақат Унга хизмат қил” деб ёзилган—ку!”<sup>248</sup>

**Олтинчи:** Муслмонларнинг Муқаддас китоби ҳам Исо алайҳиссалом амрининг моҳиятини тасдиқлайди. Қуръони карим бутун пайғамбарларни битта тавҳид дини билан юборган деб таълим беради: “Ва илоҳингиз бир илоҳдир. Роҳман ва Раҳийм бўлмиш Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқдир”.<sup>249</sup> “Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишнигни амр этди...”<sup>250</sup> “Сендан илгари юборган ҳар бир Пайғамбарга: «Албатта, Мендан ўзга ибодатга сазовор илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қилинг», деб ваҳий қилганмиз”.<sup>251</sup>

**Еттинчи:** Қиймат куни Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломдан сўрайди:

“Аллоҳ: «Эй Ийсо ибн Марям, сен одамларга, Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни илоҳ қилиб олинглар, дедингми?»<sup>252</sup>

Ийсо а.с жавоб қилиб:

«Эй пок Зот, ҳаққим йўқ нарсани мен айта олмайман-ку. Агар айтган бўлганимда, батаҳқиқ, Сен уни билар эдинг. Сен менинг дилимдагини биласан, мен Сендаги ҳеч нарсани билмайман. Албатта, Сен Ўзинг ғайбларни энг яхши билгувчи зотсан», дейди.<sup>253</sup>

---

246 Хўшея, 13:4

247 Забур, 94:6-7

248 Магто, 4:10

249 Қуръони карим, 2:163

250 Қуръони карим, 17:23

251 Қуръони карим, 21:25

252 Қуръони карим, 5:116

253 Қуръони карим, 5:116

## ИСОНИНГ МЎЪЖИЗАЛАРИ УНИНГ ИЛОҲ ЭКАНИГА ДАЛИЛ БЎЛАДИМИ?

Библияда Исо тарафидан содир этилган жуда кўп мўъжизалар баён қилинган. Насронийларнинг айтишига кўра, бу Исонинг илоҳ эканлигига кучли далил экан. Бу мўъжизаларга унинг отасиз дунёга келиши, ўликларни тирилтириши, касалларга шифо бериши, ғайбни билиши ва ҳоказолар киради. Ушбу мақоламизда уларнинг бу тушунчалари қанчалик нотўғри эканлигини ўзларининг муқаддас китоблари ила исботлаб беришга ҳаракат қиламиз.

### Мўъжиза Аллоҳдан

Қуръони каримда Исо алайҳиссалом тарафидан Аллоҳнинг изни билан содир бўлган мўъжизалар зикр қилинади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда айтади: “Бани Исроилга Пайғамбар қиладир. У: «Албатта, мен сизга Роббингиздан оят-мўъжиза келтирдим, мен сизларга лойдан қушга ўхшаш суврат ясайман, унга пуфласам, Аллоҳнинг изни билан қуш бўлади. Аллоҳ изни билан туғма кўр ва песларни тузатаман ва ўликни тирилтираман. Сизларга нимани емоқдасизу, нимани уйингизда сақлаяпсиз–хабарини бераман. Агар мўмин бўлсангиз, албатта, бунда сизга оят-белги бордир”.<sup>254</sup>

Исо Библияда ҳам мўъжизаларнинг Худодан эканлигини тасдиқлайди, уларнинг ҳеч қайсисини ўзидан демайди: “Агар Мен жинларни Худонинг Руҳи билан қуваётган бўлсам...”<sup>255</sup> Исо яна айтади: “Агар Мен жинларни Худонинг қудрати билан қуваётган бўлсам...”<sup>256</sup>

Энди Лазер билан бўлган воқеаларини эслайлик.

Исо уни тирилтириш учун келади: “Агар ишонсанг, Худонинг улуғворлигини кўрасан, деб сенга айтмаганмидим?! — деди Исо.

Тошни олиб ташладилар. Исо эса осмонга кўз тикиб, деди:

---

254 Оли Имрон сураси, 49

255 Матто, 12:28

256 Лука, 11:20

— Эй Ота! Мени эшитганинг учун Сенга шукрлар айтаман.<sup>257</sup> Исо Худога дуоларини мустажоб қилиб, Лазарни тирилтиргани учун ҳамдлар айтади.

Исо кўп одамни бешта нон билан таомлантириш учун Аллоҳга дуо қилди: “У: Ўша нарсаларни Менга олиб келинглар, — деди. У одамларга майсалар устига ўтиришни буюрди. Сўнг бешта нон билан иккита баликни олди—да, осмонга қараб шукрона дуосини ўқиди. У нонларни синдириб, шогирдларига берди, шогирдлар нонларни одамларга тарқатишди.”<sup>258</sup>

Кар одамнинг шифо топишини ҳам эсланг: “...Кейин осмонга қараб, чуқур хўрсинди—да, унга: — Эффатах! — деди. Бу сўзнинг таржимаси “Очил!” демакдир.

Шу онда у одамнинг қулоқлари очилиб, тилга кирди, равонгина гапира бошлади”.<sup>259</sup>

Исо ўзининг мўъжизалари ҳақида: “Исо келиб, уларга деди: “Еру осмондаги бутун ҳокимият Менга берилган”,<sup>260</sup> деган. У қандай мўъжиза кўрсатмасин – уларнинг ҳаммасини Аллоҳ берган. Агар у Худо бўлганида мўъжизаларни ўзидан эканини айтар эди, аммо Исонинг ўзи аниқ қилиб, Худо ўзи мадад бермаса, қўллаб-қувватламаса ўзидан ҳеч нарса қила олмаслигини ва на куч, на қудратга эга эмаслигини айтади: “Мен Ўз–ўзимдан ҳеч нарса қилолмайман.”<sup>261</sup> Исо яна айтади: “...Отам номидан қилаётган ишларим кимлигимни кўрсатиб турибди”.<sup>262</sup>

Исо мўъжизаларга гувоҳ бўлганлар, бу мўъжизалар Худо тарафидан ўз пайғамбарларига берган инъоми эканини яхши тушунишди ва уларнинг ҳеч бири бу мўъжизалари учун Исони ўзларига Худо қилиб олишмади. Шифо топган бола воқеасини эсланг: “...Лекин Исо ёвуз руҳга дўқ уриб, болага шифо берди. Сўнг уни отасига топширди. Ҳамма Худонинг қудратига ҳайрон қолди....”<sup>263</sup> Яъни, улар бу мўъжиза Исодан эмас, балки Худонинг қудрати туфайли бўлганини англаб етишди.

257 Юҳанно, 11:40-41

258 Матто, 14:19

259 Марк, 7:34-35

260 Матто, 28:18

261 Юҳанно, 5:30

262 Юҳанно, 10:25

263 Лука, 9: 43

Шифо топган аёлни ҳам эсланг: “Сўнг аёлга қўлларини қўйди, шу заҳоти аёлнинг қадди тикланди–қолди. Аёл Худога ҳамду санолар айтди”.<sup>264</sup> Гувоҳ бўлганимиздек, шифо топган аёл Исога эмас, балки Худога ҳамдлар айтди. Исо шолни даво қилганида, шол Исони эмас, балки Худони улуғлаган: “Исо шундай деди–ю, шолга: — Ўрнингдан тур! Тўшагингни олиб, уйингга бор! — деди. Шол ўрнидан туриб, уйига жўнади. Оломон бу воқеани кўриб, кўрқиб кетди. Улар инсон зотига бундай ҳокимият берган Худони улуғладилар”.<sup>265</sup>

Кўзи очилган кўр ҳам Исони худо деб билмаган: “Ундай бўлса, кўзларинг қандай очилди? — деб сўрадилар. — Исо деган Киши...”.<sup>266</sup> Шамол ва тўлқин тинчланганига гувоҳ бўлганлар, бу қанчалик улуғ мўъжиза бўлмасин, аммо барибир улар Исони Худо деган эмас: “Бу ким бўлди экан–а? Ҳатто шамол ва тўлқинлар Унга бўйсунди–я! — дейишди”.<sup>267</sup>

Лазар опаси Марта Исодан акасини тирилтиришини сўраганида, бу мўъжизалар Худодан эканлигига ва Унинг Ўзи Исога мўъжизалар бераётганига амин эди: “Аммо ҳозир ҳам биламан, Сиз Худодан нима сўрасангиз, Худо Сизга беради”.<sup>268</sup> Энг машҳур ҳаворий бўлмиш Бутрус халойиққа қараб: “Эй Исроил халқи, бу гапларимни эшитиб олинглар: Носиралик Исо орқали Худо сизларнинг орангизда мўъжизалар ва аломатлар кўрсатди...”.<sup>269</sup> Яхудий бошлиқларидан Никодим исмли одам ҳам Исо кўрсатган мўъжизаларнинг сирини билди. У буларнинг ҳаммаси Худо тамонидан Исони қўллаб-қувватлаши учун бўлаётганини яхши тушунди: “Бу одам бир куни кечаси Исонинг олдига келиб, Унга деди:

— Устоз! Сиз Худодан келган бир муаллим эканлигингизни биз биламиз. Агар Худо сиз билан бўлмаганда эди, Сиз бундай мўъжизали аломатларни қила олмас эдингиз”.<sup>270</sup>

Инжилда айтилишича, Исо кўрсатган мўъжизалар – Худонинг инъоми ва Исо навбатдаги мўъжизани кўрсатишга тайёрланар экан, у мўъжиза қила олмай қолишликдан ташвишларнар эди.

---

264 Лука, 13:13

265 Матто, 9:8

266 Юҳанно, 9:10-11

267 Матто, 8:27

268 Юҳанно, 11:22

269 Ҳаворийлар, 2:22

270 Юҳанно, 3:2



Масалан: Лазарни тирилтиришдан у бу ишни уддалай олмаслигини ўйлаб изтиробга тушган: “Баъзилари эса шундай дейишди:

— У кўрнинг кўзларини очган. Лазарни ҳам ўлимдан олиб қолса бўлмасмиди?! Исо тагин қаттиқ изтироб чекиб...”<sup>271</sup> Баъзи ҳолатларда фарзийлар<sup>272</sup> ундан мўъжиза кўрсатишини талаб қилар эди, аммо ўшанда Исо мўъжиза кўрсатмас ёки кўрсата олмас эди: “Фарзийлар Исонинг олдига бориб, У билан баҳслаша бошладилар. Уни синаб кўриш мақсадида шундай дедилар: “Бизга бир мўъжизали аломат кўрсатинг, шунда Сизни Худо юборганини биламиз.” Лекин Исо чуқур хўрсинди: — Нега бу авлод аломат талаб қияпти? Сизларга чинини айтайин, бу авлодга ҳеч қандай аломат берилмайди”.<sup>273</sup> Исо олдига жуда кўп яҳудийлар келиб мўъжиза кўрсатишини талаб қилишди, у эса уларнинг талабларини эътиборсиз қолдирди: “Шунда Таврот тафсирчилари ва фарзийлардан баъзилари Исога: “Устоз, бизга бир аломат кўрсатишингизни хоҳлар эдик”, — дедилар. Исо уларга жавобан деди: “Бу қабиҳ ва бевафо насл аломат сўраяпти, аммо уларга Юнус пайғамбарнинг аломатидан бошқа аломат берилмайди”.<sup>274</sup> Агар Исонинг мўъжизалари унинг илоҳ эканини исботи бўлса, унда нега у мўъжизаларни сир сақлашга буюради? Ахир мўъжизалар унинг асл моҳиятини кўрсатиши керак эмасми: “Бу тўғрида бировга оғиз оча кўрма”.<sup>275</sup> Кўрларнинг кўзини очаркан, Исо уларга: “Буни ҳеч ким билмасин! — деб қатъий огоҳлантирди”.<sup>276</sup> Бошқа бир кўз ожизнинг кўзини очганда, Исо унга: “Қишлоққа кирмай, тўғри уйингга кет, — деди”.<sup>277</sup> Бошқа сафар ҳам худди шундай бўлган эди: “Тумонат халойиқ Исонинг кетидан эргашди, У эса ҳамма касалларини соғайтирди. Ўзини ошкор этмоқни уларга қатъий ман қилди”.<sup>278</sup> Исо даъватдан одамлар чалғимаслик учун мўъжизаларини сир сақлашини истар эди. Агар одамлар унинг

271 Юханно, 11:37-38

272 ФАРЗИЙЛАР: яҳудийликнинг фарзу суннатларини ўта синчковлик билан адо этган қадимги мазҳабга мансуб кишилар; Исо Масихга кўп қаршилик қилганлар. Инжилда ўзига ишонганлик, мутаассиблик, кўр-кўрона диндорлик намунаси дир (қаранг: Матто 5:20, 15:1-20, Луко 11:37-44, 18:9-14, Юханно 3:1, Ҳаворийлар 15:5, 26:5, Филиппиликлар 3:5).

273 Марк, 8:11-13

274 Матто, 12:38-39

275 Марк, 1:44

276 Матто, 9:30

277 Марк, 8:26

278 Матто, 12:14-16

илоҳ эканига шоҳидликлар келтираётган бўлишганида эди, у мўъжизаларга кўпроқ эътибор қаратиши лозим эди.

Библиянинг таъкидлашича, мўъжизалар на фақат илоҳийлик балки пайғамбарликка ҳам хужжат бўла олмайди. Насронийлар мўъжизалари учун Исони илоҳ қилиб олишлари ажабланарли ҳол эмасми?

Библияга кўра, катта мўъжизаларни содир этиш на фақат пайғамбарга балки оддий одамга ҳам инъом этилиши мумкин экан. Инжилда айтилишича, ким Исога имон келтирса, у Худонинг изни билан Исо кўрсатган мўъжизаларни, ҳатто улардан ҳам буюқини қила олиши ҳақида айтади: “Сизларга чинини айтайин: Менга ишонган одам Мен қилган ишларни қилади. Булардан ҳам буюқроқ ишларни қилади...”<sup>279</sup> Яъни, имон келтирганлар касалларга шифо бериши, ўликларни тирилтириши ва ҳатто булардан ҳам буюқ ишларни қила олиши мумкин экан. Шундай экан, мўъжизалар кимнидир илоҳ деб айтишга, уни Худо қилиб, унга сиғинишга хужжат бўла олмайди.

Библияга кўра, инсон тарафидан содир бўлган мўъжизалар, имон даражасининг кўрсаткичи эмас: “Мени “Ё Раббий, ё Раббий” деб чақирган ҳар ким Осмон Шоҳлигига киравермайди. У ерга фақат осмондаги Отамнинг иродасини бажарган одамларгина киради. Қиёмат кунида кўплар Менга шундай дейдилар: “Ё Раббий, ё Раббий, биз Сенинг номинг билан башорат қилган эдик! Сенинг номинг билан жинларни қувиб чиқаргандик! Сенинг номинг билан кўп мўъжизалар қилган эдик—ку! Мен эса уларга айтаман: Мен сизларни асло танимайман! Йўқолинглар, эй бадкирдорлар!”<sup>280</sup> Яъни, мунофиқ ва ёлғончилардан ҳам мўъжизалар содир этилиши мумкин, шундай экан мўъжизалар на фақат илоҳийлик балки пайғамбарликка ҳам хужжат бўла олмайди, ҳатто бу одамнинг ҳақиқий мўмин эканлигини ҳам англамайди. Баъзи гуноҳкорлар ҳам мўъжиза кўрсатадилар, аммо бу уларнинг ҳақиқий мўминлик даражасини белгиламайди ёки кимнингдир илоҳ эканлигига далил ҳам бўла олмайди, чунки бу мўъжизаларни кўрсатишда унга шайтон ёрдам қилади. “Унгача дажжол шайтоннинг кучи билан ҳар турли қудратли ишлар, ажойиботлар, сохта мўъжизалар кўрсатади”<sup>281</sup>

279 Юханно, 14:12

280 Матто, 7:21-23

281 Иккинчи салониқлик, 2:9

## Исо алайҳиссаломнинг мўъжиза кўрсатган шериклари

Библия тадқиқотчиларининг айтишича, Исо алайҳиссалом кўрсатган мўъжизаларни ундан олдин ўтган бошқа пайғамбарлар ҳам кўрсатган экан, шундай бўлсада насронийлар уларни Худо қилиб олишмаган эди. Бу мўъжизалар фақат пайғамбарликдан дарак бериши мумкин, акс ҳолда барча пайғамбарларни ҳам илоҳ қилиб олишга тўғри келар эди.

### Отасиз таваллуд топиши

Исонинг отасиз дунёга келиши энг буюк мўъжизадир. Уни илоҳ қилиб олганлар айнан шу мўъжизага жуда қаттиқ ёпишиб олишган... Худо томонидан илк бор яратилган ҳайвонларнинг ҳам ота-оналари бўлмаган. Инсониятнинг отаси ҳисобланган Одам алайҳиссалом нафақат отасиз, балки онасиз яратилган. Агар Худо Исо алайҳиссаломни она раҳмида яратган бўлса ва у туғилгач бошқа болалар каби катта бўлган бўлса, Одам алайҳиссалом эса балоғатга етган одам шаклида яратилган. Отасиз туғилиши шубҳасиз энг буюк мўъжиза, аммо бу билан уни илоҳ дейиш мутлақо хато бўлади, акс ҳолда уларга кўра, илк яратилган ҳайвонлар ҳамда Одам ва унинг жуфтани ҳам илоҳ дейишга тўғри келар эди.

Қуръони каримда Аллоҳ таоло: “**Албатта, Аллоҳнинг ҳузурига Ийсонинг мисоли худди Одамнинг мисолига ўхшайди. Уни тупрокдан яратиб, сўнгра унга «Бўл!» деди, бас, бўлди**”, деган.<sup>282</sup>

Одам алайҳиссалом ва Исо алайҳиссаломнинг дунёга келиш ҳодисаси бир-бирига ўхшасада Одам алайҳиссаломни Исо алайҳиссаломдан фарқлайдиган жуда кўп жиҳатлари бор. У бошқаларга ўхшаб туғилмаган; Аллоҳ фаришталарга унга сажда қилишга буюрган; исмларни ўргатган... Одам алайҳиссаломнинг бошқа ҳеч кимда учрамайдиган фазилатлари ҳақида яна кўп гапирсак бўлади... Нега насронийлар уни ўзларига Худо қилиб олишмаган?

Библияга ишонадиган бўлсак, Малкисидқ Исо алайҳиссаломдан ўтиб кетган бўлиши керак эди. Павелнинг айтишича, унинг на отаси, на онаси, на аввали ва на охири бўлган, яъни у аввалдан бор эди  
282 Оли Имрон сураси, 59

ва абадий бор бўлади. Павел: “Малкисидк<sup>283</sup> Салим подшоҳи ҳамда Худойи Таолонинг руҳонийси эди. Иброҳим тўрт шоҳни тор-мор этиб қайтиб келаётганда, Малкисидк уни қаршилагани чиқиб, уни дуо қилди. Иброҳим эса унга ҳар бир нарсадан ушр берди. Малкисидк отининг биринчи маъноси “солиҳлик подшоҳи” демақдир. Бундан бошқа у “Салим подшоҳи”, яъни тинчлик подшоҳидир. У отасизу онасиздир, умуман насабномасиздир. Умрининг на бошланиши, на охири қайд этилган. У Худонинг Ўғлига ўхшаш абадий руҳоний бўлиб қолади”, дейди.<sup>284</sup> Нега насронийлар Малкисидкни ўзларига Худо қилиб олмаган? У ота-онасиз дунёга келган ахир...

Қайд этиш керакки, фаришталар ҳам ота-онасиз дунёга келган ва уларни яратиш учун ҳатто лой ҳам керак бўлмаган... Нега насронийлар уларни илоҳ қилиб олишмаган? Демак, отасиз дунёга келиш қанчалик нодир воқеа ва буюк мўъжиза бўлмасин бу кимнидир Худо қилиб олишга асло ҳужжат ва далил бўла олмайди.

### Ўликларни тирилтирмак

Исо алайҳиссаломнинг энг буюк мўъжизалари, бу шубҳасиз ўликларни тирилтиришдир. Қуръони каримда Исо алайҳиссаломнинг Аллоҳ изни билан ўликни тирилтириши зикр қилинган: “**...Аллоҳ изни билан туғма кўр ва пеларни тузатаман ва ўликни тирилтираман**”<sup>285</sup>. Худди шу нарса Инжилда ҳам айтилган: “Мен Ўз-Ўзимдан ҳеч нарса қилолмайман”<sup>286</sup>. Аммо насронийлар Исо алайҳиссаломнинг ўликларни тирилтириши унинг Худо эканига далилдир, дейишади ва шу билан бирга библияда бу мўъжизани бошқалар ҳам қилганлигини ўжарлик билан пайқамасликка ҳаракат қилишади. Нега насронийлар ҳаммасини Худо қилиб олишмаган? Балки, уларни Худо қилиб олмаганининг асл сабаби ўликларни тирилтириш Худо бўлишига ҳужжат эмаслигининг далилидир.

Юҳанно хушхабарига кўра, Исо Лазарни тирилтирган.<sup>287</sup>

---

283 МАЛКИСИДК: Наронийларга кўра, Ҳазрати Иброҳим замонида яшаган табаррук подшоҳ ва руҳоний; комил руҳоний Исо Масихнинг тимсолидир (қаранг: Ибтидо 14:17-24, Забур 109:4, Ибронийлар 5, 7-боблар).

284 Ибронийлар, 7:1-3

285 Оли Имрон сураси, 49

286 Юҳанно, 5:30

287 11:41-45

“Илѐс аёлга: “Менга беринг ўғлингизни!” — деб болани аёлнинг қучоғидан олди, уни ўзи истикомат қиладиган болохонага олиб чиқиб, тўшакка ётқизди. Сўнгра Эгамизга хитоб қилди:

— Эй, Эгам Худо! Мен шу бева аёлнинг меҳмониман. Наҳот, унинг ўғлини нобуд қилиб, бошига кулфат ёғдирсанг?! Илѐс боланинг устига уч марта чўзилиб, кейин Эгамизга яна хитоб қилди:

— Эй, Эгам Худо! Илтижо қиламан, бу болага қайтадан жон ато эт! Эгамиз Илѐснинг илтижосини эшитди. У болага қайтадан жон ато этиб, тирилтирди. Илѐс болани болохонадан уйга олиб тушди, уни онасига бериб: “Қаранг, ўғлингиз тирик!” — деди.

Аёл эса Илѐсга:

— Энди билдим: сиз Худонинг одами экансиз, — деди. — Эгамиз чиндан ҳам сиз орқали гапирар экан”<sup>288</sup>.

Элишай ҳам иккита ўликни тирилтирган – бири ҳаётлик чоғида, бошқасини эса ўлганидан кейин.

“Элишай ичкарига кирди. Қараса, ўлган бола Элишайнинг тўшагида ётган экан. Элишай хонага киргач, эшикни беркитди-да, Эгамизга ёлвориб ибодат қилди. Сўнг боланинг устига чўзилиб ётди. У оғзини боланинг оғзига, кўзларини кўзларига, кафтини кафтига кўйди, боланинг устида чўзилиб ётганда, боланинг танаси исиди. Сўнгра у ўрнидан туриб болохонанинг у ёғидан бу ёғига юрди. Кейин яна қайтиб келиб, боланинг устига чўзилди. Бола етти марта аксириб, кўзларини очди. Элишай Гахазига: “Аёлни чақир!” — деди. Гахази аёлни чақириб келди. Аёл Элишайнинг олдига яқинлашди. Элишай унга: “Ол ўғлингизни!” — деди. Аёл ичкари кириб, Элишайнинг оёқларига йиқилди, боши ерга теккудай бўлиб таъзим қилди. Ўғлини олиб, чиқиб кетди”<sup>289</sup>.

Иккинчи ўликни ҳам Элишей ўлганидан кейин Аллоҳ изни билан тирилтирган.

“Бир сафар Исроил одамлари бир марҳумни дафн қилаётган эдилар, Мўаблик босқинчиларни кўрдилар—у, жасадни Элишайнинг хилхонасига ташлаб қочдилар. Жасад Элишайнинг суякларига текканда тирилиб кетди ва оёққа турди”<sup>290</sup>.

288 3 Шохлар, 17:19-24

289 4 Шохлар, 4:32-37

290 4 Шохлар, 13:21

Ажабо, нега насронийлар Исо алайҳиссаломнинг ўликларни тирилтириши туфайли фақат унигина Худо деб билишига сабаб бўлди экан. Ўликларни тирилтириш имконияти унинг шогирдларида ҳам бўлган-ку, хусусан Бутрус мархумани тирилтирганини эсланг: “Яффада Исонинг шогирди бўлган Тавита исмли бир аёл бор эди. Бу отнинг таржимаси “оҳу” демакдир. Бу аёл ихлосмандлик билан хайрли ишларга берилиб, кўп садақа қилар эди. Худди ўша кунларда у касалланиб ўлди. Уни ювиб, болохонага қўйишди. Лўд шаҳри Яффага яқин бўлгани учун, Бутруснинг у ерда эканини эшитиб қолган шогирдлар унинг ҳузурига икки кишини юбориб: “Тезда бизнинг олдимизга келгин!” – деб илтимос қилишди. Бутрус ўрнидан кўзғалиб, улар билан бирга кетди. Уйга етиб келгач, уни болохонага олиб киришди. Бутун бевалар унинг ёнига тўпланиб, дод-фарёд қилар, Охунинг тириклигида тиккан қўйлак ва жомаларини кўрсатишарди. Бутрус эса ҳаммани ташқарига чиқазгандан кейин, тиз чўкиб ибодат қилди ва жасадга қараб:

– Тавита, ўрнингдан тур! – деди.

Шунда аёл кўзларини очди-да, Бутрусни кўриб, ростланиб ўтирди. Бутрус қўлини узатиб, уни турғизиб қўйди. Сўнг имонлилар билан бева аёлларни чақириб, тирик ҳолдаги аёлни уларга топширди”.<sup>291</sup>

Исо алайҳиссалом билан ҳаворий Бутрус амалида қандай фарқ бор? Уларнинг қилган ишларидан униси ҳам, буниси ҳам Аллоҳнинг изни билан бўлган-ку...

Библиянинг айтишича, Исонинг барча ҳаворийлари ўликларни тирилтира олишган: “Ўўлингиз қайга тушмасин, элга: “Осмон Шоҳлиги яқинлаб қолди”, – деб эълон қилинлар. Хасталарни соғайтиринлар, моховларни пок қилинлар, ўликларни тирилтиринлар, жинларни қувиб чиқаринлар”.<sup>292</sup> Наҳотки уларнинг барчасини Худо керак бўлса?

Ўликларни тирилтирадиган Исо алайҳиссаломни Худо дейдиган насронийлар Библияда ёзилганидек, Исо алайҳиссаломнинг ўлими ҳақида гапиришни унутиб қўйишади. Инжилга кўра, Исо алайҳиссалом ўлимдан қочиб қутила олмайди ва Худо уни тирилтирмагунича ўлимдан ҳаётга қайта олмайди. Бу ҳақида ўн бешга яқин Библия матнларида келган.

291 Ҳаворийлар, 9-36:41

292 Матто, 10:7-8

Мисоллар келтирамиз:

“Ана бу Исони Худо тирилтириб кўйди, биз ҳаммамиз эса бунинг гувоҳларимиз”<sup>293</sup>. “...Ҳа, Ҳаёт Соҳибини ўлдирдингизлар. Бироқ Худо Уни тирилтирди ва биз бунга гувоҳмиз”<sup>294</sup>. “...унда ҳаммангизга – бутун Исроил халқига маълум бўлсинки, сизлар хочга миҳлаб кўйган ва Худо эса тирилтирган носиралик Исо Масиҳ исми ҳақи бу одам қаршингизда соппа-соғ турибди”<sup>295</sup>.

Демак, кўриб турганимиздек, ўликларни тирилтириш буюк мўъжиза ҳисоблангани билан, аммо бу Исо алайҳиссаломни Худо дейишга ҳужжат-далил бўла олмайди.

---

293 Ҳаворийлар, 2:32

294 Ҳаворийлар, 3:15

295 Ҳаворийлар, 4:10

## ИСЛОМ ХРИСТИАН ДИНИНГ ДАВОМИ ЭМАСМИ?

Баъзилар «Ислом христиан дининг давоми эмасми?» деган саволни берадилар. Нима учун у христиан динининг асосий ақийдаларини рад қилади? Мисол учун, христианлар Исони Худо ва Худонинг ўғли деб иймон келтиришган, мусулмонлар эса Худо туғилмаган ва туғилиши мумкин ҳам эмас деб ишонишади.

Бу саволларга жавоб бераётиб, дарҳол айтиб ўтиш лозимки, Исломнинг насронийликдаги асл рисолатдан оғишни тўғрилаш учун келганлиги, ушбу рисолат асосан Исломда зоҳир бўлганлиги ҳақида бир қатор далил-ҳужжатлар бор.

Бу рисолат Одам алайҳиссаломдан хотимул анбиё Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаломгача бўлган барча пайғамбарларга нозил қилинган.

Буни Библияни холис ва синчиклаб ўқиш натижасида аниқлаш мумкин.

Библия – одамлар томонидан ёзилган китоблар тўплами бўлиб, уларда исроилликлар ва дастлабки насронийларнинг анъаналарини қайд этилган. Шунинг учун ҳам бу китоб Парвардигорнинг каломи эмас. Бунинг устига, ундаги Мусо ёки Ийсо алайҳиссалом ҳақида айтилган гаплар насроний черковлар томонидан тарғиб қилинадиган асосий ақийдаларни очиқдан-очиқ инкор қилади.

### Инжилда Худо – Ягонадир

“Тингла, Исроил: Худованд, Парвардигоримиз, Худованд ягонадир”.<sup>296</sup>

“Демак, энди билгин ва қалбингга жойлагинки, Худованд осмонда юқорида ерда пастда Худодир, (ва) яна (Ундан ўзга) йўқдир”.<sup>297</sup>

“Исо унга жавоб бериб деди: Бутун амрларнинг энг муҳими шу: “Тингла, эй Исроил! Раббимиз бўлган Худованд – ягона Худованддир”.<sup>298</sup>

296 Қонунлар, 6:4

297 Қонунлар, 4:39

298 Марк 12:29



“Шунда Исо: Йўқол кўзимдан, шайтон! Чунки Тавротда: “Эганг Худовандга сажда қил, биргина Унга итоатда бўл”, деб ёзилган, - деди”.<sup>299</sup>

Ийсо алайҳиссаломнинг гўёки «илохий ўғиллиги»га келадиган бўлсак, Ийсо алайҳиссаломнинг ўзлари Худога «Ота» деб, яъни барча инсонларнинг, шу жумладан Ийсонинг ҳам Шафоатчиси, Раззоқи, Ҳимоячиси ва ҳоказолар деб мурожаат қилган.

“Исо уларга деди: Ибодат қилаётганингизда шундай деб айтинглар: Эй, Отамиз! Сенинг муқаддас исминг улуғлансин. Сенинг Шоҳлигинг келсин”.<sup>300</sup>

“Тинчлик ўрнатувчилар бахтлидир, чунки улар Худо ўғиллари дейилур”.<sup>301</sup>

“Яъни сенинг мурувватинг яширин бўлсин. Шунда яширин бўлганларни кўрувчи Отанг сени аниқ тақдирлайди”.<sup>302</sup>

“Менга қўл тегизма! – деди Исо Марямга. – Мен ҳали Отамнинг ҳузурига чикқаним йўқ. Сен бориб биродарларимга шундай деб айтгин: Мен Ўз Отам ва сизларнинг Отангизнинг, Ўз Худойим ва сизларнинг Худойингизнинг ҳузурига чиқиб кетяпман”.<sup>303</sup>

Бунинг устига, Ийсо алайҳиссалом Инжилнинг бир неча жойида ўзини «Инсоннинг ўғли» деб атайди:

“Исо унга: Тулкиларнинг инлари бор, осмон қушларининг уялари бор. Лекин Инсон Ўғлининг бош суқадиган жойи йўқ, - деди”.<sup>304</sup>

“Мусо саҳрода илонни қандай юқорига кўтарган бўлса, Инсон Ўғли ҳам худди шундай юқорига кўтарилиши керак”.<sup>305</sup>

Аслини олганда, насронийликдаги «дастлабки гуноҳ ва каффорот» тушунчаси Инжилга зиддир:

Оталар болалари учун ўлим билан жазоланмасликлари лозим, ва болалар оталари учун ўлим билан жазоланмасликлари лозим. Ҳар ким ўз жинояти учун ўлим билан жазоланиши лозим.<sup>306</sup>

Бироқ ҳар ким ўзининг зулми учун ўлажак. Ким нордон узум еса,

---

299 Матто 4:10

300 Лука 11:2

301 Матто 5:9

302 Матто 6:4

303 Юҳанно 20:17

304 Матто 8:20

305 Юҳанно 3:14

306 Қонунлар, 24:16

ўшанинг тиши қамашади.<sup>307</sup>

Гуноҳкор қалб, ўша ўлажак. Ўғил отанинг гуноҳини кўтармайди, ота боласининг гуноҳини кўтармайди, солиҳнинг ҳақиқати унинг ўзида қолади, золимнинг зулми ҳам унинг ўзида қолади.<sup>308</sup>

Чақалоклар маъсум, гуноҳсиз бўлиб туғиладилар, бинобарин, «дастлабки гуноҳ»га меросхўр бўлиш мумкин эмас:

“Исо деди: Болаларни қўйинглар, Менинг олдимга келишларига тўсқинлик қилманглар. Зеро Осмон Шохлиги шундайларникидир”.<sup>309</sup>

Нима учун Парвардигор хочда ўлиб, ўликлар ичидан бутун инсониятни халос қилиш учун тирилсин деб Ўз «ўғлини» – асоссиз равишда – қурбон қилди? Бу ҳам Ийсо алайҳиссаломнинг сўзларига зиддир:

“Бошқаларни ҳукм қилманглар, сиз ҳам маҳкум бўлмайсиз. Сизлар қандай ҳукм қилсангиз, сизга ҳам шундай ҳукм ўтказилади. Сизлар қандай ўлчов билан ўлчасангиз, сизга ҳам шундай ўлчов татбиқ этилади”.<sup>310</sup>

Ийсо алайҳиссаломнинг ҳақ таълимотига зид бўлган ушбу эътиқодларни Ийсо алайҳиссалом эмас, балки Павлус тарқатган: “Шоул бир неча кун Дамашқдаги Исо шогирдлари билан бирга бўлди. У дарҳол Исо Худонинг Ўғли экани ҳақида яҳудий ибодатхоналарида тарғибот қила бошлади”.<sup>311</sup>

“Айниқса, эпикурчи ва стоик файласуфлар у билан баҳслашардилар. Павлус Исо ва тирилиш тўғрисидаги Хушхабарни баён этди. Бири: “Бу маҳмадона нима демоқчи экан?” — деса, бошқалари: “У бегона тангриларнинг ваъзхони, шекилли”, — деб айтишарди”.<sup>312</sup>

“Мен тарғиб қилаётган Хушхабарнинг моҳиятини эсда тут: Довуд зоти номидан бўлган Исо Масих ўлиб тирилди!”<sup>313</sup>

Шундай қилиб, Ислом дастлаб Мусо ва Ийсо алайҳимассаломга, шунингдек, Иброҳим, Нух ва бошқа пайғамбар алайҳимуссаломларга

307 Иеремия 31:30

308 Иезекиил 18:20

309 Матто 19:14

310 Матто 7:1-2

311 Ҳаворийлар 9:19-20

312 Ҳаворийлар 17:18

313 Тимўтийга иккинчи мактуб 2:8

зоҳир қилинган аввалги рисолатларнинг яқуний шаклини қабул қилиб, уларни яқунига етказди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай дейди: “Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида дин – Исломдир. Китоб берилганлар фақат уларга илм келгандан сўнг, ўзаро зулму ҳасад қилишибгина ихтилоф қилдилар. Ким Аллоҳнинг оятларига куфр келтирса, бас, албатта, Аллоҳ ўта тез ҳисоб қилувчидир.”<sup>314</sup>

Шундай қилиб, Ислом то замонлар охир бўлгунча дахлсиз сақланувчи яқуний рисолатдир.

Аллоҳ таоло яна айтади: “Албатта, Зикрни Биз нозил қилдик ва албатта, Биз уни муҳофаза қилурмиз”.<sup>315</sup>

Набил Ҳорун (Nabil Haroun)

---

314 «Моид» сураси, 19-оят

315 «Ҳижр» сураси, 9-оят

## НЕГА ИСОНИНГ ДИНИНИ ИСЛОМ ДЕЙСИЗЛАР?

Бунинг камида учта исботи бор.

**Биринчидан**, Исо алайҳиссалом мусулмон бўлиб, Ягона Аллоҳга ўз иродасини таслим қилган. Библияда унинг мусулмон бўлганлиги ҳақида кўп мисоллар бор. Исо алайҳиссалом «Ягона Аллоҳгагина сиғиниш ва Унгагина ибодат қилишга» чақирган. Араб тилида буни бир сўз билан “Ислом” деб айтилади.

### **Инжилдан баъзи далиллар**

“Абадий ҳаёт эса Сени – танҳо Ҳақ Худони ҳамда Сен юборган Исо Масиҳни таниб-билишдан иборатдир”.<sup>316</sup>

“Мен Ўз-Ўзимдан ҳеч нарса қилолмайман. Қандай эшитсам, шундай ҳукм қиламан ва Менинг ҳукмим ҳаққонийдир. Чунки Мен Ўз иродамни эмас, балки Мени юборган Отамнинг иродасини бажо келтиришни истайман.”<sup>317</sup>

“Шу маҳал бир киши Исонинг ёнига келиб: Валинеъмат Устозим! Абадий ҳаёт насиб бўлиши учун қандай савобли иш қилмоғим лозим? - деб сўради.

Исо унга деди: Нега сен Мендан савобли иш ҳақида сўраяпсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким савоб эгаси эмас. Агар боқий ҳаётга эришмоқ истасанг, илоҳий амрларга риоя қил”.<sup>318</sup>

“Исо унга жавоб бериб деди: Бутун амрларнинг энг муҳими шу: “Тингла, эй Исроил! Раббимиз бўлган Худованд – ягона Худованддир. Раббинг бўлган Худовандни бутун қалбинг билан, бутун жонинг билан, бутун онгинг билан ва бутун қувватинг билан, севгин”. Мана бу энг муҳим амр”.<sup>319</sup>

“Сизларга айтиб қўяй: агар сизнинг солиҳлигингиз уламолар ва фарзийларнинг солиҳлигидан устун келмаса, Осмон Шоҳлигига қиролмайсизлар”.<sup>320</sup>

“Мени Таврот ёки пайғамбар оятларини бекор қилгани келди,

316 Юҳанно, 17:3

317 Юҳанно, 5:30

318 Матто, 19:16, 17

319 Марк, 12:29, 30

320 Матто, 5:20

деб ўйламанглар. Мен бекор қилгани эмас, балки бажо келтиргани келдим. Сизга чинини айтайин: еру осмон тугамагунча ва тақдир этилган ҳамма нарса амалга ошмагунча, Тавротдан на бир ҳарф, на бир нуқта ўчади”.<sup>321</sup>

**Иккинчидан,** Исо ҳеч қачон христиан динини барпо қилувчи ёки қандайдир янги динни олиб келганлиги ҳақида гапирмаган. Аслида эса “христианлар” сўзини биринчи бўлиб рақиблар салбий маънода қўллашган. Библиянинг айтишича, “...бир йил мобайнида улар имондилар жамоати билан тўпланиб, талай одамга таълим беришди. Биринчи марта Антиохия шаҳрида Исо шогирдлари Масихчи (христиан) деган номни олдилар.<sup>322</sup>

“Христос” сўзига Оврупа тилларига юнон тилидан ўтган бўлиб, маъноси - “Мессия” (“Қутқарувчи”). Аммо Исо на инглиз тилида на юнон тилида гапирган. Унинг она тили араб тилига яқин орамей тили бўлиб, унга “христос” сўзи маълум бўлмаган.

**Учинчидан,** биз библиядан Исонинг намоз, рўза, салом каби Ислома амалларини қилганликларини билиб оламиз. У мусулмонларга ўхшаб намозни барпо қилган.

“Бир оз нари кетиб, ерга юз тубан узалди ва ибодат қилиб: Эй Отам!”<sup>323</sup>

У мусулмонлар каби «сизларга тинчлик бўлсин», дер эди. (арабчаси - ассалому алайкум) «...шу пайт Исо келиб қолди. У ўртада туриб шогирдларига: Сизларга тинчлик бўлсин! – деди.<sup>324</sup>

## **Бу Аллоҳнинг барча пайғамбарларининг дини Ислом эканлигининг далилми?**

Ҳа. Парвардигори оламнинг ҳамма пайғамбарлари ҳамда уларга эргашган яқинларининг ҳаммаси мусулмон эди, чунки улар ягона худога сиғинганлар. Қуръони каримда: “Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаган эди. Лекин у ҳақ йўлдан тоймаган мусулмон эди. Ва мушриклардан ҳам бўлмаган”, дейилган.<sup>325</sup>

— Нух алайҳиссалом эса: “Ва мен мусулмонлардан бўлишга амр

321 Матто, 5:17,18

322 Ҳаворийлар фаолияти, 11: 26

323 Матто, 26:39

324 Юҳанно, 20:19

325 Қуръони карим 3:67

қилинганман», деди” дейилади.<sup>326</sup>

“Ёки Яъқубга ўлим ҳозир бўлиб, у ўз болаларига: «Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?» деганида, улар: «Сенинг илоҳингга ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг илоҳига, ёлғиз илоҳга ибодат қиламиз ҳамда биз Унга мусулмон бўлувчимиз», деганларида гувоҳ бўлганмисиз?!<sup>327</sup>

---

326 Қуръони карим 10:72

327 Қуръони карим 2:133

## ИСОНИНГ ОТАСИ БЎЛГАНМИ?

### **Матта баён этган муқаддас хушхабар, 1-боб, 1-16.**

(1) Иброҳим ўғли, Довуд ўғли Исо Масихнинг насабномаси. (2) Иброҳимдан Исҳоқ туғилди. Исҳоқдан Ёқуб туғилди. Ёқубдан Яҳудо ва унинг ака-укалари туғилдилар. (3) Яҳудо ва Тамарадан Парас ҳамда Зараҳ туғилдилар. Парасдан Хасрўн туғилди. Хасрўндан Арам туғилди. (4) Арамдан Амминадаб туғилди. Амминадабдан Нахшўн туғилди. Нахшўндан Салмўн туғилди. (5) Салмўн ва Раҳобадан Бўаз туғилди. Бўаз ва Руфдан Обид туғилди. Обиддан Ишай туғилди. (6) Ишайдан подшоҳ Довуд туғилди. Подшоҳ Довуд ва Уриёнинг собиқ хотинидан Сулаймон туғилди. (7) Сулаймондан Раҳабаъм туғилди. Раҳабаъмдан Абиё туғилди. Абиёдан Осо туғилди. (8) Осодан Йўшафат туғилди. Йўшафатдан Йўрам туғилди. Йўрамдан Уззиё туғилди. (9) Уззиёдан Йўтам туғилди. Йўтамдан Аҳаз туғилди. Аҳаздан Ҳизкиё туғилди. (10) Ҳизкиёдан Манаше туғилди. Манашедан Амўн туғилди. Амўндан Йўшиё туғилди. (11) Йўшиёдан Йўаким туғилди. Йўакимдан Бобилга сургун бўлиш даврида Якўниё билан ака-укалари туғилдилар. (12) Бобилдаги сургунлик давридан кейин Якўниёдан Шаалтиел туғилди. Шаалтиелдан Зарубобил туғилди. (13) Зарубобилдан Абиҳуд туғилди. Абиҳуддан Елёқим туғилди. Елёқимдан Азўр туғилди. (14) Азўрдан Садўқ туғилди. Садўқдан Ахим туғилди. Ахимдан Елиҳуд туғилди. (15) Елиҳуддан Илъазар туғилди. Илъазардан Маттан туғилди. Маттандан Ёқуб туғилди. (16) Ёқубдан Марямнинг эри Юсуф туғилди. Марямдан эса Масих деб аталган Исо туғилди.

### **Лука баён этган муқаддас хушхабар, 3-боб, 23-38.**

(23) Исо Ўз хизматини бошлаган вақтда ўттиз ёшлар чамасида эди. У Юсуфнинг ўғли ҳисобланар эди. Юсуф эса – Эли ўғли, (24) Маттот ўғли, Левий ўғли, Малкий ўғли, Янай ўғли, Юсуф ўғли, (25) Маттатиё ўғли, Омўс ўғли, Наҳум ўғли, Ҳесли ўғли, Нагай ўғли, (26) Маҳат ўғли, Маттатиё ўғли, Шимбий ўғли, Йўсех ўғли, Йўдо ўғли, (27) Юҳанно ўғли, Резо ўғли, Зарубобил ўғли, Шаълтиэл ўғли, Нерий ўғли, (28) Малкий ўғли, Аддий ўғли, Қосам ўғли, Элмодам

Ўғли, Фер ўғли, (29)Йўшуа ўғли, Илъазар ўғли, Ёрим ўғли, Маттот ўғли, Левий ўғли, (30)Шимъўн ўғли, Яхудо ўғли, Юсуф ўғли, Юнус ўғли, Элёким ўғли, (31)Малиё ўғли, Манно ўғли, Маттато ўғли, Натан ўғли, Довуд ўғли, (32)Ишай ўғли, Обид ўғли, Бўаз ўғли, Салмўн ўғли, Нахшўн ўғли, (33)Амминадоб ўғли, Ром ўғли, Хасрўн ўғли, Парас ўғли, Яхудо ўғли, (34)Ёқуб ўғли, Исҳоқ ўғли, Иброғим ўғли, Терах ўғли, Нахўр ўғли, (35)Саруғ ўғли, Рағу ўғли, Фалаж ўғли, Хавер ўғли, Шалах ўғли, (36)Кенан ўғли, Арпахшод ўғли, Сом ўғли, Нух ўғли, Ламак ўғли, (37)Матушалох ўғли, Ханўх ўғли, Ёред ўғли, Махолалил ўғли, Кенан ўғли, (38)Енўш ўғли, Шит ўғли, Одам ўғли, Худо ўғли эди.

### **Бизнинг шарҳлар**

Тўртта инжилнинг иккитасида Исо а.с нинг шажараси келтирилган. Лука ўзининг шажара рўйхатини тескари изчиликда баён қилган. Аммо, истаган одам унинг рўйхати Матто келтирган рўйхатдан исмлар сони бўйича ҳам, ҳамда ўқилишида ҳам бир мунча фарқ борлигини сезади. Бу ҳолатга миссионерларнинг одатда айтадиган гапи шуки, бу фарқлиликда ҳеч қандай зиддиятлар йўқ. Инжилчилар турли-хил одамлар бўлишган ва баъзи нарсаларда зиддиятлар кўзга ташланса-да улар асосий нарсаларда яқдил бўлишган.

Аммо, насронийлар худо деб биладиган ва уларнинг билиб билмай қилган гуноҳларини кечирадиган “халоскор” ҳақидаги аниқ маълумотлар кўпчилик учун муҳим бўлса керак?

Генеалогия - шажара, туғишган оталарнинг исмлари ёзиладиган рўйхат. Матто тўғридан-тўғри, ҳеч қандай изоҳсиз: “Исонинг шажараси” – деб ёзади.

Қуръони карим ва инжилга кўра биз биламизки, Исо алайҳиссалом отасиз дунёга келган бўлиб, Аллоҳнинг: “Бўл!” деган сўзи билан бўлган.

Энди, Исо алайҳиссаломнинг ота аждодлари йўқлигини ҳисобга олиб, унинг аждодларини она шажарасидан аниқлаб олишимиз мумкин бўлади. Аммо, Матто шажарасини қандай тугатяпти?

Матто баён этган хушxabарнинг 1: 16 қисмида: “Ёқубдан Мариямнинг эри Юсуф туғилди. Мариямдан эса Масих деб аталган



Исо туғилди”. Шажарадаги рўйхатга кўра – Исо алайҳиссаломнинг Юсуф исмлик отаси бўлган экан-да.

Лука эса аниқ қилиб, Исони “Юсуфнинг ўғли” деб атаган.

Бу эса матнлардаги оддий ноаниқликлар бўлмай, балки ўта жиддий хатодир.

Яна диққатга эътиборлиси шуки, Матто Мариям эри Юсуфнинг отасини Яқуб дейди, Лука эса Илий, деб атаган. Бундан хулоса шуки, на Матто на Лука бир-бирларининг инжилларини ўқишган. Акс ҳолда улар бир-бирларига бунчалик зид боришмас эди.

Аҳмад Дийдот протестант миссионер билан бўлган мунозарасида: “Лука сўзидаги: “Исо ўз хизматини бошлаган вақтда ўттиз ёшлар чамасида эди. У Юсуфнинг ўғли ҳисобланар эди.” деган сўзидаги “ҳисобланар эди” сўзини кўштирноққа олган... Мен айтмоқчиманки, Британия, Синай, Ватикан ва Искандария музейларидаги сақланаётган инжилнинг энг қадимий нусхаларида “ҳисобланар эди” деган сўз йўқ. Кейинги нашрларга шу сўзни қўшиб қўйишган бўлса-да, эҳтимол уялганликларидан бу сўзни кўштирноқ ичига олиб қўйишган эди. Буни ўқувчиларга ёрдам бериш мақсадида изоҳ қилишган деб тушинтиришади, яъни Исо Юсуфнинг ўғли бўлмаган, фақат шундай ҳисобланар эди деган маънода.

Энди эса икки мингга яқин халқларнинг тилларидаги инжил таржималарида “ҳисобланар эди” сўзи кўштирноқсиз турибди.

Кўряпсизми, Аллоҳнинг сўзини тайёрлаш шунчалик “осон”. Аввалига “Аллоҳнинг каломига” инсонларнинг сўзлари кўштирноққа олиниб ёзилади. Кейин эса Библиянинг бошқа тилларга нашр қилинган нусхаларида инсон сўзлари қолади, кўштирноқлар ҳам олиб ташланади.

Яна сизга айтишадикки, бу сўзлар гўёки Луканинг сўзлари, Лука эса ваҳий орқали бу сўзларни Аллоҳдан қабул қилган, демак бу сўзлар Аллоҳнинг каломидир дейдилар. Аммо улар на Аллоҳнинг на Луканинг сўзларидир”.

### Хулоса

Матто ва Лука инжилларидаги “Шажара” бир—бирига мувофиқ эмас. Исо алайҳиссаломнинг отаси Юсуф деб унинг устига унга ҳам турли бошқа-бошқа оталарнинг исмларини ёзиб қўйиб, тўртта Инжилдаги асосий нарсага қарши чиқдилар, яъни Аллоҳ таоло

Исони отасиз дунёга келтирганлигига...

Матнларда кузатилган бундай очикча зиддиятларга сабаб, инжилчиларнинг бир-бирига мувофиқ бўлмаган ва турли хил манбалардан фойдаланганлиги бўлса керак.

Биз айтамызки, инжилдаги шажара Қуръони каримга ҳам мувофиқ эмас.

(«Евангелие глазами мусульманина». Али Вячеслав Полосин)

## НАСРОНИЙЛИК АСОСЧИСИ КИМ?

Насронийлик йирик дини мусулмон тадқиқотчиларининг диққатини кўпдан буён ўзига тортиб келади. Бу дин биноси уч асосга барпо қилинган – Муқаддас учлик<sup>328</sup>, дастлабки гуноҳ<sup>329</sup> ва Худонинг Исо бўлиб зуҳур этиши. Ҳар бир пастулатани<sup>330</sup> алоҳида ўрганиб чиқиш учун тарихга назар ташлаш лозим.

Исо алайҳиссалом кейинчалик христиан динига катта таъсир қилган қадимги тўрт цивилизация: Миср, Эрон, Бобил ва қадимги Юнонистон кесишган жойнинг маркази Фаластинда таваллуд топган. Тахминларга кўра, Насроний дини Исо алайҳиссалом таълимотидан вужудга келган. Аммо Исо алайҳиссалом таълим берган нарса эски яҳудий динининг бир тури бўлиб, христианлик эса унинг бузилган шаклидир. Ҳаққа даъват қилган Исо алайҳиссалом шиддатли қаршиликларга дучор бўлиб, ўзига жуда кам сонли яҳудийларни эргаштира олди. Кўпчилиги унинг ўлимини истар

328 Насронийлар тасаввурларига кўра, худонинг уч қиёфаси — ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас руҳ-худо. Худонинг 3 қиёфа ёки ипостасда мавжудлигига эътиқод 381 йили Константинополда бўлиб ўтган черков соборида ақида тарзида расмийлаштирилган. Христиан черкови ўз қавмларини бу ақидага ишонтиришга уриниб, инсон ақли уни «англаш»га қодир эмас, бу эса ақиданинг ғайритабиийлигини тасдиқлайди, деб уқтиради. Ҳақиқатда эса троица ҳақидаги тасаввурлар жуда қадимги даврда шаклланган. Қад. Миср (Осирис, Исида, Гор), Қад. Ҳиндистон (Брахма, Вишну, Шива) Бобил (Ану, Эа, Бэл) динлари ва бошқа динларда ҳам троица мавжуд бўлган.

329 Павлуснинг гуноҳ ювилиши ҳақидаги таълимотида: Одам ота ман қилинган мева туфайли гуноҳкор бўлди ва бу гуноҳ мерос ўлароқ бутун инсониятига ўтди. Бу гуноҳдан инсон ҳеч қачон қутула олмайди ва инсоннинг ўзи бу гуноҳни кетказишга қодир эмас, дейилади. Павлуснинг айтишича, фақат солиҳ амалларнинг ўзи етарли эмас. (Галатиаликларга, 2:16). Одам отанинг гуноҳи туфайли инсоният ҳалок бўлишга маҳкум этилгани боис, хочга парчинланиб ўлган Исо алайҳиссалом инсонлар учун тайёрлаб қўйилган жазони зиммасига олди. У қайта тирилиб, ўлим устидан ғалаба қозонди ва тақводорлик қайта тикланди. Насроний учун “Исо алайҳиссаломнинг ўлиши ва қайта тирилишига ишониш гўё унинг нажот топишига кифоя” эмиш (Римликларга, 6:23). Яъни, бу қурбонлик эвазига Исо алайҳиссалом инсоният гуноҳини бўйнига олди ва инсонларни гуноҳдан халос қилганига иймон келтириши керак эмиш. Насронийликда дастлабки гуноҳ ақидаси қанчалик муҳим ўрин эгаллаган бўлмасин, бу ақида Исо алайҳиссалом ва бошқа барча пайғамбарлар олиб келган таълимотларда умуман учрамайди. Эски аҳдда Парвардигор айтади: “...ўғил ота гуноҳига жавоб бермайди ва ота ҳам ўғлининг гуноҳига жавоб бермайди...” (“Иезекиил”, 18:20). Қуръони каримда инсон ўз амали учун жавобгар дейилган: “Ҳеч бир гуноҳкор жон бошқанинг гуноҳини кўтармас. Ҳар бир инсонга ўз қилганидан бошқа нарса йўқ.” (Нажм, 38-39).

330 Исоботсиз қабул қилинадиган қоида

эди. Пайғамбарнинг рисолатларини бўғиб ташламоқчи бўлган яхудий ва мушрикларнинг қаршиликларига Исо алайҳиссалом шогирдлари қарши тура олмадилар ва тез орада тарқалиб кетишди. Дин тарихи билан шуғулланувчи мутахассисларнинг аксар қисми Исо алайҳиссалом эмас, балки Павлус бу дининг асосчиси деб ҳисоблайди. Бир вақтлар Цюрих университетининг профессори бўлган Доктор Арнольд Мейер таъкидлашчи: “Агар христианлик деганида биз инсон бўлмаган аммо инсон суратида бокира аёлдан туғилиб, хочдаги ўз қони билан дастлабки гуноҳдан бизларни халос этиш учун ўзини қурбон қилган Масихга Худонинг ўғли деб иймон келтириш... бундай христианлик Парвардигоримиз тарафидан эмас балки авлиё Павлус тарафидан ўйлаб топилган...”

Исо алайҳиссалом даъват қилган ҳақиқий Инжил, сохта шогирдлар тарафидан атайин йўқ қилинди ва уни ўзларининг инжиллари билан алмаштиришди. Барча тан олиши учун эса, бу китобларни Исо алайҳиссаломнинг ҳақиқий шогирдларига нисбат бера бошладилар. Аммо бунчалик кўп “муқаддас китоблар”<sup>331</sup> жамоатни фирқаларга бўлиб ташлади, уларнинг ҳар қайсиси ўзининг ақидавий таълимотларига эга эдилар. Насронийлик мажусийлик билан чатиша бошлади. IV асрда мажусий император насронийликка кириб, бу динни давлат дини деб эълон қилди. У ихтилофдаги барча фирқаларни бирлаштириш учун қўлидаги барча имкониятларни ишга солди. 325 йили Константин Никеяда руҳонийларнинг собор<sup>332</sup>ини ўтказди. Бу мажлисда Исо алайҳиссалом Худонинг Худоси, Нурнинг нури, Энг илоҳий деб эълон қилинди. Искандария архиепископи Арий деган кимса, Масихнинг илоҳийлигини рад қилгани учун Собор уни қоралади, ёзганларини эса йўқ қилишга қарор қилди. Ушбу Никея Соборида Янги аҳд канонлаштирилди ва насронийлар ўзларининг стандарт библиясига эга бўлишди. Аммо бу китобларни канонлаштириш осон бўлмаган, чунки муқаддас китоблар кўп бўлганидан ҳар қайси епископ ўзининг китобини ҳимоя қиларди.

Узоқ чўзилган баҳсларни тўхтатиш учун черковнинг оддий “мўъжиза” техникаси ишга солинди. Ушбу Собор иштирокчиси бўлган Папуснинг эслашича: “Соборга тақдим қилинган барча

331 Британия қомусига кўра, уларнинг сони 120 га етган

332 Католицизм ва православиеда — епископларнинг черков ва диний ҳаётга доир муҳим масалаларни муҳокама қиладиган йиғилиши.

китобларни черковдаги “причастие”<sup>333</sup> столига жамлаб, епископлар Худодан ваҳий қилинган китоблар стол устида қолишини, сохталари эса стол тагида бўлиб қолишини сўраб дуо қилдилар ва дуода сўралган нарса бўлди”. Шундай қилиб, “мўъжиза” туфайли канонлашган тўртта Инжил стол устида “қолдирилди”. “Аммо бизга собор йиғилган хона калити кимда бўлганлиги ҳақида хабар қилингани йўқ”, деб ёзади Блавацкая.

Константиннинг подшоҳлик даврида насронийлар орасида хочни ҳурматлаш ҳам пайдо бўлди. Константин хочнинг асл моҳияти унинг тушида аён бўлганини айтиб чикди ва шундан бери хоч гуноҳлар ювилишининг муқаддас тимсоли ва имон асоси бўлиб қолди.

381 йили эса бошқа император Феодосий Константинопол Соборини ўтказди, мазкур йиғилишда Исонинг илоҳ эканлиги масаласи батамом тасдиқланди.

VI асрнинг энг буюк ҳодисаси - Масих мавлуди байрамининг (Рождества Христова) таъсис қилиниши бўлди. Дионисий Заиф, скиф-роҳиб, фаразий таҳминларига асосланиб Исо а.с нинг туғилган кунини 25 декабр куни деб тайин қилди. Ушбу аср насроний динининг мажусийлашишининг чўққиси эди.

VII аср Исломнинг юксалишига гувоҳ бўлди ва ўша кезлари бузилиб кетган насронийлик мажбуран ортга чекди. Деярли бутун ўрта ер денгизи янги дин таъсирига тушиб қолди. Динлар черков назоратидан чиқиб кетди ва кўп насронийлар Исломни қабул қила бошладилар.

Ислом таълимоти таъсирида иконаларга сиғинишга барҳам берила бошланди.

XIX аср насроний динининг асосларини титратган рационализм даври бўлди. Муқаддас матнлар, Исо алайҳиссалом ва Инжилда номлари зикр қилинган бошқа шахсларнинг тарихийлигига танқидий баҳо берилди. Имоннинг барча бандлари синчиклаб текширилди ва улар хурофий ақл тўқимаси, деб инкор қилинди. “Ғайриоддий дин” китобининг аноним муаллифи эса, бутун Библиянинг ваҳий эканлиги ҳақидаги ақидани бутунлай рад этиб ташлаган.

XX асрда насронийлик бир нечта мағлубиятни бошидан кечирди. 1945 йили Кумрон водийсида авваллари маълум бўлмаган “Ўлик денгиз ёзувлар ўрами”, деб номланувчи жуда кўп хужжатлар 333 Диний Маросимида истеъмол қилинадиган бир турли вино ва нон.

топилди. Баъзи ўрамларда Библиянинг бутун боблари бор. Хуллас, насроний дини ўз эътиқодларининг аксар қисмини қайта кўриб чиқишлари керак бўлиб қолди. Янги аҳд матнлари илоҳий ваҳий эмаслиги, балки одамларнинг тўқималари экани яна бир бора исботланди. Шундай қилиб, биз ҳозирги кунимиздаги насроний дини бу Исо алайҳиссалом рисолати эмаслигини, балки бу турли хил черков йиғилишлари натижасида пайдо бўлган таълимот эканлигига гувоҳ бўлдик.

## ЯНГИ ЙИЛ: АФСОНА ВА ВОҶЕЪЛИК ЧОРРАҲАСИДА

Янги йил қадимдан Ер куррасидаги кўпчилик халқларнинг асосий байрами бўлиб келган. Ҳар бир халқ янги йил ҳисобини одатда қандайдир тарихий ёки афсонавий воқеага боғлаб ўзича белгилаган. Мисрликлар йил санасини ҳар бир сулола ҳукмронлиги бошланишидан ҳисоблашган бўлса, римликлар милоддан олдинги 753 йилдан, яъни Римга асос солинганидан бошлаб юритишган. Яҳудийлар буни гўё дунё яратилган милоддан олдинги 3761 йилдан ҳисоблашган бўлса, Искандария солномаси эса олам яралишини милоддан олдинги 5493 йилдан бошлайди. Янги йилни нишонлаш деярли ҳамма вақт афсунгарлик маросимлари ва урф-одатлари ёрдамида ўтганки, уларнинг таъсири ҳатто бугунги кунимизгача сақланиб қолган.

Тақвим ислоҳ қилингунга қадар Русияда янги йил византияликларнинг амалдаги йил ҳисоби бўйича 1 сентябрда нишонланган. Бу йил санаси “Оламнинг яратилиши”дан, яъни милоддан олдинги 5509 йил 1 сентябрдан юритилар эди. Жон-жаҳди билан Русияни оврупалаштиришга интилган подшоҳ Пётр Биринчи ўзининг 1699 йил 15 декабрдаги фармони билан Русда йил бошини 1 январдан деб белгилади ва “Исо Масиҳ таваллуди”дан (Рождество Христово) бошланган ғарбий Оврупа милодий санасини жорий этди. Подшоҳ фармонининг асли маъноси бундай эди:

“Буюк подшоҳ фармони олий арз эттиларким: Буюк шоҳга маълумким, нафақат кўпгина Оврупа насроний мамлакатлари, балки бизнинг Шарқий православ черковимиз билан тўлиқ ҳамфикр бўлган славян халқлари, инчунин: влоклар, молдаванлар, серблар, далматлар, болгарлар ва буюк шоҳнинг тобеълари Черкаслар ва бизнинг православ динимиз олинган юнонлар – бу халқларнинг барчаси ўз йилларини Масиҳнинг мавлидидан саккиз кун ўтгач, яъни дунёнинг яратилишидан эмас, балки 1 январдан бошлар эрди...”

Пётр Биринчининг ҳаракати билан Русияда “Олам яралиши”дан ҳисобланган 7208 йилнинг 31 декабридан “Исо Масиҳ таваллуди”дан ҳисобланган 1700 йилнинг 1 январига ўтиб қолинди, яъни йил санаси

Исо (алайҳиссалом) туғилган кундан ҳисобланадиган бўлди. Бироқ янги йилнинг бошланишини Исо алайҳиссалом туғилган кундан бошлаш, юмшоқ қилиб айтганда, одобдан ҳам, тўғри ҳам эмас эди. Чунки Исо алайҳиссалом ҳам, ҳаворийлари ҳам, шунингдек, олдинги икки асрда яшаган илк насронийлар ҳам янги йилни нишонлашмаган, ҳатто у билан боғлиқ маросимларни мажусийлик ва шайтоний амаллардан деб ҳисоблашган. Бундан ташқари, Исо алайҳиссаломнинг аниқ туғилган санасига ойдинлик киритувчи ишончли (саҳиҳ) манбалар ҳали фанга маълум эмас. Шундай экан, ҳақли савол туғилади: у ҳолда проваслав черкови юлиан тақвими бўйича йил боши сифатида нишонлаётган 7 январ, католик черкови григориан тақвими бўйича нишонлаётган 25 декабр саналари қаердан пайдо бўлиб қолди? Агар, юқорида айтилганидай, қадимги Христиан черкови бу санадан беҳабар экан, демак, янги йилни асло нишонламаган бўлиб чиқади. Бу саволга жавоб топиш учун тарихга бироз саёҳат қилишга тўғри келади.

### **Константин ва Қуёш “ҳудо”си**

313 йили Рим императорлари Буюк Константин ва Литсиний виждон эркинлиги ҳақида қўшма баёнот эълон қилишди. Шундан бошлаб бутун салтанатда насронийларни ҳар қандай таъқиб қилишга барҳам берилди. Насроний жамоалари бошида узоқ вақт осилиб турган ажал шамширининг батамом қириб ташлашдай даҳшатли хавфи ниҳоят йўқ бўлди. Аммо янги ва хавфли бир муаммо пайдо бўлди. Олдинлари, таъқиблар пайтида насронийлар сафида самимий, холис ва ўта художўй кишиларгина қолиб, уларда қатъият, холислик, биродарлик, жонбозлик каби хислатлар мужассам эди. Илгари насронийлик ва Римнинг мажусий маданияти ўртасида аниқ чегара бор эди. Эндиликда эса, динга эътиборсиз, бефарқ турли сиёсий манфаатпарастлар, риёкор ва мунофиқлар насроний жамоаларига ёпирилиб кира бошлади. Чунки Константин насроний руҳонийларини ҳадялар билан сийлаш, улкан имтиёзлар беришни авж олдириб юборган эди. Табиийки, у буларни насронийларнинг қора кўзлари учун ёки ўзининг диний қизиқишлари туфайли қилмаётган эди: у бутун умр бўйи мажусийлигича қолди. Шунчаки у насронийликка қарши курашиш ўрнига яхшиси ундан давлат



манфаатлари йўлида фойдаланиш керак, деган фикрга келган эди. Шу тариқа черков давлат хизматига кирди ҳамда насронийлик ва мажусийлик этикоди ўртасидаги чегаралар тобора йўқола бошлади. Константин энди черковнинг ички ишларига бемалол аралашар, насронийликни ўзига керакли ўзанга йўналтирар эди. Натижада насронийлар сони ортди, аммо мажусий бошқараётган дин тобора расволаша бошлади.

Диний ислохотларгаю юкоридан бўладиган босимларга қарамай, салтанат аҳолиси, айниқса, қишлоқ фуқаролари орасида қадимги мажусийлик ақидаси ва маросимлари ҳамон ўз кучида қолган эди. Айнан шунинг учун ҳам лотинчада “қишлоқ фуқароси” маъносини билдирувчи “*craganus*» сўзи “мажусий”, “насрониймас” маъносида қўллана бошлади. Руслардаги бошда барча насрониймасларга ишлатилган «поганые» сўзи ҳам шундан олинган.

Бир сўз билан айтганда, тезда нимадир қилиш керак эди. Афсуслар бўлсинки, дунёнинг лаззатлари ва Константиннинг сурбетларча ҳомийлиги қаршисида ўзини тутолмай қолган насроний руҳонийлари аввалда Исо алайҳиссалом ҳазар қилган мажусийлик ақидаси, сирлилиги ва маросимларини насронийларники, деб эълон қила бошлади. Черков осонгина мажусийларнинг “худо”лари номини насронийлар авлиёлари исми билан алмаштирди, мажусий саналарини черков таквимига мувофиқлаштирди. У шу тариқа мажусийликни одамлар онги ва ҳаётдан сиқиб чиқаришни, шу йўл билан салтанат аҳолисини Исонинг ердаги ягона халифаси бўлмиш императорга бўйсундириб беришни ўйлаган эди. Булар охири нимага олиб келди?

Рим салтанатида форсларнинг одам-“худо”си, куёш тимсолларидан бири Митранинг туғилган куни зўр дабдаба билан байрам қилинарди. Шунинг учун бу байрам қишки кун қайтиши, яъни айнан 25 декабрда нишонланар эди. Мажусийликнинг одам-“худо” Митрага сиғиниш этикодида кўра, нон ва шароб истеъмолли маросими мавжуд бўлиб, унда мажусийларнинг худолардан таомланиш қадимги аъъанасига кўра гўё “худо”нинг танини еган, қонини ичган бўларди. Руҳонийлар нима қилиб бўлса ҳам мажусийларнинг Митра умумхалқ байрамини қисиб чиқариш истагида ўзларининг 354 йилги фармони билан 25 декабрни Исо

(алайҳиссалом) туғилган кун деб расман белгилади. Ваҳоланки, юқорида айтилганидай, пайғамбарнинг (алайҳиссалом) ўзи ҳам, ҳаворийлари ҳам, қадимий насроний черкови ҳам бундай сана борлигини билишмаган ва уни нишонлашмаган. “Исонинг туғилиши” санаси шу тариқа пайдо бўлди ва бугунги кунда кўплаб диндорлар томонидан пайғамбар Исонинг (алайҳиссалом) туғилган кун дея чин дилдан қабул қилинмоқда.

Худо-одам Митра байрамидан ташқари Осирис (Миср), Орфей (Юнонистон), Агтис (Рим), Дусара (Арабистон), Таммуза (Бобил) эътиқод ва диний маросимлари ҳам бор эди. Юнон аҳолиси январ ойида инсонларга нажот берувчи, ҳалок бўлиб қайта тириладиган Дионис “худо”сининг байрамини нишонлар эди. Русларда эса диний-афсунгарлик маросимлари ва мажусийлик байрамлари ҳам мавжуд эди, мисол учун “святка”лар - рождество байрами кунлари билан яхшигина қоришиб кетган эди.

Демак, Исо (алайҳиссалом) таваллуд топган кунни кўпинча янги йил, дейишимиз тарихий асосларга эга эмас, бу куннинг Исо пайғамбарга (алайҳиссалом) ва унинг таваллуд кунига ҳеч қандай алоқаси ҳам йўқ. Биз хурсандчилик ила нишонлайдиган янги йил соф мажусийлик илдизларига эга. Янги йилни нишонлаш мазмуни барча халқларда деярли бир хил: сеҳр-жоду амаллар, инсон ва ҳайвонларни қурбон қилиш эвазига “худо”ларини рози қилиш ва шунинг билан бирга келаётган янги йилда оила учун бахт ва барака сўраш бўлган.

### **“Худо” Клаус ва Мокош**

Пётр Биринчи нафақат 1 январни янги йил боши деб жорий қилган, балки у Москва аҳолисига янги йил кечаси уйларни қарағай (сосна) дарахтлари ва шохлари билан безатилишини буюрган: “... Яхши ният билан бошланган ва янги юз йиллик асрини подшоҳлик пойтахти бўлмиш Москвада... баъзи дарахтлар ва қарағай... шохлари ила... безатилсин...”

Подшоҳ фармонига кўра, ҳамма бир-бирини табриклаши, янги йил кечаси эса гулханлар ёқиши (“гулхан эрмаги”) ва “отишма” уюштириши шарт эди. Агар подшоҳ қайта тирилса эди, унинг фармонига, айниқса, “отишма” уюштириш ва игнабаргли

дарахтларни йўқ қилиб ташлашга мана 300 йилдан бери қатъий амал қилиб келаётганини кўриб, ҳайратда қолар эди. Аммо, бари бир подшоҳ ўз фармонида ягона эмас ва велосипедни қайта ихтиро ҳам қилиб ўтирмаган эди. Гапнинг сийқаси қанчалик чиқмасин – аммо ҳамма янги нарса анча олдин унутилган эскиликдир.

Янги йил байрамлари, мўл-кўлчилик ва ҳосилдорлик олиҳаларига сиғиниш -мажусийлик “аграр” эътиқодларига бевосита боғлиқ бўлган. Масалан, Миср аҳолиси ҳар йили январ ойида ҳалок бўлиб қайта тириладиган ҳосилдорлик “худо”си Осирис байрамини нишонлар эди. Бу эса қадимги ҳосилдорлик эътиқодидаги ҳалок бўлувчи ва қайта тирилувчи ўсимлик руҳи ҳақидаги афсонанинг бир кўриниши эди. Мажусийлар янги йил киришини доим дабдабали зиёфатлар билан нишонлар эди, яъни маросим таомлари: ширинликлар, пиширилган тухумлар, тоза либослар тайёрланарди. Бу таомлардан “худо”ларга ёки ерга назр қилишар эди. Замонамизда кузатилаётган янги йил тайёргарчиликлари, яъни инсон сўнгги пулини сарф қилиб бўлса-да ва бир тийинсиз қолса-да, янги йилни кутсам бўлди, дейиши шулар билан боғлиқ. Асосий масала - “худо”ларнинг ғазабини келтириб қўймаслик (бугун эса – одамларнинг). Рақс ва ўйинга тушишлар деярли барча мажусий аграр эътиқодларининг сиғиниш маросимларида мавжуд эди, булар эса янги йилни тантана билан нишонлашнинг бир қисми эди. Кўпинча маросим рақсларида турли никоблардан фойдаланишар эди. Янги йил маскарадлари айнан Оврупада нишонланадиган дехқончилик (зироатчилик) мавсумларига аталган байрамлардаги ўйин-кулги, рақс ва кўча маскарадларидан келиб чиққан. Табиийки, славянларда ҳам дехқончилик “ҳомий”лари учрайди. Колядлар – янги йилда ижро қилинадиган кўшиқлар бўлиб, славянларнинг афсонавий қаҳрамони Спас Коляд номидан олинган. Ўз вақтида колядлар унинг шаънига ўқиладиган мадҳиялардан иборат эди. Мажусийлар хурофотига кўра, қарағай шохлари байрамни расво қиладиган, бузадиган ёвуз руҳ ва жинларга тикандек санчилиши ва кескир игналари билан уларни ҳайдаши керак эди. Мордвинлар эса байрамни нишонлаётганида таом солинган саватларни “худо”ларига атаб дарахтларга илиб қўйишар эди. Бу ҳозирги кундаги арчаларнинг янги йил арафасидаги безатиб қўйилишига ўхшаб кетади.

Санта-Клаус аслида Қорбободир ва яна у кароматгўй авлиё Николайнинг ўзгинасидир (у янги йил арафасида кутилмаган совғалар улашишни яхши кўрар эмиш). Эҳтимол, у ҳам ўтмишдаги деҳқончилик мавсумида ёки янги йил арафасида омад ва мўлчилик келтирадиган “худо”ларнинг бири бўлгандир. Масалан, қадимги Римдаги қабилалар “ҳомий”и - Клаус ҳам умумдавлат миқёсидаги эътиқодга айланган бўлиши мумкин, чунки Қадимги Римда шунга ўхшаш ҳодисалар жуда кўп учраб турар эди. Кейинчалик Авлиё Клаусга айланган, яна кейин эса силсила бўйча – Авлиё Николайга. Масалан, славянларнинг момақалдиروқ олиҳаси Перун Или пайғамбар исмини олди, чорва “худо”си Велес эса – авлиё Власийга айланди. Шундай қилиб, болалар учун совғалар (тўғриси улар текин эмас) улашадиган бугунги оқсоқол Клаус, қадимда мажусийлар сиғинадиган, омад сўраладиган ва унга қурбонликлар аталадиган “худо” бўлган бўлиши мумкин.

Қорқиз қаердан пайдо бўлди? Мажусийлик эътиқодида ҳосилдорлик “худо”лари билан бирга уларнинг афсонавий санамлари ёки ҳосилдорликнинг хотин “худо”лари бўлганини ҳам таъкидлаш керак (масалан, Бобил ва Мисрда). Қадимги хеттларда ҳосилдорлик “маъбуда”си Буюк она номи билан маълум, унинг шериги эса Аттис ҳисобланган. Қизиқ томони шуки, афсонага кўра, ёш ва ўктам Аттис буюк онанинг ишқий тазйиқларидан қочиш мақсадида, ўзини-ўзи бичган (ахта қилган) ва қарағай дарахти остида жон берган. Шунинг учун ҳам қарағай муқаддас ҳисобланар эди. “Қарағай дарахти ва шохларини безаш” ҳақидаги подшоҳ фармони сархуш калладан ёзилмаган ва у ҳаводан ҳам олинмаган, балки булар эски мажусийлик эътиқодларига асослангандир. Ҳа, айтмоқчи, кейинроқ барибир Аттисни севиб қолган “маъбуда” уни қайта тирилтирилган. Буларнинг ҳаммаси - Аттиснинг ҳалок бўлиши ва қайта тирилиши диний маросимга асос бўлди, маросим чоғида кўп сонли оломонга қарата коҳинлар: “Аттис тирилди!” деб нидо қилишарди. Бу олиҳаларга сиғинишнинг деярли барчаси ишрат базми каби бўлиб, улар ибодатхонада фоҳишалик ва бундан ҳам даҳшатлиси, коҳинларнинг ўзларини-ўзлари бичиши билан тугар эди. Қорқизга қайтамиз: славянларнинг жуда кўп олиҳалари орасида аёл “худо” Мокош ҳам борлигини ҳисобга олган ҳолда, Қорбобо

шериги Қорқиз - деҳқончилик ва ҳосилдорлик эътиқодининг кишда тириладиган ва баҳорда эса қуёш нурларига эриб ҳалок бўладиган собиқ бир “худо”си эканига ишонч ҳосил қилса бўлади.

Умуман олганда, янги йилни байрам қилиш, Арасту айтмоқчи, доим “ихтиёрий жиннилик”ка айланади, бошқача сўз билан айтганда, оммавий ичкиликбозлик ва айш-ишратга айланиши “вакханалия”ни эслатади - фракция-фригийларнинг ичкилик “худо”си Вакха шарафига қилинган байрам одатда исрофгарчилик, фоҳишабозлик ва турли бузукликларга айланиб кетар эди. Ҳатто, милоддан олдинги 186 йили Рим сенати ҳаддидан ошган айш-ишратлардан келиб чиқаётган бебошликларни ва фоҳишабозликларни ман қилишга мажбур бўлган. Сенат етти мингга яқин диний ишрат (оргия) базми иштирокчиларини маҳкамага тортган ва уларнинг деярли ярмини ўлим билан жазолаган.

### **Бугунги воқеълик**

Қанчалик ачинарли бўлмасин, биз хоҳлаймизми ёки йўқми, мана минг йиллар ўтдики, биз ҳалигача мажусийларнинг ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмаган одам-“худо” ҳисобланмиш Митранинг туғилган кунини нишонлаб юрибмиз. Фарзандларларимиз қалбига ярим афсонавий кароматгўй Николайга (Санта-Клаус) кераксиз муҳаббатни пайванд қилдирмоқдамиз. Улар эса, унга ўз орзулари, истаклари ва илтимослари билан мурожаат қилишмоқда. Оммавий ичкилик “худо”си Вакха шарафига айш-ишрат қиляпмиз. Арчалар атрофида эса диний-маросим мазмунидаги рақслар ва фусункор юришлар қилиш учун катта ўрмон майдонларини сахрога айлантирмоқдамиз, балки ҳали ҳам уч юз йил олдин ўтиб кетган подшоҳ фармонида кўр-кўрона амал қилаётгандирмиз, балки ҳистуйғуларимиз ёмонлик ва ёвузликлардан “арчалар” имконияти орқали паноҳ истаётгандир? Агар Исо пайғамбар (алайҳиссалом) унинг таваллуд кунини янги йил қилиб, айш-ишрат қилишларини кўрганида қаттиқ изтироб чеккан бўлар эди. “...Ва модомики ораларида эканман, уларга гувоҳ бўлдим. Мени Ўзингга олганингдан сўнг, Сенинг Ўзинг уларга кузатувчи бўлдинг. Зотан, Сен ҳар бир нарсага гувоҳсан” (Моида сураси, 117-оят).

Ҳар қандай байрам ўз моҳиятига кўра одамлар учун маънавий,

ижобий кўмак бериши, ҳеч бўлмаса жамиятнинг ночор катламига моддий фойда келтириши керак-ку. Янги йилни байрам қилиш, ёппасига ичкиликка берилиб кетиш эса одамларга кўпроқ руҳий жароҳат етказди ҳамда буларнинг табиий давоми эса кўплаб касалликларга мубтало бўлиш, бахтсиз ходисалар ва ўлим билан тугашдир. Сунъий (сохта) хурсандчилик нархи жуда баландлаб кетмаяптими? Ватандошларимиз байрам олдидан озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини илтифот ила осмонга кўтариб юборишлари эътиборга олинса, жуда катта моддий зарарлар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Бу руҳий жароҳатлар ва жуда катта исрофлар нимага керак? Бу қурбонлар кимга керак? Балки булар кимгадир аталган қурбонликдир? Нахотки, буларнинг бари шароб-ароқ ва доим яшнаб турган арча сотувчиларининг ҳақкалак отган иштаҳаларини қондириш учун бўлса?! Эҳтимол, Митра байрамини нишонлашдан ягона шуларгина сезиларли даражада фойда кўраётгандир?!

Кўпинча, биз “бу нарсалар бизга керакми?” деб ўйлаб ҳам ўтирмай бир ишга киришамиз. Биз БУНИ қиламиз, чунки БУНИ ҳамма қилади, чунки одамлар (ўтмишда “худо”лар) тушунмаслиги мумкин, чунки модомики... Ўз амалларимизни ақлтарозисига солмай, бошқалар учун умримизни хазон қиляпмиз, биз онгли равишда “ҳамма шундай қилмоқда” деган қолип асосида яшамоқдамиз.

Тез орада ҳаммамиз ўламиз, албатта бундай ҳолатда қилиниши керак бўлган барча маросимлар қилинади, уларнинг маънолари бизларга тушунарсиз бўлса ҳам. Аммо, буни ҳамма қилади-ку. Мен кимга керак эдим? Нега мен яшадим? Нега мен дунёга келдим ва қайси жойга бораман?

Бу саволлар қанчалик оғир туюлмасин, бироқ кўпчилик одамлар учун “чунки ҳамма шундай яшаб ўтган” деган жонсиз ва бемаъни жумлалар кўпчилик одамларга ана шу саволларга жавоб бўлиб хизмат қилиши мумкин.

## ЕВРОПАНИНГ ҚОРА ЮРАГИ

(мусулмоннинг кундалигидаги битиклар)

Кўхна Вена (Австриянинг пойтахти) мени махлиё қилиши кутилган ҳол эди – жиддий ва дабдабали архитектура, тош тўшалган тор йўлаклар ва ғадир-будур деворлар кичик кўчаларни гўё тоғ дараларига айлантирган. Агар бизга ҳам эркинлик ва ўз маданиятимиз кучоғида яна 200 йил яшаш эркинлиги берилганида, Кавказ шаҳарлари ҳам тахминан шундай кўринишга эга бўлар эди, деган фикр мени тарк этмади. Шундай бўлганида биз жаҳонга ўзимизнинг маданий, фикрий ва сиёсий тараққиётимизни намоён қилган ва бир пайтлар сиёсат маркази бўлган Хунза, Ахти, Кумух, Ведено, Жайри ва Таркиларни шаҳар меъморчилигининг жавҳарларига айлантирган бўлар эдик.

Бироқ гап ҳозир бу ҳақда эмас. Вена фақатгина меъморий ёдгорлик эмас. Вена – бутун насроний ғарб цивилизациясининг тимсолидир. Айнан Вена шаҳри ўрта асрларда Ислоннинг икки фатҳини тўхтата олган Европанинг сўнгги нуқтаси бўлди. Эслатиб ўтай, Ислоннинг биринчи тўлкини умавийлар даврида 711 йил (ҳиж. 92 йил олтинчи халифа Валид ибн Абдул Малик даврида) Гибралтар ва Испания орқали Европани қоплаган эди. Мусулмонларнинг отлик кўшинлари шиддатли бўронга ўхшаб Пириней тоғларидан ўтиб, илк бор Европа минтақасига чуқур кириб бордилар ва 732 йили (ҳиж. 114 йил ўнинчи халифа Ҳишом ибн Абдул Малик даврида) ҳозирги Парижга яқин Пуатье деган жойда тўхтатилдилар. Ислоннинг иккинчи тўлкини эса, Европага усмонийлар даврида келди. Бу сафар мусулмонларнинг кўшинлари Европанинг марказигача Болқондан кириб бориб, Венани 1529 (ҳиж. 935 йили 10-халифа Сулаймон Қонуний даврида) ва 1683 (ҳиж. 1094 йили 19-халифа Муҳаммад IV даврида) йиллари қамал қилдилар. Ҳар иккала уриниш ҳам муваффақиятсиз бўлди, чунки Вена ҳужумларга бардош бера олди.

Усмонийларнинг Венани муваффақиятсиз қамал қилиши Марказий Европа фатҳини тўхтатиб қўйди. Шундан бери ҳар қандай европалик учун Вена ва ҳатто баъзи россияликлар учун ҳам Ислон Европани забт эта олмаслигининг тимсолига айланди.

Бу ҳақда рус ҳамкасбларим билан Венанинг тор кўчаларида сайр қилар эканмиз, улар ҳазил аралаш эслатиб туришдан чарчамадилар. Мен уларга эса табассум ила “Биз бошқа йўлдан боряпмиз...”, деб жавоб бердим ва кўхна Венада ўз юртидагидек юрган ҳижобли қизлар тарафига ва кичик ресторанда шарбат ичиб, ўз тилларида суҳбатлашиб ўтирган чечен йигитлари тарафига бошим билан ишора қилиб кўйдим. Дарҳақиқат, иккита исломий фатх тўлқинини (умавий ва усмонийлар ҳужумларини) қайтара олган Европа бугун глобализация ва чегараларнинг йўқ бўлиб кетиши оқибатида келиб чиққан исломий демографик “ҳужумига” ва мусулмонлар миграция тўлқинига жавоб бера олмаётир.

### **Шайтоний мода**

Вена бутун ғарб цивилизациясининг маркази ва тимсоли бўлгани учун ҳам менга қизиқдир. Мен бу ерга нафақат илмий мақсадлар ортидан, балки Европанинг рамзий қалбига шўнғиш ва уни ичидан ҳис қилиш учун келдим.

Аввал кўчаларни кездим, дўконларга бордим ва одамлар билан суҳбат курдим... Мусулмон бўлганим учун мен барча нарсага Қуръон асослари билан нигоҳ ташлайман. Биринчи навбатда эътиборимни бу ердагиларнинг тавҳид ва рисолат қадриятларига қанчалик содиқ қолишгани ёки узоқлашиб кетганига қаратаман.

Биринчи кўзга ташланган нарса маҳаллий аҳолининг қора кучларга бўлган кучли ишончи. Деярли барча китоб дўконларида жодугар, алвасти, жин ва бошқа жирканч махлуқотлар ёритилган болалар учун бошқотирмалар тўлиб ётибди. Катталар учун эса шайтон, вампир, жодугар ва бошқа манфур қора кучлар ҳақида китоблар муҳайё. Китоб дўконларининг бутун бошли бўлимлари фантастиканинг қора жанри, шайтоний мистика ва эзотерикага бағишланган...

Бу мода фақат австрияликларга хос эмас. Замонавий Европа маданияти шайтоний ва қабр ҳақидаги афсоналар билан тўлган. Голливуд индустриясининг ўтган йилги шубҳали шедеврларига боқиш кифоя – “Фаришта юраги”, “Ван Хелсинг”, “Оқшом” ва бошқа юзлаб кино фильмлар.



## **Қўрқинч маданияти**

Замонавий ғарб дунёсининг бундай салбий қахрамонлар ва сюжетларга қизиқишлари қаердан келди? Ахир Ислон ва православ черкови Ғарб насронийлиги пайдо қилган даҳшатли тушунчаларни ёки шайтон, афсунгар ва вампирлар олдида юрак қотиб қоладиган даражада қўрқиш каби нарсаларни пайдо қилмаган-ку...

Мазкур даҳшат асосига курилган Ғарб маданияти ўрта асрларда авжга чиққан палласида санъат соҳасида ўлим ва шайтон асосий ўринни тутишига олиб келди. Таниқли маданиятшунос Йозеф Хейзинг мазкур ўрта аср кўринишларини “даҳшатли арвоҳлар ҳамда ёпишқоқ ва фалаж қилувчи қўркувлар таъсирида инсон шуъурининг қаърида туғилган бир титроқ...” дея тасвирлайди.

Кино санъатининг даҳшатли фильмлар жанри айнан мазкур Европа маданияти асосида пайдо бўлган ва Ғарб мамлакатларида ўта оммалашган. Бу кўриниш бутун бошли авлодлар бошидан кечирган даҳшат ва қўркувга йўғрилган “маданият”дир. Ўйлайманки, замонавий ғарб одами айнан шундай «санъат» – даҳшатли фильмлар, қора кучлар ва вампирлар ҳақидаги китоблар ва сайланмалар – орқали ўз қонига ва шуъурига асрлар давомида сингдирилган қўркувни итқитмоқчи...

## **Готик мистикаси**

Шу фикрлар билан мен эски шаҳар кучоғига ўзимни ташлайман... Марказий майдонда жойлашган ўта баҳайбат Авлиё Стефан черкови бошим узра пайдо бўлди... Унинг архитектураси муҳташам бўлиб, одамни сирли қўркув оғушига тортади. Бу готика – осмонга санчилган совуқ аррали миноралар, серкирра ва қилтанокли деворлар...

Черковнинг баланд деворларининг ҳар бир бурчагида даҳшатли махлуқлар осилиб турибди. Булар – инсон онги ўйлаб топган энг жирканч махлуқлардан бири гаргулалар. Менга тушунтиришларича, католик афсонаси тасаввуридаги ушбу жирканч махлуқотлар билан жаҳаннам тўлдирилган. Бироқ улар ибодатхона деворларига қаёқдан келиб қолди?..

Гаргулалар қандай мақсадни кўзлаб яратилгани ҳамон жавобсиз. Тахминларнинг бирига кўра, ўша пайтларда Европанинг аксар аҳолиси саводсиз бўлгани боис бу махлуқотлар уларни даҳшатга

солиш ва тобеъ қилиш учун ишлатилган. Бошқа бир талқинга кўра, гаргулалар бу биноларни ёвуз рухлардан кўриқлаган. Бу талқин уларнинг бадбашаралигини шарҳлаши мумкин. Афтидан тошдан ясалган ҳайкаллар ё зулмат кучларини кўрқитган ёки уларга даҳшат солиш вазифаси бошқаларга юклатилганини хабар қилган.

Бундан ташқари, инглиз меъморий обидалар тарихчиси Фрэнсис Блай Бонд черков гаргулалари черковнинг “хизматидаги” шайтоний махлуқлар бўлиб, Худонинг кудратига шоҳид бўлгач, Унинг тарафига ўтган, деб фикр билдирган. Менга эса улардан кўзланган мақсадни қуйидагича тушунтиришди: ибодатхона (храм) бу бутун оламнинг тимсолидир, католиклар тасавурида бизлар, бу дунё, жаннат ва жаҳаннам каби гаргулалар ҳам махлуқот оламининг бир қисми экан.

### **Салибчилар руҳи**

Вена черковларини айланиб юрибман... Тевтон жамоаси черкови, Капуцинлар черкови, Авлиё Мекоил черкови... Нимқоронғу залларга кирдим ва меҳроблар қаршисида бир вақт тўхтадим. Тан олай, биноларнинг салобати ва дабдабаси менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, меҳроблар инсонда катта таассурот қолдиради. Улар айнан кўзланган мақсад яъни, одамнинг тасавурини лол қолдириш вазифасини яхши ўташади.

Бироқ мислсиз юксак ўқсимон шифтлар, зах рутубат билан бирга деворлар тасвири элас-элас кўзга ташланади. Деворларда қалбни ларзага солувчи “Инжил” воқеалари маҳорат билан тасвирланган бўртма манзаралар... Буларнинг ҳаммаси дилга қандайдир фавқулудда ғашлик ва андуҳ соларди. Маҳзун қалбингизга жойлашади, ҳар бир бурчагига етиб боради ва тобора қуюқлашади... Кўп ўтмай улар оғир юк каби сизга таъсир қила бошлайди... Киши руҳониятини даҳшатга солувчи бу деворлар ва мислсиз ғам-андуҳга ғарқ этувчи ички манзаралар – буларнинг бари бу масканга келувчи инсоннинг иродасини букиш мақсадида қилинганмикин, деган фикр миямда ғужғон ўйнади. Мана шу нарсалар асосида ўрта аср католик черкови барпо қилинган – иймон келтирганларнинг иродасини синдириш, унинг руҳини черков асирига айлантдириш... Бироқ нега? Мен буларни вақт ўтгач тушундим... Унгача мен ёлғиз ва ўзимни ўрта асрлардаги жони ва қалби бутунлай католик черкови

измига топширилган мутаассиб диндор салибчи рицардек ҳис қилиб маҳзун зулмат ичида турибман. “Инсофсиз мусулмонлар” томонидан таҳқирланган “Ийсо тобути” ҳақида ва Муқаддас Замин (Фаластин)га шу заҳоти отланиб “иймонсизларни” қонга чўктириш каби католик издошининг қалбни ўртайдиган хитоблари ва юракни тилка-пора қилувчи даъватлар... Афтидан ўрта аср салибчиларининг диний мутаассиблиги (фанатизм) айнан шу муҳитда туғилган...

Ўрта асрларда Европада яшаган салибчиларнинг диний мутаассиблиги менга ҳеч тинчлик бермайди. Муқаддас заминга уларни нима бошлаб борди? У ердагиларнинг исмлари, амаллари ва ҳатто ибодатларини ҳам билмай туриб минглаб мусулмонларнинг қонини тўкишига нима сабаб бўлган экан-а? Ийсо алайҳиссаломга бўлган муҳаббатми? Бошқа бир динга нисбатан нафратми? Бойлик орттириш илинжими? Ёки бошқа нарсами? 1212 йил (ҳиж. 609 йил) “Болалар салиб юриши” номи билан танилган салибчилар юриши Германия ва франциялик ўн минглаб болалардан ташкил топганини қандай тушуниш мумкин? Католик черковига мансуб ушбу ёш хизматчиларнинг қалбларида нима бор эди? Қандай афсона ва ривоятлар билан улар вояга етказилган эдилар, гар улар оммавий равишда қотиллик ва қон тўкишга рози бўлган бўлсалар? Шундай фикрлар оғушига чўмган ҳолимда Венанинг кўчалари ва черковларига кирдим ва ўша Европанинг қалбига назар солишга ҳаракат қилдим...

### **Ўлимга сиғиниш**

Авлиё Рупрехт черковида тош бўлиб қотиб қолдим. Бу бино VIII-IX асрлар орасида роман услубида қурилган Венанинг энг кўҳна черковидир. Бундай баҳайбат меъморчиликдан мароқ олдим десам, ҳеч нарса демаган бўлар эдим. Зеро баҳайбат деворлар, пастқам шифтлар, қорайган қандиллар ва қўпол шувоклардан ҳақиқатдан баҳра олдим... Кавказда туғилганим боис мен ҳар бир катта шаҳар (мегаполис) ва ҳар қайси Европа пойтахтидан қалбимга яқин – дағал бўлган, деярли тош асри архитектурасини излайман. Уларда қандайдир куч, оддийлик ва илк аждодлар руҳияти бор...

Бироқ бу ерда мени кутилмаган совға кутар эди. Черков

хонасининг ғарбий қисмида шишалик тобутда (саркофаг) чириб кетган одам скелети ётар эди. Бу нима бўлди экан? Йўриқномадаги олмонча сўзларни зўрға ҳижжалаб ўқиб, инглиз тилини яхши билмайдиган черков ходималаридан узук-юлуқ ахборот тўплаб билишимча, кўмилмаган бу жасад душманлар қўлида ҳалок бўлган аллақандай авлиё Виталийга тегишли экан...

«Шаҳидлар»нинг мурдаларига муносабатнинг православча анъанаси билан яхшироқ танишман. Улардан фарқли ўларок, чириган қолдиқларни черков қавми ва бошқа меҳмонлар учун кўргазма қилиб қўйиш католиклар анъанасига хос экан. Мен кўп вақт бу урф-одатни тушуна олмадим, китоблар титдим ва нуфузли католик роҳибларининг фикрларини ўқидим... Мени таажжубга солган бир анъана масалага ойдинлик киритди...

### Ўликлар шахри

Суриштириб билишимча, Италиянинг Палермо шахрида ўлган одамларнинг мурдалари қўйилган бутун бошли ер ости галереяси мавжуд экан. Капуцинлар катакомбаларида очиқ ҳолатда 8 мингдан ошиқ мурдалар намоишга қўйилган. Бу энг машҳур мўмиёланган кўргазмаларнинг биридир. Скелетланган, мўмиёланган ва балзамланган жасадлар осилган ҳолда, ётган ва тикка турган ҳолда композиция қилиб ташкил қилинган...

19 аср охирларида француз ёзувчи Мопассан бу катакомбаларни зиёрат қилади. У катакомбалардаги чириётган жасадларнинг жирканч манзараси ва бу ерда ҳукм сураётган хурофотларни кўриб даҳшатга тушади: “Кенг ва баланд, катта галерея деворига ажойиб ва бемаъни либослар кийдирилган жуда кўп скелетлар тизиб қўйилган экан. Баъзилари ҳавода ёнма-ён муаллақ осиб қўйилган, бошқалари эса ердан шифтгача беш қават тош токчаларга тиклаб қўйилган. Ўликларнинг мурдалари саф бўлиб қатор турибди: бошлари кўрқинчли, оғизлари эса ҳозир гапириб юборадигандек. Баъзиларининг бошларида қолган сочлар бош чаноқ ва жағларни янада хунук қилиб турибди; баъзиларининг ҳамма сочлари сақланиб қолган, баъзиларининг бир тутам мўйловлари қолган, бир қисмларининг эса соколлари бор. Баъзилари тепага қараган, баъзилари эса пастга; баъзиларининг юзларида даҳшатли кулгу,

баъзилари эса оғриқдан инграб тургандек гўё. Уларнинг барчаси таърифлаб бўлмайдиган ғайриинсоний кўрқув (азоб) ичида. Бу бечора, хунук ва кулгилик ўликларни қариндошлари тобутлардан чиқариб, бу ерга жойлаш учун кийинтириб ҳам қўйишган. Уларнинг деярли барчаси қандайдир қора либосга ўранган; баъзиларининг бошларида бош кийимлари (капюшон) бор. Айтишларича, вақти-вақти билан каламуш умуртқаларни кемириб ташлаганидан баъзиларнинг бошлари узилиб тушар экан. Минглаб каламушлар бу мурдалар омборида яшамокда экан...”

### **Одамлар суягидан қурилган черков**

Прага (Чехия) марказдан узок бўлмаган собиқ Седлце қишлоғига яқин жойда цистериан монастири ва барча авлиёлар черкови жойлашган. У пастки қаватдаги суяклар сақланадиган жойи билан сайёҳларни ўзига жалб қилиб келади. Бинонинг хоналари ҳақиқий одамларнинг суякларидан қурилган.

Булар 14 аср бошида вабо эпидемиясида қирилиб кетган ва қабристонда жой етмаган ўн минглаб одамларнинг суякларидир. Мазкур ерларнинг 16 ва 18 асрлардаги роҳиблари ва хўжайинлари суяклар устида изланишлар олиб бориб, натижада суяклардан бутун бошли черковнинг ички қисмини қуриб чиққан эканлар... Черковга кираверишда эса, ўликларнинг тирикларга мурожаати осиб қўйилган: “Биз ҳам эдик сиздек, сиз ҳам бўласиз биздек”...

Шунга ўхшаш черков – Каплица чашек ёки “Бош суяк ибодатхона”си Полшада ҳам бор. Бу бечораларнинг ҳаммаси 18 аср ўрталарида бўлиб ўтган Силез урушлари ва турли инфекцион касалликлардан қазо топганлар. Кичик ибодатхонанинг девор ва шифтлари уч мингга яқин одамларнинг суяклари ва бош суякларидан қурилган.

Пол остида эса яна 20-30 минг одамнинг қолдиқлари ётибди. Бу ибодатхонани 1776 йили Вацлав Томашек қурган. Ибодатхонани қуриш, одам қолдиқларини йиғиш ва дезинфекция қилиш ҳамда бошқа қолдиқларни кўмиш учун саккиз йил вақт кетган...

Юқори Австрияда жойлашган Галштат шаҳрида бош чанокларига бўлган иштиёқ бошқа бир анъанага сабаб бўлган ва бу анъана ҳали ҳамон бор. Бирон ўлик дафн қилинганидан 20-30

йил ўтгач, унинг суяклари қабрдан чиқарилади. Унинг бош чанок суяги йўнилади, оқланади ва ялтироқ ҳолатга келтирилиб, гуллар ёки хочлар расмлари туширилади ва устига ўликнинг исми, касби, вафот куни ва бошқа ахборот ёзиб қўйилади. Бу анъана Юқори Австриянинг кўп ерларида қабристонларга жойлар етишмаганидан пайдо бўлган. Айни пайтда Галштат «галерея»сида 610 та безалган бош чаноклари бор. Ер сатҳида бўлган бош чаноклар сони аслида кўпроқ, бошқалари уйларга олиб кетилган.

### Қора ўлим

Мархумларнинг жасадларини лаҳадга қисқа вақт ичида ва эҳтиёткорлик билан қўйишга шошилган мусулмонлар учун бундай ўлим базми ваҳшийликдан ўзга нарса эмас. Ўрта аср Европаси учун эса бу маданиятнинг бир қисмидир. Бунинг устига жасадларни бу тарзда қабрлардан чиқариш ва аллақачон вафот топганларнинг қолдиқлари билан бундай кўнгил очарлик қилиш Европа давлатларида вабо ва бошқа касалликларнинг тарқалишига сабаб ҳам бўлган.

Европа юз йиллар мобайнида даҳшатли вабо эпидемиясига дуч келиб турди. Шуларнинг бири – “14 аср вабоси” – 35 миллион одам, яъни қитъа аҳолисининг тўртдан уч қисми ҳалок бўлишига олиб келди. “Қора ўлим” (ўша вақтларда вабо шундай аталган) ўша даврда Европанинг доимий йўлдоши бўлган.

Европа шаҳарларида ҳукм сурган ашаддий антисанитария, чиқинди қувурларининг йўқлиги, ҳамда кўчаларга тўкилган ифлос ва ювинди сувларнинг барчаси вабо касалини тарқатишнинг энг яхши воситаси бўлган каламушларнинг кўпайишига қулай муҳит яратган. Европаликларнинг жоҳиллиги вабонинг сабаби – шайтоннинг қули мушуклар, деб эълон қилинишига сабаб бўлди. Мушукларни оммавий равишда қириб ташланиши эса вабо каламушларининг янада кўпайиб кетишига олиб келди...

Диний таассуб, жоҳиллик, антисанитария, қашшоқлик, даврий эпидемиялар, тоғ-тоғ мурдалар – бу Европанинг ички дунёси шаклланаётган даврнинг орқа фонидир. Ажал Европа турғунининг пешидан қолишмаган... кўзларига тик бокқан... юзига бадбўй нафасини уфурган... Рақсга тушаётган скелетларни акс этган расм

Ўлимга олиб борадиган касаллардан букчайиб қолган Европани рамзига айланган ва ўша даврнинг санъатида жуда ҳам оммабоп ва машҳур бўлган.

### **Бўлиниб ташланган императорлар**

Капуцинеркирх томон йўлда Венанинг навбатдаги черкови ҳам ўзида кўп қизиқарли сирлар яширган. Черков қаршисида Австрия императорларининг хонадони – Габсбургларнинг оилавий сағанаси жойлашган. Бу сағанага император Маттиаснинг аёли Тироллик Анна 17 асда асос солган. Ҳозирда бу ерда ўн Австрия императори ва 15 император аёлнинг қолдиқлари бор.

Императорлар қисм-қисмга бўлиниб дафн қилинган. Шоҳона жасадни парчалашган, юзини дабдала қилиб пачоқлашган, токи у дунёда соғлом ҳолда кўринмасин... Кейин эса юрак ва бошқа ички органлар олинган. Императорларнинг юраклари ҳалигача августиликларнинг черковларида сақланади. Уларнинг ичак-чавоқлари эса бронза идишларда Авлиё Стефан черковининг катакомбаларида сақланади.

Одам суяги ва қолдиқларига бўлган муҳаббат Католик Европасида одатий ҳол эди. Бунга ўхшаш сағана ва галереяларни Португалия, Италия, Франция ва Малтада ҳам учратиш мумкин. Император оилалари вақти-вақти билан бу сағаналарни зиёрат қилиб, ўлганлар хокига таъзим қилиб туриш одат бўлган.

### **Ўлим чехралари**

Ўлим чехраси европаликларнинг бутун умрлари мобайнида ёнма-ён борган. Қўрқув ва ўликларнинг нафаси ўша давр европаликларининг руҳларини пачоқлаб ташлаган. Ўлимга сиғиниш билан овора ва жасадлар билан ўйновчи халқнинг қалбида қандай дин мавжуд бўлгани ва у дин қайдай қилиб қалбларда сақланганини тасаввур қилиш мен учун мушкул.

Европалик ўрта аср насронийси бунчалик мурдаларни хўрлаш учун қандай ички хислатларга асосланиши ёки қандайдир нарсани бошидан ўтказиши керак эди? Ғарб одамнинг онгига ўликларга бўлган бузуқ муносабат шунчалик таъсир қилганки, ҳатто ҳозир ҳам ўликлар ҳақидаги кинолар, китоблар, шайтоний атрибутика

ва муסיқа орқали даҳшат ва кўрқинч хиссини қайта-қайта талаб қилмоқда.

Ироқдаги Абу Ғурайб қамоқхонасида сақланган мусулмон ҳарбий тутқинларустидан ваҳшиёна жинсий зўравонлик ҳолатлари... Европа мамлакатларида ҳижобни таъқиқлаш ҳаракатлари... Замонавий Ғарб шаҳарларида вабодай тарқаётган гей маданиятининг “дин”га тақалган илдизлари... Вена томон йўл олган учоққа ўтирганимда унинг кўчаларидан бунча саволга жавоб топаман, деб ўйламаган ҳам эдим...

### **Рухшунослик ва Фрейд**

Венанинг черков ва сағаналаридан кейин мени таажжубга солган нарса Австрия пойтахтининг ҳар бурчагида фаолият юритаётган психиатрлар бўлди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда уй деворларида шифокор-психиатрларнинг эълонлари осилган. Буларни қандай тушунтиришни билмайман. Ё австрияликларнинг ялпи руҳий носоғломлиги бунга сабаб ёки ўз ватандошлари Зигмунд Фрейдга тақлид.

Тортишувларга сабаб бўлган ўта қизиқ руҳий таҳлил назариясининг муаллифи Зигмунд Фрейд Венада яшагани ва ижод қилгани ҳаммага маълум. У галициялик яҳудийлар оиласида таваллуд топган ва тўлиқ исми Сигизмунд Шломо Фрейддир. Бу ерда у университетни тамомлаб, тиббиёт фанидан доктор унвонига эга бўлган ва ўзининг назариясига жило берган. У кўп тамаки истеъмол қилганидан ўпка саратонидан азият чеккан. Натижада 33 марта азобли операцияни бошидан ўтказган. У ўзининг шифокори ва дўсти ҳисобланган Макс Шурдан ўша вақтда машҳур бўлган ғоя – эвтаназия (ўз ўлимига розилик бериш)ни амалга оширишда ёрдам сўрайди. У Фрейдга уч баробар кўпроқ морфин дозасини берган ва 83 ёшли Фрейднинг ўлишига сабаб бўлган.

Айнан Фрейд инсон ички дунёсининг энг разил кўринишларига эрк берди. Ваҳоланки унғача оддий жамиятда бу қабиҳ иллатлар яшириб келинар ва уларни йўқотишга ҳаракат қилинар эди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, агар Фрейд бўлмаганида сюрреализм ҳам, «абсурд театри» ҳам, сексуал инқилоб ҳам, кино ва муסיқадаги «маданият»нинг бузуқликлари ҳам пайдо бўлмас эди!



Баччабозлик таъқиқини “илмий” йўл билан олиб ташлаш Фрейд номи билан боғлиқ. Агар аёл киши бошқа аёлга ва эркак киши бошқа эркак кишига нисбатан жинсий шахвати кўзгалса, яъни баччабозлик қилса, у одам жинсий ориентациясини ўзгартишига эҳтиёж туғилмайди, зеро инсон табиатан бисексуалдир, деган эди Фрейд. Гўё, бошқалар уни тўла тушунмаганларидан пайдо бўладиган рухий ўнғайсизликни бартараф қилишда ва янгича ўзлигини қабул қилишда бу одамга ёрдам бериш керак эмиш.

### Гей-трамвайлар

Фрейднинг “илмий дуо”си билан европаликларнинг баччабозликка бўлган майлларига йўл очилиши тимсолини Вена трамвайлари мисолида кўрмоқдаман... Ҳар бир трамвайда, гўё бу қандайдир ифтихордек етти рангли жаҳон гей-ҳаракатининг байроғи хилпираб турибди.

Мен такси ойнасидан бир гей-парадни кўриб, ҳайдовчидан бу нима, деб сўрадим. Ҳайдовчи болгариялик экан, менга уялган бўлиб, Вена трамвай ҳайдовчилар профсоюзи дунё гей-ҳаракати билан бирдам эканининг рамзи сифатида бундай байроқлар билан шаҳарнинг барча трамвайларини безатишни мақсад қилган, деб тушунтира кетди. Мен ҳайратимни яширмай ундан: “Бу қанақаси бўлди? Кимдир гей-ҳаракат билан бирдам бўлмасачи? У қандай қилиб бу ҳаёсиз трамвайлардан фойдаланиши мумкин?” деб сўрадим. Таксичи елкасини қисди ва агар таксичилар профсоюзи шунга ўхшаш тадбирни амалга оширишни хоҳлаб қолса нима қилишини билмай шаҳар учун узр сўрагандай бўлиб жавоб берди.

Венада гей-маданият нафақат кенг тақдим қилинган, балки Вена шаҳри Европанинг тан олинган гей-пойтахтларининг бири ҳисобланади. Январ ойида Австрия парламенти тарафидан эркак бошқа эркак билан никоҳ қуриши ҳақидаги олдин қабул қилинган қонун кучга киритилди. Мамлакат адлия вазири Клавдия Бандион Ортнернинг айтишича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши Австрия жамияти учун “жуда катта тарихий қадамдир”.

Венанинг гей-маданияти ҳақида интернет тармоқларида: “Бошқа Европа пойтахтларига қараганда Австрия пойтахтида баччабозлик бой тарихга эга... баччабоз императорлар, саркардалар ва ўтмишнинг

бастакорлари сингари Венанинг баччабозлари таътилга чиққан гей-сайёҳлар учун шаҳарни мафтункор қилишмоқда...” деб ёзилмоқда.

Европанинг бошқа қисмлари ҳам Австриядан қолишаётгани йўқ. Масалан, Исландия Бош вазири Ёханна Сигурдардоттир 8 йилдан бери ўз жинсининг вакиласи бўлган журналист Ёнина Леосдоттир билан бир никоҳда яшаб келади; вице-канцлер ва Олмония ташқи ишлар вазири Гидо Веестервелле, Франциянинг маданият ва мулоқот вазири Фредерик Миттеран; Берлин бургомистри Клаус Вооерайт; Норвегия пойтахти Осло ҳокими Эрлинг Лае ва Париж ҳокими Бертран Деланоэлар эркак бўла туриб бошқа эркакка турмушга чиққан. Мен ҳали Европанинг аксар депутатларини, собиқ вазирларини, ҳокиму санъат арбобларини эсга олмадим.

### Гей-тарих

Венада ҳар йили жуда кўп гей-парадлар, баллар ва турли хил тадбирлар бўлиб ўтади. Венанинг баъзи худудларида кичик ресторанлар, тунги дам олиш масканлари, кафе, магазинлар, секс-клублар, гейлар учун ҳаммомларга тўлган бутун бошли гей-маҳаллалар шаклланган.

Бу ҳам камдек, Вена энди бутун дунё гей, лесби ва трансвеститларни ҳам ўзига жалб қилмоқчи. Австрия пойтахтининг сайёҳлик идораси гей-сайёҳлик йўналишини кенг тарғиб қилмоқчи. Идора вакиласи Ева Дракслернинг айтишича, “Биз шаҳримизни жинсий озчиликлар учун сайёҳлик макони бўлишини истаймиз”. Венада гей ва лесби жамоаларининг инфратузилмалари учун жуда кўп қулайликлар ва шарт-шароитлар яратилган. Венанинг жуда кўп меҳмонхоналари ўзларини «gay-friendly», яъни гейларга дўстона муносабат кўрсатган маскан, деб эълон қилмоқда.

Гейларга тегишли ресурсларда Вена тарихи баччабозлик билан чамбарчас боғлиқ қилиб кўрсатилмоқда. Шуларнинг бирида айтилишича, 19 асрда Вена баччабозларининг ёрқин вакили кайзер Франц Йосиф II нинг укаси шаҳзода Лювиг-Виктор бўлган, унга халқ Люци-Вуци деб ном берган эди. Бундан ташқари австриялик баччабозлар Венани турк қамалидан кутқариб қолган Австрия миллий қаҳрамони шаҳзода Евгений Савойскийни ҳам очиқ баччабоз бўлгани ҳақидаги ривоятни оммалаштиришга уринишмоқда.

Бундан ташқари Фаластинни босиб олган ва Қуддусга хавф солган инглиз қироли Ричард Шерюрак салибчилар юриши даврида Венада яшаган. Айтишларича, у очиқчасига ўзининг баччабозлиги билан танилган экан. Ричард Шерюракни гейларнинг рамзи бўлишига унинг Франция қироли Филипп II билан бўлган муносабатлари тарихий гувоҳлик сифатида келтирилади. 1187 йилги йилнома (хроника)да қайд этилишича, икки эркак жуда яқин бўлганидан “кечалари уларни тўшак ҳам ажрата олмаган”.

### **Европанинг туғилиши**

Яна бир савол менга ҳеч тинчлик бермаяпти. Аниқроғи иккита саволимбор: Европада туғилган замонавий ғарб жамиятида шахвоний шалоқлик, бузуклик ва ҳамма нарса мумкин деган бебошликнинг отилиб чиқиши қаердан бошланди, қайси чуқурликдан чиқди экан? Европаликларнинг олдинги авлодларидаги ташқи художўйлик, “Ийсо тобути” учун жонини фидо қилиш, насронийлар пойтахтини муслмонлардан ҳимоя қилиш билан бирга католик черкови ман қилган шахватга берилишлари қандай муроса қилган экан?

Авваламбор, биз тушунишимиз лозим бўлган нарса, Вена бу фатҳ қилиб келаётган Исломга насроний Европанинг қарши туриши тимсолидир. Бироқ, муслмонлар туфайли Европа ўз маданияти, цивилизация лойиҳасига эга бўлгани ҳам таажжубли-да.

Мен бу ерда Андалус ва Сицилия муслмонларининг Европанинг ўзига хос интеллектуал ва маданий ўзагининг шаклланишида ўйнаган роли ҳақида гапираётганим йўқ. Мен бошқа нарса ҳақида сўз юритяпман. Жуда кўп вақт Андалусия муслмонлари Европанинг бир қисми ҳисобланган. Осиё ерларини тасарруфига олган византияликлар эса осиелик ҳисобланган. Бунга қарамай, 15 асрда испанлар муслмонларни Андалусиядан, турклар эса византияликларни Осиёдан қувиб солдилар. Европа қиска муддат ичида бўлса ҳам насроний дунёсининг – Рах Christiana синонимига айланди. Ўшанда ўзларини Ислом дунёсидан ажратиб кўрсатишга, Рах Islamicадан фарқи борлигини ва ўзларининг умумий ўхшашликни таърифлашга эҳтиёж туғилди. Бироқ, ўшанда ушбу дунё учун умумий ном олдин зикр қилинган Рах Christianадан, яъни насронийлик маданиятидан эмас, балки насронийликдан олдинги

бутпараст бўлган мажусийларнинг қадимги юнон маданиятидан – Европа деб ном олинган. Маълумки, Европа – қадимги юнон мажусий афсоналарининг қаҳрамонидир (персонаж). У финикилик малика бўлиб, уни Зевс “худоси” буқа шаклига кириб ўғирлайди ва Крит оролига олиб кетади. Қандай қилиб, Европанинг мажусийлик моҳияти католиклар ҳукмронлик қилган йўғон асрлар қатлами остидан ўсиб чиқиб Рах Christiana лойиҳасини ютиб юборди экан-а?

### **Насронийликка сингиб кетган мажусийлик**

Жавоб мен кутмаган тарафдан келди... Габсбурглар сулоласи томонидан қурилган Хофбург сарой комплекси боғида юрибман. Комплекс шубҳасиз ўта дабдабалидир. Бино сулоланинг императорлари тарафидан қурилиб борилган. Бундан мақсад Австрия тахтининг буюклигини оламга намойиш қилиш бўлган. Ахир Габсбурглар нафақат Австрия императорлари бўлган, балки улар олмон халқининг – Рим империясининг императорлари ҳам эди.

Рим империяси насронийларнинг катта давлати эди. У 962 йилдан 1806 йилгача мавжуд бўлиб, ўзининг чўққига чиққан даврларида Олмония, Австрия, Шимолий ва Марказий Италия, Швейцария, Нидерландия, Белгия, Чехия ва бошқа Марказий Европа ерларига ҳукмрон бўлган. Рим империяси Ғарбий Европа насроний дунёсини бирлаштириш илинжида антик даврлардаги Рим империяси ва Буюк Карл Франк империяси ворислигига ўзини даъвогар, деб билар эди.

Шунга қарамай, ўша давр насроний дунёсининг пойтахтида жойлашган насроний қирол қалъасининг ҳар бир бурчагида католик маданияти қатлами орасидан униб чиққан мажусийлик тимсол ва рамзлари кўп эди. Насроний қиролларга тегишли сарой комплексининг ташқи шакли (контур) бўйича мажусий ярим яланғоч персонажлар Апполлон, Ҳиракл, Афина ва ҳоказоларнинг катта-катта ҳайкаллари ўрнатилган эди. Ўша вақтнинг барча санъатида Дионис, Хермесу Зевслар кўзга ташланади...

Мен билан Венани сайр қилаётган насроний ҳамкасбим мажусийлик ярим яланғоч ҳайкаллар ва рассомлик санъатида насроний динидаги қиролларнинг бунчалик иштиёқ қўйганидан ҳайратда. Қадимги юнон мажусий афсона қаҳрамонлари нафақат

Ўз жасоратлари билан ном чиқаришган, балки улар жинсий тубанлашиш, баччабозликка бўлган мойилликлари ҳатто оналари билан жинсий алоқалари билан донг таратган.

### **Шаҳвониятнинг авж олиши**

Ўша даврда насронийларга етакчи бўлган сулолалар ва маданият соҳасининг бошқа оқсуяклари (элита) антик даврнинг шаҳвоний маданияти билан қизиқишларига сабаб, католик черковининг мафкуравий зулмига қарши бир исён экани ҳақида хулоса қилишимиз мумкин. Мақолам аввалида ўрта аср католик европасида ҳукмрон бўлган қалбни ўлдираётган даҳшатли зулмлар, шайтон ва ўлимдан оммавий кўрқиш, инсон иродаси ва ҳиссиётининг бўғилишлари ҳақида ёзган эдим. Папа тахти инсон учун табиий бўлган шаҳватни қондириш йўлларига таъқиқ қўйишда ҳаддидан ошаётган вақтида Европа аҳолиси ўзининг шаҳватини қондириш учун ўзига турли хил йўллари излашга тушган.

Менинг православ ўртоғим мен билмайдиган тафсилотларни очиб берди. Маълум бўлишича, европаликларнинг куч билан бостирилиб турилган ҳиссиётлари нафақат юнон қаҳрамонларининг ишқий сиймолари орқали, балки ҳаддан ташқари Биби Марямни ҳурматлаш, ундан завқланишларидан ҳам билиб олсак бўлади. Унга “Ширинтой Марям” деб мурожаат қилишларида ҳам бу ўз аксини топган.

Тушунишимча, православларда бундай муносабатларга ўрин йўқ. Бироқ, католиклар ўзларининг жабр-зулмлари билан бошқа масала. Европаликларнинг ҳиссиёт ва фикр эркинлиги, шаҳватпарастлик истаклари борасидаги асрий очликлари Европа жамиятини ич-ичидан портлатиб юборди. Бу ижтимоий портлаш натижасида замонавий Европада насронийлик йўқ қилинди, унинг ўрнига эса жинсий ахлоқсизлик ва барча нарсага руҳсат моҳиятига эга мажусийликнинг янги тури пайдо бўлди.

### **Тео ван Гог ва Абу Ғурайб**

Айнан мажусий бўлиб, насронийларга қарши бўлган ахлоқсиз, жинсий тубанлашган бугунги Европа ўз шаҳарларида мусулмонлар нуфузининг ошишини ва мусулмонларнинг фаоллигини кўриб ўзини

қўйишга жой топа олмагани алоҳида диққатга сазовордир. Европа мамлакатларида мусулмонлар қанчалик кучайиб борсалар, Европа ўзининг кимлигини исботлаш учун мусулмонларга қарши шунчалик сафарбарликка ва кучларни бирлаштиришга ҳаракат қилади.

Бироқ ўзининг кимлигини кўрсатиш йўлида бирлашаётганлар насронийлик асосида бирлашмай, балки янги мажусийлик (нео-языческой) асосида бирлашадилар. Чунки маънавий қашшоқ бўлган бугунги Ғарб бошқа дунёга маънавий ҳеч нарса таклиф қила олмайди. Бунинг ўрнига улар асрлар оша келаётган даҳшат, қўрқув ва жинсий бузукликнигина тақдим қила оладилар, холос. Европа ва ундан туғилган Америка жамиятлари ўзидан кўра интизомли ва жиддий маданият, масалан Ислом билан дуч келганида уни парчалаб, ич-ичидан портлатиб юборишга, ўзларининг янги насронийлик, мажусий-маданий бўтқасига аралаштириб юборишга ҳаракат қилади.

Шу сабабми, кўплари фосиқ (гей ва лесби бўлган) европалик сиёсатчиларнинг ҳижобни ман қилиб ташлаш ҳаракатлари ва хоҳишлари уларнинг миясига қаттиқ ўрнашиб қолган... Шу сабабми, Ғарб феминист аёлларининг мусулмон аёлини ҳам фоҳишага айлантириб, ўз даражасига туширишга бўлган васвасали истаклари бор... Ғарб фондлари тарафидан “мусулмон гейлар ҳаракати”га ўхшаш манкуртларга кўрсатилаётган ғамхўрликларига ҳам шу сабаб бўлса керак... Тео ван Гогнинг аёллар танасига Қуръони карим оятлари ёзилган провокацион «Таслим қилиш» («Ислом» сўзининг «бўйсунуш» маъносига шаъма) фильми орқали мусулмонларга азият бериш, таҳқирлашига ҳам шу сабаб бўлган...

Абу Ғурайб ва Гуантанамодаги мусулмон асирлари устидан қилинган жинсий зўравонлик асосидаги жиноятларга ҳам шу сабаб бўлган... Чунки бу зўравонликлар замирида нафақат камситиш ва хўрлаш бор, балки бу ерда рақиб тарафининг эътиқоди мутлақ тарзда рад қиладиган усуллар орқали ўз душманини маънавий, руҳий тарафдан йўқ қилиб ташлаш ҳаракати ҳам ётибди... Зеро Ғарбдаги жинсий инқилоб диний қарашлар ва маданиятни вайрону хароб қилиш мантиғи Ислом маданиятини ҳам шу қўйга солишини талаб қилади...

## ЙЎҚОЛГАН ТАВРОТ

Инсоният буюк мақсад билан яратилгач, ҳеч бир замонда ўз ҳолига ташлаб қўйилмади! Аллоҳ таоло инсон учун ер юзида бахтли ҳаёт кафолатини берувчи Ўзининг кўрсатмалари мажмуаси бўлмиш каломини Пайғамбарлари орқали юбориб турди. Лекин ҳар доим ҳам ушбу кўрсатмага барча бирдек амал қилмади. Амал қилмасликдан ҳам ўтиб, муқаддас каломни ўзгартиришга журъат қиладиганлар ҳам пайдо бўлди. Қуръони каримда бу хусусда бир неча оятлар келтирилган:

**“Китобни ўз қўли билан ёзиб, сўнгра уни арзон баҳога сотиш учун: «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан», дейдиганларга ҳалокат бўлсин! Уларга қўллари билан ёзган нарсаларидан ҳалокат бўлсин! Уларга топган фойдаларидан ҳалокат бўлсин!”** (Бақара сураси, 79-оят)

**“Улардан бир гуруҳлари борки, сизлар китобдан бўлмаган нарсани китобдан деб ўйлашингиз учун, китобни тилларини буриб ўқирлар. Ва: «У Аллоҳнинг ҳузуридандир», дерлар. Ҳолбуки, у Аллоҳнинг ҳузуридан эмас. Улар билиб туриб Аллоҳ ҳақида ёлғон сўзларлар”.**(Оли Имрон сураси, 78-оят)

“Яҳудий бўлганлардан калималарни ўз жойидан бузиб-ўзгартирувчилар бор. Улар тилларини бураб ва динга таъна етказиб: «Эшитдик ва исён қилдик, эшит, эшитмай қолгур ва «Роина», дерлар. Агар улар, эшитдик, ва итоат қилдик, эшит ва бизга назар сол, деганларида, албатта, ўзларига яхши ва тўғри бўлар эди. Лекин Аллоҳ уларни куфрлари сабабли лаънатлади. Бас, озгиналаридан бошқалари иймон келтирмаслар”.

(Яъни, яҳудийлар разилона сўз ўйини қилишади. Сиртдан чиройли, одобли сўзларни айтгандек кўринишади, аммо аслида тилларини буриб, ўша сўзларнинг иккинчи – ёмон маъносини ифодалашади. Мисол учун, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир гапни айтсалар, мўмин-мусулмонлар, эшитдик ва итоат қилдик, дер эдилар. Яҳудийлар эса, эшитдик ва исён қилдик, дейишади. Сиртдан қараганда, худди мўминларга ўхшаб жавоб берганга ўхшашади. Аслида эса, у кишини масҳара қилмоқчи ва динга таъна етказмоқчи

бўладилар.)

“Ахдларини бузганлари учун уларни лаънатладик ва қалбларини қаттиқ қилдик. Улар калималарни ўз ўрнидан ўзгартирдилар. Ўзларига эслатма бўлган нарсадан кўп насибани унутдилар. Уларнинг озгиналаридан бошқаларидан мудом хиёнат кўрасан. Бас, уларни авф эт ва айбларини ўтиб юбор. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади”. (Моида сураси, 13-оят)

“Эй Пайгамбар! Оғизлари ила, иймон келтирдик, деб қалблари иймон келтирмаганлар ва яхудий бўлганларнинг куфрга ошиқадиганларидан хафа бўлма. Улар ёлғонни кўп эшитадилар, сенга келмаган қавмлардан ҳам эшитадилар. Сўзларни жойларидан ўзгартирадилар. Улар: «Агар сизга бу берилса, олинглар, агар бу берилмаса, ҳазир бўлинглар», дерлар. Аллоҳ кимни фитнага солишни ирода қилса, унга Аллоҳ томонидан бўладиган бирон нарсани тўса олмассан. Аллоҳ ана ўшаларнинг қалбларини поклашни ирода қилмади. Уларга бу дунёда шармандалик бор. Уларга охиратда улкан азоб бор”. (Моида сураси, 41-оят)

(Оғизлари ила, иймон келтирдик, деб қалблари иймон келтирмаганлар – мунофиқларга ишорадир. Демак, ушбу ояти карима мунофиқлар ва яхудийлар ҳақида тушган. Маълумки, мунофиқликнинг келиб чиқиши ҳам яхудийларга бориб тақалади.)

Хуллас, эътибор берилса Мусулмонлардан олдинги аҳли китоблар Аллоҳнинг каломини ўзгартиришга журъат қилишган ва унинг жазосини лойиғи билан олишган.

Қуйидаги мақола муаллифи ушбу мавзуни очиб беришга ҳаракат қилган ва айрим қизиқ маълумотларни келтириб ўтган. Мақола муаллифнинг шахсий қарашлари билан йўғрилган бўлса-да, илоҳий каломни ўзгартирганлар хабари Инжилда ҳам бўлиши, Қуръони каримнинг нақадар ҳақ калом эканлигини яна бир бор исботлайди. Зеро Қуръони карим энг тўғри маълумотларнинг асосидир.

Энди марҳамат қилиб мақола билан танишинг:

Милоддан аввалги 638 йил Амон уюштирган сарой фитнаси туфайли саккиз ёшлик Жўшиё Иудея подшоҳи, деб эълон қилинди. Тарихининг ушбу босқичида, Иудея мажусийлар мамлакатига айланган эди – ҳамма ёқда бутларга сиғиниш, одамларни қурбон қилиш авж олган, фоҳишабозлик ва қонунга итоат этмаслик



кенг тус олган эди. Яхудий тарихчиси Семен Дубнов ўша даврда “Худди қонхўр Молох бутига сиғинганидек ёш болаларни Иеховага қурбон қилишар эди”, деб ёзади. Бутпарастлик фахш ва ҳаддан ошган хурофот билан боғлиқ эди. Мамлакатда жодугарлар, бузук қоҳинлар, сеҳргар ва ўликларни чақирадиганлар урчиб кетди. Қабих мажусийликка қарши овоз кўтарган пайгамбар ва руҳонийлар қаттиқ таъқибга олинар эди. («Краткая история евреев», С.-Петербург, 1912г., с.131).

Жуда узоқ давр ичида яхудийлар Тавротсиз, яъни Аллоҳ томонидан Мусо алайҳисаломга нозил қилинган муқаддас китобсиз яшаганини камдан кам одам билса керак. Бунга ишониш қийин, аммо ҳолат шундай эди. Мусонинг Тавроти йўқолиб бўлган эди.

Жўшиё ўн олти ёшга тўлганида “...бобоси Довуднинг Худосига интила бошлади. Хукронлигининг ўн иккинчи йилида эса Яхудо ва Қуддусни саждагоҳлардан, Ашеранинг устунларидан, ўйма ва куйма бутлардан тозалай бошлади. Унинг кўрсатмаси билан Баалнинг қурбонгоҳлари буздирилди, бу қурбонгоҳларнинг ёнидаги тутатқи қурбонгоҳлари ҳам синдириб ташланди”. (Солномалар-2 34:3-4).

Жўшиё шоҳлигининг ўнинчи йилида ўзининг художўйлик ишларини давом этар экан, Қуддуси шарифдаги ибодатхонани таъмирлашга буйруқ беради. Ўшанда ажабланарли воқеа содир бўлади. Библия буни қуйидагича баён қилади: “Эгамизнинг уйидаги кумуш олиб чиқиляётганда, руҳоний Хилқиё Эгамизнинг Мусо орқали берган Таврот китобини топиб олди (Солномалар-2 34:14).

Руҳоний топиб олган Тавротни ибодатхона таъмирлаш ишларига бош бўлиб турган сарой амалдори Шофонга беради у эса китобни шоҳга олиб келади: “Шофон эса китобни шоҳга олиб бориб: “Кулларингиз топширилган ҳамма ишларни бажаряптилар. Эгамизнинг уйидаги кумушлар ўша ердаги ишбошиларга ва ишчиларга берилди, — дея ҳисобот бергач, — Руҳоний Хилқиё мана бу китобни менга берди”, деб қўшимча қилди, сўнг Таврот китобини шоҳга овоз чиқариб ўқиб берди. Шоҳ Таврот сўзларини эшитгач, ваҳимага тушганидан кийимларини йиртди. Кейин руҳоний Хилқиёга, Шофон ўғли Охихамга, Михо ўғли Абдўнга, котиб Шофонга ва ўзининг мулозими Осоёхга шундай фармон берди: —

Боринглар, топилган бу китобдаги сўзларга мувофиқ, мен тўғримда ҳам, Исроил ва Яхудо халқларининг омон қолганлари тўғрисида ҳам Эгамизнинг хошиш–иродасини сўранглар. Оталаримиз бу китобдаги сўзларга кулоқ солмаганлари учун, ёзилганларга риоя қилмаганлари учун, Эгамизнинг дахшатли ғзаби бизнинг устимизга ёғилди (Солномалар-2 18:21).

Демак, Библия милоддан аввалги 620 йилларда Қуддус ибодатхонасидаги таъмирлаш (реставрация) ишлар вақтида бир нечта авлод олдин йўқотилган Тавротни топиб олингани ҳақида шаҳодат бермоқда.

### ҚАЛБАКИ ТАВРОТ

Қуръони карим бизларга Таврот алмаштирилгани ҳақида хабар беради: **“Ва Мусонинг қавмидан баъзи жамоалар борки, ҳақ ила ҳидоят қилиб, у ила адолат қиларлар. Уларни ўн икки уруғ–жамоага бўлиб юбордик... Бас, улардан зулм қилганлари уларга айтилгандан ўзга гапни алмаштирдилар. Бас, зулм қилганлари туфайли устларига осмондан азоб юбордик”.** (Аъроф сураси, 159-162).

Бу ерда яхудийларнинг зулмлари ва ҳақиқий Тавротни **“уларга айтилгандан ўзга гапни”** ўзгартиргани, яъни бузилган, қалбакилаштирилган китобга алмаштиргани учун Аллоҳ тарафидан айнан қандай жазога лойиқ бўлганини аниқлаш ўта муҳимдир. **“Бас, улар ўзларига эслатма бўлган нарсани унутганларида, ёмонликдан қайтараётганларга нажот бердик ва зулм қилганларни қилган фосиқликлари туфайли шиддатли азоб ила тутдик. Бас, улар ўзлари қайтарилган нарсадан қайтмай, такаббурлик қилганларида, уларга: «Хўрланган маймунларга айландинг!» дедик. Роббинг, албатта, уларнинг устларига қиёмат кунигача уларга ёмон азобни тоттирадиганларни юборишни эълон қилганини эсла! Албатта, Роббинг иқоби тез зотдир ва, албатта, У мағфиратли ва раҳмли Зотдир. Ва уларни ер юзида жамоатларга бўлиб юбордик. Улардан аҳли солиҳлари бор ва улардан ундай эмаслари ҳам бор. Шоядки қайтсалар, деб уларни яхшиликлар ва ёмонликлар ила синадик”** (Аъроф сураси, 165-168).

Иудея тахтида Шох Жўшиё ва ундан кейингиларнинг даври Мусо алайҳиссалом қонунларини сохта Таврот билан алмаштириш учун ўта қулай давр бўлган. Илоҳий кўрсатмалардан маҳрум бўлган қадимги яҳудийларнинг бир нечта авлоди мажусийлик ботқоғига ботди. Қабоҳатли мажусийликни инкор қилиб, тавҳидга қайтишга даъват қилган пайғамбарлар ваҳший тарзда қатл қилинди. Шоҳлар ва зодагонлар эса айш-ишрат ва дабдабабозликка ботиб ётарди. Ва тўсатдан Таврот топилди. “Қадимги” ва “йўқолган” Тавротда нималар ёзилганини эслайдиганлар жуда кам қолган эди. Ўқиб берилган қонун ва аҳдлардан художўй Жўшиё ваҳимага тушиши (“кийимларини йиртди”), у мажусийликни йўқ қилишда ширкни қоралайдиган қандайдир эски битикларга суяниши лозим бўлса-да, Шофон саройга олиб келган китоб шоҳ учун кутилмаган янгилик бўлди.

Бироқ, левийлар тарафидан милоддан аввалги 620 йили Таврот алмаштирилган, деб ҳисоблашимиз хато эмасмикан? Балки, Қуръони карим Тавротни алмаштирилгани ҳақида баён қилганида, бошқа даврни назарда тутаётгандир? Бизнингча, хато қилаётганимиз йўқ, сабабини қуйида келтирамыз.

### **БОБИЛ АСИРЛИГИ**

Бизнинг фикримизча, Қуръони каримнинг **“Ва уларни ер юзида жамоатларга бўлиб юбордик”** деган жойи ишончли белгининг таянч нуқтасидир.

Мусулмонларнинг Муқаддас китоби воқеалар ривожини қуйидагича баён қилади: Яҳудийлар жамоасининг “золимлари” Тавротни бошқа “уларга айтилгандан ўзга гапни алмаштирдилар”. Бундан сўнг эса яҳудийлар пайғамбарлар эслатган нарсаларни унутиб қўйишди. Яҳудийлар қилган жиноятлари учун Аллоҳ таоло “уларни ер юзида жамоатларга бўлиб” юборди, яъни гуноҳлари учун уларни ер юзига тарқатиб юборди. Яҳудийлар дунёнинг ҳамма бурчакларига тарқалиб, турли жамоаларга бўлиниб кетганлар. Ҳар бирларига, фалон жойнинг яҳудийси, пистон ернинг яҳудийси, дейилиш одатга айланган. Ҳозирги кунгача давом этиб келаётган ҳодиса юзага келди (“яҳудийлар диаспораси” тушунчаси назарда

тутилмоқда).

Яна Библияга мурожаат қиламиз. Биз “топилган китоб” билан боғлиқ шох Жўшиёнинг ўзи ва халқининг тақдири ҳақида Худонинг “хоҳиш–иродасини сўрашини” буюригани жойида иқтибосимизни узиб қўйган эдик.

“Руҳоний Хилкиё ва шох жўнатган одамлар пайғамбар Хулда ҳузурига бориб, унга маслаҳат солдилар. Хулда Эгамизнинг уйидаги муқаддас либослар посбони Шаллуннинг хотини эди. Шаллун Тоққатнинг ўғли, Хасранинг набираси эди. Хулда Қуддуснинг янги даҳасида яшарди. Хулда уларга шундай деди: “Исроил халқининг Худоси — Эгамиз демоқда. Сизларни Менинг ҳузуримга юборган одамга шу гапларимни айтинглар: “Мен бу юртга ҳам, бу юртда яшаётган халққа ҳам фалокат келтираман. Яҳудо шоҳи ҳузурида ўқилган китобдаги ҳамма лаънатларни ёғдираман. Улар Мендан юз ўгирганлари учун, бошқа худоларга қурбонликлар келтириб, ўз қўллари билан ясаган бутлар туфайли қаҳримни келтирганлари учун бу юртга ғазабим ёғилади ва асло босилмайди.” (Солномалар-2, 34:22-25)

Библиянинг қаҳр ҳақидаги – “бу юртга ғазабим ёғилади” ва “асло босилмайди” сўзлари Курьони карим оятлари билан уйғундир: “Роббинг, албатта, уларнинг устларига қиёмат кунигача уларга ёмон азобни тоттирадиганларни юборишни эълон қилганини эсла!” (Аъроф сураси, 166).

Янги Таврот “топилганидан” 34 йил ўтиб (милоддан аввалги 586 йил), Иудея тор-мор қилиниб, Қуддуси шариф вайрон қилинди, яҳудийлар эса Бобил подшоҳи томонидан асирга олиниб, уларни ўз юртига олиб кетади. С. Дубнов ёзади: “Бобил, Мидия, Форс, Шом ва Мисрда Иудея асирлари тентираб юришди; кўплари эса чет элликларга қул қилиб сотиб юборилди” (142-саҳифа).

**“Ва уларни ер юзида жамоатларга бўлиб юбордик”.**

## ИРҚИЙ ДОКТРИНА

Яҳудийларнинг сочиб ташланиши (“Бобил асирлиги”) Таврот топилганидан кейин 34 йил ўтиб содир бўлгани кўриб чиқдик. Тавротни ўзгартириб қўйилгани учун бундай жазога лойиқ эканини Курьони карим баён қилади. Бундан хулоса шуки, Қуддуси шариф

ибодатхонаси таъмирланаётганида “топилган” Таврот ўзгартирилган китоб эди. Аллоҳ таоло бу қилмишлари учун яҳудийларни қаттиқ жазолашига сабаб бўлган. Ҳаммаси тўғри келмоқда, бироқ “янги” Тавротга Аллоҳ хуш кўрмаган қандай ўзгариш киритилган, деган маънода савол туғилади.

Жавоб битта: тийиқсиз, ҳеч нарса билан яширилмаган, ҳаддан ортиқ ирқчиликдир. Ҳозир яҳудий динининг қўлланмаси бўлиб келаётган китоб яҳудий халқига қуйидагиларни ўргатади “Сизлар Эгангиз Худонинг муқаддас халқисиз. У сизларни ер юзидаги жамики халқлар орасидан Ўз халқи, Ўз хазинаси қилиб танлаб олди” (Қонунлар, 7; 6)

Сизлар барча халқлар орасида энг баракалисиз бўласизлар, орангизда фарзандсиз эркак ҳам, аёл ҳам бўлмайди, молларингиз орасида қисири бўлмайди... Эгангиз Худо сизларнинг қўлингизга топширадиган барча халқларни қириб юборинглар, уларга раҳм қилманглар... У ўша халқларни сизларнинг олдингиздан оз—оздан ҳайдайди. Сизлар уларни бирданига ҳалок қилолмайсизлар. Бўлмаса атрофингизда ёввойи ҳайвонлар кўпайиб кетади. (Қонунлар, 7: 14-22) Давоми ҳам шу руҳдадир.

Сўнги даъво ўзининг мулоҳазакорлиги (рационализи) билан таажжублидир. Халқлар атрофларида ёввойи ҳайвонлар кўпайиб кетмаслиги учун бирданига ҳалок қилинмайди...

Яҳудийларнинг муқаддас китобларига кўра, аста-секин йўқ қилинадиган ўнлаб насроний халқлар Тавротни Библиянинг энг муҳим қисми ўлароқ қабул қилиши ва уни қатта икром билан ўқиб келиши янада таажжублидир.

Инглиз публицист ёзувчиси Дуглас Рид бизларга етиб кетган Таврот ҳақида қуйидагиларни ёзади: “...фаластинлик кам сонли яҳудийлар қабиласи инсоният тақдирига ҳалок қилувчи портлатиш моддаси ва эпидемиядан ҳам кўра салбий таъсир кўрсатган ирқий доктринани эълон қилиб чиқди. Ҳукмрон ирқ назарияси яҳудийларнинг “Қонун”и деб атала бошланди...”

Мутаассиблар сектаси йигирма беш аср ичида бутун халқ онгини ўзига таслим қилган таълимотини ишлаб чиқишди; балки бунинг бузғунчилик оқибатлари шундандир. Ҳеч ким унинг айнан ўша вақтда ёки умуман ўша доктринанинг келиб чиқишини тушунтириб беришга қодир эмас. Бу эса

дунё сирларидан биридир. ("Спор о Сионе", пер. с англ., М., 1993 г, стр 6).

Тавротдаги одамларни ёмон кўрадиган пастулатларнинг пайдо бўлиш ҳолати ва вақтини “ҳеч ким тушунтириб беришга қодир эмас”, дейилган тушунча ҳаддан ташқари умидсизликка чорлайди. Ҳақиқатни излашга эҳтиёж бўлганида Куръони карим ҳар қандай саволга жавоб беради:

“**Батаҳқиқ, Аллоҳ Бани Исроилдан аҳднома олди. Улардан ўн иккитасини нақиб қилиб юбордик. Ва Аллоҳ: «Албатта, Мен сизлар биланман. Агар намозни қоим қилсангиз, закотни берсангиз, Пайғамбарларимга иймон келтирсангиз, уларни қўлласангиз ва Аллоҳга яхши қарз берсангиз, албатта, сизнинг хатоларингизни кечираман ҳамда сизни остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга киритаман. Бас, бундан кейин ҳам сиздан ким куфр келтирса, батаҳқиқ, тўғри йўлдан адашган бўлади», деди.**”

“**Аҳдларини бузганлари учун уларни лаънатладик ва қалбларини қаттиқ қилдик. Улар калималарни ўз ўрнидан ўзгартирдилар. Ўзларига эслатма бўлган нарсадан кўп насибани унутдилар. Уларнинг озгиналаридан бошқаларидан мудом хиёнат кўрасан. Бас, уларни авф эт ва айбларини ўтиб юбор. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади.**” (Моида сураси, 12-13)

Бу халқларни йўқ қилиш бўйича ўзгартirilган Таврот аҳдларининг зоҳирини олаётган ва дунёга ҳукмрон бўлиш умидини ҳалигача тарк қилмаётган шафқатсиз яҳудийларга қиёмат кунигача Аллоҳ тарафидан берилган жазо бўлса керак.

Ўзларни йўқ қилиш ёки кулга айланишга қаратилган доктринага барча халқлар ҳеч қачон рози бўлишмайди. Ҳаракатга қарши доим ҳаракат бўлади ва яҳудийлар учун Аллоҳ таолонинг сўзи доим долзарб бўлиб қолаверади: “**Роббинг, албатта, уларнинг устларига қиёмат кунигача уларга ёмон азобни торттирадиганларни юборишни эълон қилганини эсла!**”

**Василий Розанов мақоласи асосида**

## НЕГА ЕВРОПАЛИКЛАР НАСРОНИЙЛИКНИ ТАРК ҚИЛИБ, ИСЛОМНИ ТАНЛАШМОҚДА?

Дунёнинг деярли барча ОАВлари ва Интернет саҳифалари Исломни танлаган европаликларнинг кўп эканлиги ҳақида катта таассурот уйғотадиган статистик маълумотларга бой мақолалар билан тўлиб тошган. Келинг, ушбу ҳолат ва унинг сабаблари ҳақида фикр юритиб кўрайлик. Нега ривожланган мамлакат фуқароси бўлиб, фаровон ҳаёт кечираётган европалик ўз мамлакатини тарғиб қилаётган мафкурадан осонгина воз кечиб, ўз ҳаёти учун бошқа қонун ва бошқа мафкура излашга тушди?

Куйида Ғарб мамлакатлари қонунларининг асл моҳиятини, инсонни қонунга нисбатан ишончсиз қилган сабабларни ва унинг аянчли оқибатларини ўрганиб чиқамиз ва уларнинг тинимсиз кўрқинч ҳамда ҳаяжон сабабларига ҳам назар соламиз.

Одамлар ўзлари тўқиб чиқарган ва маълум тоифаларнинг манфаатларига хизмат қиладиган қонунларга доимо киритиб туриладиган тузатишлар, баъзи бандларни бекор қилиш ёки умуман бошқа қонунларга алмаштиришлар турли хил ўй-фикрларни кўзга келтирилади. Буларнинг барчаси европаликни “одамлар тўқиб чиқарган қонунлар ҳаётга яроқсиз” эканини тушунишга, фаҳм қилишига сабаб бўлди. Табиийки, бундай ҳолатда ғарб одами ўз ҳаёти учун соғлом аҳамият касб этадиган ва барча инсонларнинг манфаатини кўзлайдиган янги қонунларни излашга ундаб туриши ҳеч ҳам ажабланарли эмас.

### ОҚИБАТЛАРГА НАЗАР

**Ҳаётга манфаатпараст руҳда қараш.** Моддий фойда ва прагматизмга асосланган ҳаёт тарзи Ғарб жамиятларида устунликка эришди. Тижорий ва бошқа муносабатларда маънавий ва ахлоқий қадриятлар шу даражада йўқолиб кетдики, инсон қадри ҳам моддийлик билан ўлчанадиган бўлди. Муваффақиятли ва яхши одам, деб моддий таъминланган одам ҳисобланадиган бўлди. Ҳолат шу даражага етдики, ғарб одами қандайдир моддий фойда кўрсагина сарф-харажат учун ҳамёнини очадиган бўлиб қолди.

Ахлоқ ва маънавият асосларидаги муносабатлар йўққа чикди. Қандайдир эваз ёки манфаат бўлмаса хайр-эҳсонлар ҳам қилинмай кўйилди. Буларнинг ҳаммаси қандайдир фойда эвазига ўлчанадиган ва баҳоланадиган бўлди, ҳаётдаги олий кадриятлар эса унут бўлди, топталди.

**Бахт ва хотиржамликнинг йўқлиги.** Фойда ёки ғаразга асосланган бахт ҳақидаги шундай тушунчанинг шаклланишига сабаб материалистик қараш ва ҳаёт тарзи бўлди. Яъни, инсон нафси ва хоҳишини максимал тарзда қониқтириши бахтдир, деб тушуниладиган бўлди. Бахт ҳақида бундай тушунча ҳайвонларнинг “бахт” ҳақидаги тушунчасидан унчалик фарқ қилмайди. Ҳақиқий бахт эса тўғри эътиқод билан эришиладиган қалб ҳолатидир. Яъни бу сотиладиган, сотиб юбориладиган ёки бирон нарсага алмаштириш мумкин бўлган бир моддий нарса эмас. Ҳаётга нисбатан тўғри эътиқодни қалбда тарбия қиладиган ва ривожлантирадиган тўғри ва адолатли тизимдагина хотиржамликка эришса бўлади. Мулки, иззати ва ҳаётига кўз олайтирмайдиган фақат шундай тизимгина инсонга хотиржамлик бера олади.

**Жиноят, касаллик ва ижтимоий муаммолар.** Бу фожеалар Ғарбни хотиржам ухлашига йўл бермайди. Ғарбдаги жиноятларнинг асосий сабаби меркантилизм (фақат фойдани кўзлаш, манфаатпарастлик) асосидаги қараш ва барча нарсани моддий тарафдан ўлчаш ва баҳолашдир. Ҳамда нотўғри иқтисодий тизим оқибатидаги катта синфий тенгсизликдир. Ярамас тизимлар сабаб, қарама-қарши жинслар муносабатларида турли хил тузалиб бўлмайдиган СПИД ва сифилис каби касалликлар жамиятда кўпайиб кетди. Иқтисодий адолатсизлик, ихтикор (монополия), порахўрлик ва мол-дунёга эга бўлиш ва турли хил тижорий лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятларнинг мавжудлиги натижасида ғарб жамиятларида фақирлик муаммолари пайдо бўла бошлади. Бу воқеъликни ўзларида ва оилаларида ҳис қилган аксар европаликлар шаклланиб бўлган ҳолат, фожеа ва бахтсизликдан чиқиш йўлларини излашга тушдилар. Уларга бахт ва хотиржамлик келтириши мумкин бўлган ва барча фожеаларни уларнинг гарданидан олишга қодир ҳақиқий мафкурани жиддий тарзда излашга киришадилар.



**Оилаларнинг оммавий равишда бузилиши ва ижтимоий тушкунлик.** Агар ғарб оиласига назар солсак, уларнинг жуда заиф ва кучсиз эканига гувоҳ бўламиз. Уларнинг муносабатларида холис қалбдан чиққан ва жуфти тарафидан ички назоратга асосланган тўғри алоқа мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам биз эрининг аёли ҳақида, аёли эса эри ҳақида доим ёмон гумон ва шубҳада эканининг гувоҳи бўламиз. Фарзандларнинг ўз ота-оналарига маълум вақтгача боғлиқ бўлиб, кейин эса уларнинг орасида ҳеч қандай алоқаришта қолмаганини ҳам кўряпмиз. Уларнинг муносабатлари фақат моддий манфаатлар билан чегараланади. Муҳаббат, ғамхўрлик, меҳрибонлик ва шунга ўхшаш маънавий асослардан келиб чиқадиган муносабатлар унутилган. Ғарб жамиятида ота-оналаридан воз кечаётган фарзандлар тез-тез учраб туриши ҳам шундан бўлса керак. Қари ота-оналар хайрия ташкилотлари тарафидан очилган ёки баъзи мамлакатлардаги махсус ҳукумат лойиҳалари асосида фаолият юритадиган қариялар уйдан бошқа яхши жой топа олмай қолишди.

Агар биз одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларга назар солсак уларнинг муносабатлари ҳам яхши эмаслигига гувоҳ бўламиз. Ҳолат шу даражадаки, одамлар ўз қўшнилари танимайдилар ва аҳамият бермайдилар. Яна, ғарб аёлга хузурланиш ва ўз шахватини қондириш объекти сифатида қарайди. Ғарб жамияти максимал даражада аёлнинг аёллигини эксплуатация қилишга ҳаракат қилади. Аёл ёшлигини йўқотган сари ёлғизлик гирдобига дучор бўлади, худди ишлатиб ташланган матоҳ ёки ҳеч қандай қадрга эга бўлмай қолган нарсдай муносабатда бўлинади. Бундай вазиятнинг юзага келишига сабаб эса ёши катта аёл ўз гўзаллиги ва жозибасини йўқотгани бўлади. Натижада бундай аёлларда чуқур руҳий тушкунлик кайфияти юзага келади. Улар ёшлигида бўлгани каби диққат ва эътибор марказидан анча узоқлашади. Жамият уларнинг қадрига етмайди, ҳатто эрлари ҳам улардан кўра ёш ва гўзалроқларига моил бўлиб қоладилар, эски ҳис-туйғулардан янгиларига қараб қоча бошлайдилар. Аксар ҳолатларда аёллар ёши ўтиб қолгани учунгина ақлий ва руҳий тушкунликка ҳам тушиб қоладилар. Қандай даҳшат-а?!

## АЧЧИҚ ХУЛОСА

Европаликларнинг эътиқоди, тушунчалари ва булардан келиб чиқаётган қонунчилигини таҳлил қилиб, баъзилари ўзларича тўқ ва фаровон яшасаларда ғарб ҳаёти аслида чидаб бўлмас даражада жаҳаннам ҳаёти эканига гувоҳ бўламиз. Ҳамда, уларнинг тушунчасида ҳаёт маъноси фақат ҳузурланиш ва нафсларини қондириш билан чекланганини кўрдик. Ва уларнинг тушунчасига кўра, ҳиссий ва жисмоний эҳтиёжларни максимал даражада қондириш, ҳузурланиш ортган сари одам бахтли бўлармиш. Аслида эса улар бундан ҳеч қандай маъно топа олмайдилар ва улар ўз нафсларини қанчалик қондиришга уринмасин, улар ҳаргиз ҳотиржамлик ёки бахтга эришган бўлмайдилар. Балки Европанинг энг ривожланган мамлакатлари ҳисобланадиган Швеция, масалан, мана 10 йилдан ошдики суиқасд бўйича “пешво”ларнинг бири эканига ҳам шу сабабдир.

Бундай ҳолатлар ғарб одамларини тафаккур қилишга чорламоқда ва ўй-ҳаёл қилган ҳар қайси европалик ўзига ўзи савол бермоқда: “Бу ёмонликдан ва чорасизликдан чиқиш йўллари борми?!” ёки “Наҳотки, дунёда менга инсон каби муносабатда бўладиган, менинг инсонийлигимни ҳимоя қиладиган ва мен ҳақимда қайғурадиган бирон-бир мафкура бўлмаса!?” ёки “Наҳотки, қонунчиларнинг бузуклиги ва уларнинг ҳалокатли оқибатларидан мени ҳалос қиладиган биронта ҳам мафкура топилмаса!?”

## БИЗНИНГ НИМА ИШИМИЗ БОР?

Ҳақиқатдан ҳам, ғарб одамининг ҳаётга қараши жисмоний ўлим билан чекланган бўлса ва унинг бу қарашларида охирадаги ҳаёт ва Буюк Яратувчи билан мутлақо боғлиқлиги бўлмаса, у қандай қилиб бахтли бўла олсин. Европаликлар учун бутун ҳаёт бир матоҳ каби бўлса ва улар доим моддият илинжида яшасалар, қандай қилиб ҳотиржамликка эриша олсинлар? Умуман олганда, уларнинг муаммолари билан бизнинг нима ишимиз бор?

Муаммо шундаки, бугун бизнинг жамиятда ҳам ўзларини мусулмон санаган, бироқ ғарб эътиқоди ва кадриятларига кўра яшаётган азаматларимиз бор. Бундай одамлар ҳаётга бўлган муносабатлари билан ҳаёт мазмунини йўқотган европаликлардан

ҳеч фарқ қилмайди. Улар бизга ака-ука, опа-сингил – биродаримиз бўладилар. Биз уларга Исломни тўғри етказишни ўрганишимиз керак. Бироқ, Исломни тўғри етказиш учун аввал ўзимиз Ислом нима эканлигини билишимиз керак! Сиз ўзингизга шундай савол бериб кўрганмисиз?..

Биз билишимиз керакки, Ислом инсон онгини иймонга тўлдирувчи ҳаёт манҳажи бўлиб, инсоннинг бутун ҳаётини Яратган билан, бошқа инсонлар ва ўз-ўзи билан бўладиган муносабатларни унинг табиатига мувофиқ тартибга солувчи тизимдир. Ислом инсоннинг борлиқ табиатини, унинг сир-асрорларини ва ғайбини билувчи диндир. Ислом унинг эҳтиёжларини тўғри йўл билан қаноатлантиради ва инсонни барча ҳаётий ишларда муолажа қилиб, унга хотиржамлик ва эминлик бахш этувчи ҳаёт тарзини тақдим этади. У бизнинг инсоний табиатимизга ёқимли ва манфаатли бўлган нарсаларни: таълимотлар, қонунлар, панд-насихатларни берди ва инсоннинг ҳаёлига келиши мумкин бўлган кўплаб саволларга батафсил, содда ва ишончли жавоб берди. Мусулмонлар Ислом сояси ва шариат асосларида яшаган даврлар қалб хотиржамлиги ва хавфсизликни тўла ҳис қилганликлари ажабланарли эмас.

Биз мусулмонлармиз ва Аллоҳ таоло бизларни энг яхши жамоатлардан қилди. Шунингдек Аллоҳ таоло инсониятни зулматдан ёруғликка олиб чиқиш вазифасини айнан бизга юклади. Маънавий қашшоқ одамларга Ҳақ таълимотини етказиш учун авваламбор ўзимиз керакли далил ва ҳужжатларни яхши билган бўлишимиз керак. “Албатта, бу айни улуг ютуқдир! Бас, амал қилгувчилар мана шунга ўхшаш нарса учун амал этсинлар!” (Қуръони карим, 37:60-61)

Islam-Today

## ЯНГИ МУСУЛМОН БЎЛГАН СОБИҚ КАРДИНАЛ БИЛАН СУҲБАТ

У Исломни қабул қилгач, черковга хизмат қилган даврида орттирган мулкларининг ҳаммасини черковга қайтариб берди яъни, 2,4 миллион АҚШ доллари, 320 миллион Судан динори ва икки бино. Марказий Африка черкови олий кенгашининг собиқ бош котиби Ашўка Кўлин Янқў ўзининг тавҳид дини бўлмиш Исломга киргани ҳақида гапириб беради:

*Мухбир:* Умр бўйи бир динга эътиқод қилган киши уни алмаштириши жуда қийин бўлар экан. Католик черковининг энг олий мансабларига эришган кардинал Янқўни бундай қадам ташлашига нима сабаб бўлди?

Жаноб Ашўка: Ихлос ва сабр билан Ҳақни излаётган одам албатта бир куни уни топади. Динни англаш борасидаги йўлимни Ийсо алайҳиссалом сўзлари билан баён этсам, уни ўлдирмоқчи бўлган яҳудийларга қараб: “Мен сизларга Худодан эшитган ҳақиқатни сўзлаб бердим, холос. Шундай бўлса—да, сизлар мени ўлдирмоқчисизлар” (Юҳанно Инжили, 8:40).

Ийсо алайҳиссалом Аллоҳ таоло тарафидан танланган ва китоб нозил қилинган бир пайғамбар одамдир. Юҳанно Инжилида айтилишича: “Агар Отангиз Худо бўлганида эди, мени яхши кўрган бўлар эдингиз, чунки мен Худодан келиб, энди шу ерда турибман. Мен ўзимча келганим йўқ, мени У юборди” (Юҳанно Инжили 8:40).

Ийсо алайҳиссаломнинг пайғамбар этиб юборилгани ҳақида Лука Инжилида ҳам айтиб ўтилган: “Ҳаммани ваҳима босди. “Орамизда буюк пайғамбар пайдо бўлди, Худо Ўз халқини йўқлаб келди”, – деганларича, Худони олқишлар эдилар” (7:16). Яна: “Исо Куддусга кириб келганда, бутун шаҳар: “Бу ким бўлди?” – деб ҳаракатга келди. Халойиқ эса: “Бу Жалиланинг Носира шаҳридан бўлган Исо пайғамбар!” – деб таъкидлади” (Матто Инжили, 21: 10-11).

Қуръони карим ҳам бу ақийдани тасдиқлайди, Моида сурасининг 75 оятида: “**Масих ибн Марям бир Пайғамбар, холос. Ундан олдин ҳам Пайғамбарлар ўтган**”, дейилади.

*Мухбир:* Демак, Инжиллардаги ишоралар насронийликдан

*Исломга ўтиш учун кифоя қилади, деб ҳисоблайсизми?*

Жаноб Ашўка: Ийсо алайҳисалом сўзларига кўра, унга иймон келтириш унинг фақат пайғамбар эканини тасдиқлаш билан бўлади. Биз бу сўзларни инкор ҳам қилмаймиз ва қарши ҳам бормаймиз. Чунки унинг келишига икки сабаб бор:

Биринчидан, ўз халқига таълим бериш, Аллоҳни танитиш ва Унга ибодат қилдириш. Худони бир деб, ҳамда Унга ўхшаши ва тенги йўқлигини билдириш.

Марк Инжили (12:29)да айтилишича: “Бутун амрларнинг энг муҳими шу: “Тингла, эй Исроил! Раббимиз бўлган Худованд – ягона Худованддир. Раббинг бўлган Худовандни бутун қалбинг билан, бутун жонинг билан, бутун онгинг билан ва бутун қувватинг билан севгин”. Мана бу энг муҳим амр”.

Иккинчи амрда: “Ўзгани ўзинг каби севгин”. Булардан буюк амр йўқ”, дейилган (Марк Инжили 12: 31).

Ийсо алайҳиссаломни бутун қалби билан яхши кўрадиганларга мурожаат этмоқчиман: “Наҳотки сизлар, Ийсо алайҳиссалом ўргатган ва Қуръони каримда зикр қилинган Худо ҳақидаги таълимотни сақлашни истамайсиз! Ахир, Қуръони каримда: **«Айт: “У Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ сомадир. У туғмаган ва туғилмаган. Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган»** (Ихлос сураси), деб очиқ-ойдин айтиб қўйилган-ку?!

Иккинчидан, Ийсо алайҳиссаломнинг пайғамбарликлари фақат яҳудийлар учун бўлган. Ийсо алайҳиссаломнинг шариатларига бошқа миллатларнинг мутлақо алоқаси йўқ. Бу ҳақда Инжилларда ҳам айтилган эди:

“Исо эса жавоб бериб: – Мен фақат Исроил халқининг адашган қўйлари хузуригагина юборилганман, – деди” (Матто Инжили 15:24);

“Исо бу ўн икковини жўнатиб, буйруқ берди: “Мажусийлар йўлига оёқ босманглар ва самарияликларнинг бирон шахрига кирманглар” (Матто Инжили 10:5).

Ийсо алайҳиссаломни яхши кўрадиганларга яна бир маротаба мурожаат қиламан: “Эй ҳақиқатни излаётганлар! Худонинг якка-ю ягона эканини қабул қилинглар! Масих Ийсо ибн Марям Аллоҳнинг Пайғамбари, Марямга илқо қилган калимаси, Ундан бўлган рух

эканига ҳамда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло томонидан танланган охирзамон Пайғамбари эканига иймон келтиринглар. У зот олиб келган шариатга амал қилинглр. Ана шунда, Аллоҳ таоло сизларга икки баробар ажр-савоб ато қилади. Қуръони каримда: «**У (яъни, Қуръон)дан олдин китоб берилганлар унга иймон келтирурлар. Уларга тиловат қилинган чоқда: “Биз унга иймон келтирдик. Албатта, у Роббимиздан келган ҳақдир. Албатта, биз бундан олдин ҳам мусулмон эдик”**», дедилар. Ана ўшаларга сабр қилганлари учун ажрлари икки марта берилган. Улар яхшилик ила ёмонликни даф қилурлар ва уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан нафақа қилурлар», дейилган (Қасос сураси, 52 – 54-оятлар).

*Мухбир: Сиз черковни тарк қилишига ният қилганингиздан сўнг нималар бўлди?*

**Жаноб Ашўка:** Исломни қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилгач, таътилга чиқиш учун черков идорасига бордим. Менинг таътил маошим юз минг доллар эди. Черков бу пулларни менга ўтказиб бергунича кутишимни илтимос қилишди. Бироқ мен бу пулларга эҳтиёжим йўқлигини айтдим. Қолаверса, черковга хизмат қилиш даврида орттирган мулкларимни ҳам қайтариб бердим (2,4 миллион АҚШ доллари, 320 миллион Судан динори ва иккита бино). Бу улар учун кутилмаган ҳолат эди. Бундан сўнг мен икки кун давомида ўй-фикрлар гирдобига ғарқ бўлдим. Аёлим билан тўрт фарзандим буларнинг ҳаммаси Исломни қабул қилиш истагимдан келиб чиқаётганини яхши тушунишар эди. Мен Исломни қабул қилишга қарор қилганимда улар мени тўлиқ кўллаб-қувватлашди. Шу куннинг ўзидаёқ ҳаммамиз шаҳодат келтириш учун ўзимизга яқин ерда жойлашган “Нур” масжидига қараб йўл олдик. Мен йўқотилган мулкимга афсусланмайман, чунки қирқ йиллик залолатдан сўнг бунинг эвазига иймон ва қалб хотиржамлигига эга бўлдим.

Черков эса, мени ақлдан озиш касалига чалинган, дея ёлғон хабар тарқатди.

*Мухбир: Жаноб Ашўка, сиз Исломни қабул қилгач исмингизни нега ўзгартирмадингиз, чунки кўп янги мусулмон бўлаётганлар шундай қилишяпти-да?*

**Жаноб Ашўка:** Мен буни икки сабабга кўра қилмадим:

Биринчидан, асл исм ёмон бўлмаса, Ислом буни гуноҳ деб санамайди. Мусулмон киши иймони учун кўпроқ қайғуриши муҳимроқ.

Иккинчидан, мусулмон бўлмаганлар орасида даъват қилишга имкон бўлиши ва исмим ўзгариши билан уларнинг баъзиларида тушунмовчиликлар бўлмаслиги учун ҳам исмимни ўзгартирмадим. Мен ўзим зулматдан нурга чиққаним каби одамларга ҳақиқатни топишларида ёрдам бермоқчиман, иншоаллоҳ.

*Мухбир: Менинг билишимча, сиз наслий кардиналсиз. Бу рутба (унвон) ҳақида гапириб берсангиз?*

*Жаноб Ашўка:* Ҳа, тўғри айтасиз: кардинал ўғли сифатида мен ҳам қайсидир маънода наслий кардиналман. Бу рутбага эришиш учун бир нечта муҳим мансаблардан ўтдим. Бу рутба мусулмонлар тушунчасидаги муфтий унвони билан тенг десак ҳам бўлади.

Ҳар бир руҳоний киши билиши керакки, гуноҳларни одамлар эмас, фақат Аллоҳ таологина авф қилади. Бироқ черковда бунинг акси – руҳоний киши оддий насронийларнинг гуноҳларини авф этади, индулгенция (гуноҳлари авф этилгани ҳақида ҳужжат)лар таркатади. Ахир бу Аллоҳ таолонинг ҳаққига тажовуз эмасми?

Менинг Исломни танлашимга ҳиссиётларим сабаб бўлмаган. Бунинг замирида турли хил динларнинг асосларини кўп йил давомида ўрганиш меҳнатим ётибди. Бу изланишларим натижасида, Ислом Аллоҳ таоло томонидан инсониятга нозил қилинган энг сўнгги дин эканига ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам охирзамон Пайғамбари эканига ишончим комил бўлди.

Қуръони каримда: “Масих ибн Марям бир Пайғамбар, холос. Ундан олдин ҳам Пайғамбарлар ўтган”, дейилган (Моида сураси, 75-оят).

Мен ҳақ динни таниб, тавҳид йўлига кирган биринчи руҳоний эмасман. Менгача жуда кўп даъватчилар ва юқори лавозимли черков ҳодимлари Исломни қабул қилишган. Масалан, Шарқ католиклари кенгашининг президенти ва ҳоказо...

Ҳозир мен насронийларнинг турли оқим вакиллари билан баҳс қиляпман. Шарқий, ғарбий ва протестант черковлари ҳамда насроний динининг олимлари билан йирик баҳс-мунозарага тайёрланыпман.

*Мухбир: Сиз насроний даъват йўналишини исломий даъват*

*йўналишига алмаштирдингиз. Булар орасида нима фарқ бор?*

Жаноб Ашўка: Мен олдин насроний даъватчиси сифатида мусулмонларни насроний қилиш вазифам бор эди. Агар бирор мусулмонни насронийликка киритиш иложиси бўлмаса, уни катта гуноҳлар гирдобига киритиб бўлса ҳам Исломдан совитиш керак эди. Мен ўша мусулмоннинг ўз динидан ажралганидан сўнг у жамиятнинг муносиб аъзоси бўладими, йўқми, булар ҳақида ҳеч ўйлаб ҳам ўтирмас эдим. Черков мафкураси одамни фақат насроний қилса бўлди. Маънавий тарафлар эса, иккинчи даражали масала эди.

Исломда эса аксинча, ҳар ким ўз амалини назорат қилиши, гуноҳ ишларга йўл қўймаслиги лозим. Бундан ташқари мусулмон одам ўзининг иймони ва ибодати ҳақида доим қайғуриши керак. Мана шуниси билан исломий даъватнинг асосий фарқи ажралиб туради.

Биз ўзимизнинг шахсий намунамиз билан одамларга динни кўрсатамиз ва ҳеч ҳам уларни динга мажбур қилмаймиз. Агар инсон ўз ихтиёри ва қатъий эътиқоди билан Исломга келмаса, қилган ибодатларининг Аллоҳ таоло учун аҳамияти йўқдир.

Насронийларнинг даъвати эса асосан хайрия ёрдамлари, текин таом улашишлар, пул ва дори-дармон тарқатиш, жамиятнинг ҳимояга мухтож қатлами орасида таълим ишларини йўлга қўйиш асосига қурилган. Одамларни ўзига жалб этиш учун бутун бошли тизимлар мавжуд. Бироқ бунга қарамай, улар ўз ишларида кўзга кўринарли муваффақиятга эриша олмаяптилар.

Насроний динини қабул қилиш эвазига бериладиган ёрдамлардан фарқли ўлароқ, исломий хайрия ташкилотларининг ёрдамлари динидан қатъий назар барча мухтожларни қамраб олгандир яъни, мусулмонлар мухтож инсонларга Исломни қабул қилгани учунгина хайрия таомларини улашмайдилар...

“Мужтама” журнали, 1644-сон



## ЕВРОМУСЛИМАЛАР ҲИЖОБЛАРИ БИЛАН НИМАНИ БЕРКИТМОҚЧИ?

Узун, кенг кийим ва рўмол ўраганлар, илдизлари католикларга бориб тақаладиган поляк қизлари экан. Евро муслималар ҳижоблари билан нимани беркитмоқчи эканлар-а?

### ҲИЖОБ - ТОЖИМДИР

**Агнешка Аматулла Витковска:** Оилам менга учта шарт қўйди: ҳеч қандай рўмол ўрамайсан, байрамларда эса арча ва қовурилган (чўчка) тўши бўлади.

Аммо уч йил ўтгач арчадан нишон ҳам қолмади, бир марта ҳам тўшни қовурган эмасман, рўмолни эса шаҳодат калимасини айтган кунимдан бошлаб бошимдан ечган эмасман.

Аввалида рўмол ўрамоқчи эмас эдим, чунки иймон қалбда бўлиши керак, либосда эмас деб ҳисоблар эдим. Қалб, ақл ва ҳаёт тарзи – бу мусулмонларнинг муқаддас училигидир.

Шаҳодатдан бир кун ўтиб қариндошларимиз меҳмон бўлдилар ва эски шаҳарга бордик. Ҳинд либос магазинлари олдидан ўтаётиб рўмолларни томоша қилар эдим. Яқинларим билан жанжал саҳнасини уюштириш ниятим йўқ эди, ахир оқибат бир магазинга кириб энг арзон рўмолни сотиб олдим, ва сочларимни яшириб олдим. Бу асло мусулмончага ўхшамасада, тор ва йиртиқ жинсида бўлсамда, аммо бошимга рўмол ўрадим.

Ҳижоб менинг тожимдир, бу билан мен ўзимни ҳимояда эканлигимни ҳис қиламан. Баъзан масжиддаги опа-сингилларимиз билан ҳайрон бўламиз: нега бунчалик рўмолга қаршилар кўп? Чунки бу ҳеч қандай душманликни ифода этмайди-ку. Бу сиз ва мен учундир ахир. Баъзан кўчадаги фақир тиламчилар бошқалар олдига бормасдан менинг олдимга келади. Бу эса энг яхши гувоҳликдир. (Чунки мусулмонлардан фақат яхшилик бўлишини ҳамма билади, аммо тан олишни истамайди – таржимон) Эҳтимол у Ислом ҳақида ҳеч нарса билмаслиги мумкин, аммо у сезгисига (интуициясига) бўйсуниб олдимга келади. Агар менинг пулим бўлса, албатта унга бир-икки сўм бераман.

## НАЗАР УЧУН ҲЕЧ НАРСА ҚОЛДИРМАСЛИК

**Паулина Гада Квятковска:** Мен музейдаги экспонат эмасман. Менинг танам – менинг маконимдир. Онгли равишда ҳижоб ўраганман. Турли хил пардоз-андоз нарсаларига қизиқмай қўйдим; мен гзёки дунёвий роҳибага ўхшайман. Олдимдан ўтаётган одамларга ёқадими ёки йўқ, аммо улар менинг принцип билан яшаётганимни билишади. Мен кўринмас, аноним бўлдим. Аммо баъзи мусулмонлар учун, айниқса араб мамлакатидан келганлар учун мен сиёҳлар учун диққатга сазовор нарсага ўхшаб кетаман. Полшалик, муслима, рўмолда, бунинг устига инглизча ҳам гапиради. Бундай нарсани кўриш учун Вертничейдаги масжиддан марказга бориб, маданият уйи қаерда деб сўрайдиганлар албатта топилади.

Баъзан ғайритабиий равишда ҳижоб тескари маъно берадиган ҳам бўлиб қолди: энди оддийликка қайтишим учун рўмолимни ечишни керакми? Мен аёллар билан рақобатга тушиш учун эмас, балки ташқи кўриниш пойгасидан чиқиш ва эркакларни васваса қилмаслик учун рўмол ўраганман, ахир. Шу орада баъзи мусулмонлар рўмол ўраган аёл, бу амали билан унга даво қилса бўлади, деган маънода белги бермоқда, деб ҳисоблайди.

Одамларнинг менга баҳо беришидан маҳрум қилиш учун рўмол ўрадим, ахир. Бу менинг исёним эди. Рўмол диний, жуда чуқур маънога эга, аммо бу сиёсий, маданий ва эркаклар эътиборига тушадиган ҳолатга айланди. Бу менинг шахсий араб баҳоримдир.

## ХОЧ МЕНИ ҚИЙНАЁТГАН ЭДИ

**Паулина Гада Квятковска:** бизларни “Марийка” деб аташади, чунки биз кўчаларда рўмол ва кенг либосларда юрамиз. Бизларни авлиё ёки роҳибаларга ҳам ўхшатишади. Баъзан католиклар уларнинг муқаддас нарсаларини олиб қўйганимиздек, бизлардан хафа бўлишади. Нега шундай эканини ҳеч тушунмайман.

Улар Исо онаси Марямга бошқаларнинг тақлид қилишларини хоҳлашмайди. Бизларда эса рўмол ўраш фақат роҳибаларнинг монополияси бўлиб қолган. Агар мен эрга тегиб, фарзанд туғиб, оддий аёл бўлишни истасам бу ҳуқуқдан нега маҳрум бўлишим керак?

Нега мен католик черковини тарк қилдим? Менга кўра, католик черковида Худонинг жуда кўп “тан соқчилари” бор, яъни авлиёлар. Олдинлари, Худонинг ўзига тўғридан тўғри мурожаат қилишга муносиб эмасман деб ўйлардим. Мен католиклар лицейига қатнаганман ва бир куни бир соатдан ошиқ мактаб ибодатхонасида тиззада туриб, дуо қилиб, Худога эмас, балки унинг атрофидаги одамларга дуо қилаётганимни тушунганман.

**Агнешка Аматулла Витковска:** Яхши мусулмон – бу католикларнинг авлиёси кабидир, жуда кўп пайғамбарлар оддий одам бўлишган. Ҳатто саводсиз бўлишган. Нега мен уларга ўхшаб яшаш ўрнига, уларга сиғинишим керак? Католик динига мен чидай олмаганман. Хочдан эзилар эдим; Исо алайҳиссаломнинг қурбон бўлишини ёшлигимдан ҳазм қила олмаганман. Черковга кирсам, бечора одамни осиб қўйишган ва менга у сен учун ўлган, деб уқтиришарди. Исо алайҳиссаломнинг қурбонлигисиз мен ўзим учун фақат ўзим жавобгар эканимни ҳис қиламан. Ҳеч ким менинг гуноҳларим учун азобланиши керак эмас, қилган яхши ёки ёмон амалларимизни Аллоҳнинг ўзи билади.

Баъзан менга: Агнешка сен ҳеч нарса тушунмайсан, сенинг дининг араблар маданияти билан боғлиқ, деб тушунтириб кетишади. Аёллар сахро қумларидан ҳимояланиши учун рўмол ўрашган, бу дин эмас балки маданиятдир.

Шунда мен улардан сўрадим: Исо қаерда туғилган? Закопандами? Қорда жойлашган ёмонлар маконидами?

**Лубна Раад Ҳамдани:** Менинг онам католик динига мансуб ва 35 йилдан бери Ироқда яшаб келади, мен унинг иймонини ҳурмат қиламан. Исо алайҳиссаломни биз пайғамбар деб биламиз. Барчамиз – ўзим ҳам, акаларим, сингилларим – мусулмонмиз. Онам черковга бориб ибодат қилади ва ўз байрамларини нишонлайди. Бир нарсада яқдилмиз – католиклар черковида жуда кўп расмлар бор, черков ўзи ибодат учунми ёки томоша қилиш учун жойми.

## **КЕЧИРАСИЗ, МЕН БУЛАРНИ ОДАМЛАР УЧУН ҚИЛАЁТГАНИМ ЙЎҚ**

**Агнешка Аматулла Витковска:** Масжиддаги опа-сингилларим

махзун бўлишганида уйларида ҳам баъзан рўмол ўрашади. Чунки у куч ва хотиржамликни ато қилади. Мен уялганимдан ўранган эмасман, гарчи шаҳодат келтиришимдан олдин кўп уялар эдим.

Ўғлим ва қизим мени ҳар куни уйда қандай бўлсам шундай кўришади. Фақат эркаклар мени рўмолсиз кўриши мумкин эмас. Агар савдо марказида эмас, балки бизникида бўлганимизда эди, мен рўмолни ечишим мумкин эди. Ҳижоб ўрашда ҳеч қандай нафрат йўқ, балки ўзимга ва бошқаларга ҳурмат бор, халос. Менинг ташқи кўринишимга қарама, балки аввал мени бил, ким эканлигимни кўр. Албатта, баъзан эри мажбур қилган деган гапларни ҳам эшитиб қоламан. Аммо, ҳозирча эрим йўқ, мен шундай бўлишини истаганман. Баъзан ота-онам менга ғамхўрлик қилиб, ўзингни кўрсат, кимлар биландир таниш, сен ҳали турмушга чиқиб ҳаётингни қуришинг мумкин, деб ўргатишади. Мен эса ўз ҳаётимни қуриб бўлганман.

**Лубна Раад Ҳамдани:** Мен ёшлигимдан муслима рўмолда юриши кераклигини билар эдим. Менинг онам поляк аёли, аммо у ироқликка турмушга чиққан ва биз Бағдодда яшаб, шу муҳитда тарбия кўрганмиз. Мен отам тарафидаги бувим ва бошқа қариндошларимни кузатиб борар эдим. Масжидга ҳам бориб турардим.

Ироқда рўмол ўраганман, аммо у ҳам бўлса бир ой ва сиёсий сабабларга кўра бўлгани учун ҳам у ҳисоб эмас. Бу кўпроқ шахсий хавфсизлигимиз учун урушдан кейин эди, чунки яланг бош юрган аёлларга мутаассиблар тарафидан хавф бор эди-да. Ўшанда хавфли ҳудудларни тарк қилгач, дарҳол рўмолларимизни ечишига шошар эдик.

2006 йили Полшага бутун оиламиз билан қочишга мажбур бўлдик. Бу ерда бир йил яшаганимиздан сўнг, рамазон ойидан кейин, мен рўмол ҳақида ўйлана бошладим. Менда жуда кўп ҳадиксирашлар бор эди, мана масалан, институтдаги танишлар бунга нима дейишади, каби. Мен электрон мактуб орқали Мисрлик даъватчи Амр Ҳолидга мактуб ёзиб юбордим. Жуда кўп кутсам керак, чунки унга Полшанинг Лубнасидан ташқари бошқаларнинг ҳам саволи бўлиши мумкин-ку, деб ўйладим. Бироқ у эртасига жавоб ёзиб юборди. У рўмолни ўзим учун ўрашимни тушунтирди.

Кунларнинг бирида, тушлиқдан сўнг, отам сайр қилишни таклиф қилди, мен эса ўз-ўзимдан рўмол ўрабман. Ҳалигача ёдимда:

оч жигар ранг гуллик эди. Бу тўрт йил олдин эди. Ўшандан бери ҳалигача рўмолимни ечганим йўқ.

**Паулина Гада Квятковска:** Ҳозир мен ҳижоб билан боғлиқ инқирозни бошимдан ўтказмоқдаман. Мен уни шунчалик яхши кўраманки, уни ечиш ёки ечмаслик ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайман. Тана - йўлдан оздириш манбасидир. Рўмолда эса осон, чунки бу ўзим ва бошқалар учун аниқ белги-рамздор. Бошқа тарафдан эса ўзимни асоратга солишга йўл қўймайман.

Мен гўёки икки оламда яшайман. Оддий поляк мен роҳиба бўлса керак, деб ўйлайди ёки ҳеч бўлмаганда бу кимётерапияни бошидан ўтказган ёки ақлдан озган, деб ўйлайди ва у менга тегмайди.

Масжиддан чиқаётганимда эса араб-мусулмонларнинг кўзлари тешиб юбораётганини сезаман – ўшанда ҳижоб мени ҳимоя қилиш ўрнига назарларга маҳкум қилаётганини биламан.

Аммо, бу иймон инқирози эмас, муслимаман ва тақдиримга оид масалаларда ўзим қарор қабул қилишни истайман.

**Лубна Раад Ҳамдани:** Менинг ҳеч қандай сирни яшираётганим йўқ. Фақат менинг танам ўзимга тегишли халос. Худо тарафидан менга фойдаланишим учун берилган. Ким менга назар солишини ўзим ҳал қилишни истайман. Худо бизларни энг гўзал суратда яратган. Бироқ, эркинлик чиройни ҳаммага намойиш қилишда эмас.

Менинг иккита синглим бор. Аммо, улар ҳижобда эмаслар. Мен уларга ҳеч қандай босим ўтказмайман. Бу ўзи келиши керак.

Ҳижоб-бу шараф, Худонинг менга эътиборидир ва Унга иймон келтирганим ва яхши бўлишимга ҳаракат қилаётганимга далилдир. Баъзан кимдир ёш қизчаларнинг рўмол ўраганини кўриб, мусулмонлар ақлларидан озган, деб ўйлаши мумкин. Қизчалар эса оналарига ўхшашга ҳаракат қилишади. Бу ерда ҳеч ким ҳеч нарсани яшираётгани йўқ.

("Tygodnik Powszechny", Польша)

## ҲАСАН ВА НИКОЛ АМЕРИКАЛИК МУСУЛМОНЛАР

Америкалик профессионал фотосуратчи Никол Куиннинг Исломга кириш тарихи дунё бўйлаб жуда кўп одамларнинг эътиборини ўзига тортди. Интернетга қўйилган унинг видеосини шу вақтгача миллиондан ошиқ одам кўриб чиққан. Эътиборингизга Никол ва унинг эри Ҳасан ҳақидаги мақолани ҳавола қиламиз.

**Никол:** Менинг исмим Никол Куин. Мен уч йил олдин Исломни қабул қилганман (Алхамдулиллах). Мен Техас штати билан чегарадош Луизиана штатида вояга етдим. Саккиз ёшга тўлганимда эса, оилам Далласга кўчиб ўтди ва мен шу ерда мактабни тугатдим. Сўнг ўзимга иш қидира бошладим. Топган ишларимнинг аксари тунги клублар билан боғлиқ эди. Мен фотосуратчиман, кўпинча тунги клубларда одамларни суратга туширишимга тўғри келар эди. «Папарацци» деб айтиладиганлардан эдим-да. Бундай ҳаёт қанчалик аҳмоқона эканини ўзингиз ҳам бир тасаввур қилиб кўринг: чеки йўқ базму-ўтиришлар, куни билан уйқу, туни билан эса иш, соғлом ҳаёт тарзига умуман яқин келмайди.

Болалигимдан қалбимдаги Худога бўлган интилишим менга тинчлик бермас эди. Тунги клуб ҳаёти эса бўшлиқ (пустота) ҳиссини кучайтирар эди. Атрофингда эса ҳар куни ўзидан бошқаларни ўйламайдиганлар ўраган бўлади.

Дўстларим билан доим ушбу мавзуда суҳбатлашар эдим. Қалбимда уйғунлик, хотиржамлик йўқлиги ва ҳаётим учун бошқа қандайдир мақсад бўлиши кераклигини уларга айтар эдим. Шу кунларда ҳаётимда ўтиришлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Дўстларим бунга жавобан: “Сен хурсанд бўлишинг керак, кўпчилик сенинг ўрнингда бўлишини орзу қилишади. Сен машҳур шахслар, юлдузлар ва продюсерлар билан мулоқатда бўласан”. Бироқ, мен бу муҳит билан жуда яқин таниш бўлганим сабаб, буларнинг бари қалбаки, сирти ялтироқ нарса эканини, ўзлари тўқиб олган ҳаётларини совун пуфаги каби бекорга исроф қилаётгани ҳақида бу ерда ҳеч ким жиддий фикр қилиб кўрмас эди.

Мен бирон нарсани ўзгартиришга ҳаракат қилиб кўрдим. Библияни ўқишга киришдим, ички дунём ҳақида тааммул, таҳаммул қилдим. Нима излаётганимни билмаслигимдан тунлари безвота бўлиб чиқар эдим. Танишларим орасида мусулмонлар ҳам бор эди. Уларнинг мен ва дўстларимдан умуман бошқача яшаш тарзларига ажабланар эдим. Улардан қандай қилиб тунги клубларга бормаслик ва ўтиришларсиз яшаш мумкин деб сўраганимда, улар бундай жойлардан узоқроқ бўлишларини истаймиз, деб жавоб қилишар эди. Кунларнинг бирида навбатдаги суртага олиш сессиясидан сўнг дўстларим билан кичик ресторанга кирдик. Шу ерда эса бўлажак эрим Ҳасанни учратдим.

**Ҳасан:** Николни учратган вақтимда ўзим ҳам изланишда эдим. Исломга кўлимдан келганча амал қилишга ҳаракат қилсамда, ибодатларни тўлиқ бажармаётганимни билар эдим. Никол ҳам тинч ва хотиржам ҳаёт тарзини излаётган экан. Шунинг учун ҳам биз учрашган вақтимизда иккаламиз ҳам яхши бўлиш учун, ички дунёмизни ўзгартиришга тайёр эдик. Николга Ислом ҳақида хабар бераётганимда Ислом қандайлиги ва ўзим ҳам қандай бўлишим кераклигини билиб олдим. Мен Николга Исломни янада яхшироқ ўрганиш учун масжидлардаги дарсларга боришини тавсия қилдим. Шу орада эса ўзим ҳам Исломни ўрганишни ният қилдим.

**Никол:** У Ислом ҳақида гапирганида мусулмонларнинг ҳаёти ўтиришларсиз, базмларсиз ҳам мақсадга тўлалигини тушунардим. Ислом ҳақида қанчалик кўп маълумотга эга бўлсам, шунчалик бу дин мени ўзига маҳлиё қилар эди. Интернетда Исломни танлаган одамлар тарихи ёзилган видеоларини кўра бошладим. Исломга киришим учун узоқ ва қийин йўлни босиб ўтдим. Бироқ, ҳозир босиб ўтган йўлимга назар солсам, тўғри йўналишда бўлганимни фахмлайман. Исломни пухта иймон, асос ва тизим сифатида қабул қилганим биринчи қадамим эди

**Ҳасан:** Унинг Ислом асосларини ўрганишга бўлган қизиқиши туфайди ҳаёти ҳам аста-секинлик билан яхши тарафга қараб ўзгараётганини ҳис қила бошладим. Кўлимдан келганча унга ёрдам бердим. Баъзан хафталаб, ҳатто ойлаб кўришмас эдик, кейин билардимки, у ҳали ҳам шу йўналишда бориб, ўз устида ишларди.

Кунларнинг бирида у Ислом мамлакатига бориб, ўз кўзи билан мусулмонлар қандай яшаётганини кўриш истаги борлигини айтиб қолди. Мен туғилган жойим Урдунга боришини таклиф қилдим. Ўзим Америкада қолдим, қариндошларимизга эса Николни яхши кутиб олиш ҳақида илтимос қилдим. Бир ойча қариндошларим билан бирга яшаб келди.

**Никол:** У онасига телефон қилиб, боришимни айтган эди. Онаси эса хурсандчилик билан: “Келса яхши бўлар эди”, дегандилар. Улар келганимдан жуда хурсанд бўлиб, мени илиқ кутиб олишди. Мен ўзимга жуда кўп исломий либосларни ҳарид қилдим. Ҳижоб ҳақида ўйлана бошладим. Аввалида, Исломни узоқ вақт ўрганиб чиқиш лозим, кейин эса ҳижобга лойиқ бўлишим керак, шундан сўнг ўрансам бўлади, деб ўйлар эдим. Ўзим эса бу мақомга ета олмасам керак, деб юрардим. Мезбонлик қилаётган Ҳасан оиласига хурмат юзасидан уйда ва ташқарига чиқиш учун ҳижобга ўрана бошладим, бироқ аста-секинлик билан ҳар куни ўранаётган рўмолимга ўрганиб қолдим. Менга айтишларича, ҳижоб менга роса ярашар экан, ўзимга ҳам бундай усулбда юриш жуда ёқар эди. Далласга қайтиш вақтим яқинлашгани сайин ҳижобни қандай тарк қилишим, умуман ҳижобдан чиқа оламанми, дея ҳаяжонлана бошладим. Нима қилишимни билмас эдим, бошим қотти, чунки ҳижобдан чиқиш ниятим йўқ эди.

**Ҳасан:** Урдундан ҳижобда қайтганини кўриб, ўзимни бахтли хис қилдим. Бироқ буни унга билдирганим йўқ. У кўп нарсаларга бошқача қарайдиган бўлди: либослар, дўстлар, иш.

**Никол:** Уйга қайтгач, дўстларимга ҳижобни ҳеч қачон ечмайман, деб айтдим. Улар эса, бунга аминмисан, чунки бу осон қарор эмас: “Атрофингдагилар сени қандай қабул қилар экан?” Мен эса: “Билмайман, бироқ ҳижобдан чиқмайман”, деб жавоб бердим. Мен ўрана бошладим ва бунинг билан бирга янги давр ҳам бошланди. Энди тунги клубларда ишлашни бас қилишим кераклигини тушундим. Мен ўйланиб, фотосуратчи бўлиб қолишим ва шу соҳада янгича ёндашишим ҳақида қарор қабул қилдим. Янги портфолио ишлаб чиқдим ва тунги клуб ва барларда энди суратга олмайман, деб қарор қилдим. Мен тўйлар, сиёсий учрашувлар ва шуларга ўхшаган нарсалар бўйича ишлайдиган бўлдим. Мен ўз касбим йўналишини



Ўзгартирдим, янгича ишлаш услубим фойда ҳам келтира бошлади. Ҳозир эса, олдингидан ҳам кўпроқ ишга бандман, бунга эса Аллоҳ таолонинг менга совғаси, деб қабул қилдим, Алҳамдулиллаҳ.

**Никол** Исломни қабул қилганидан кейин Ҳасан унга турмушга чиқишга таклиф қилди, кўлини сўради ва улар никоҳдан ўтишди. Бироқ ҳаммаси ҳам рисоладагидек эмас эди. Николнинг ота-онаси билан маълум маънода муаммолар келиб чиқди.

**Никол:** турмуш қурганимиздан сўнг ота-онам мендаги ўзгаришларни қандай қабул қилишини билмай қолишди. Уларнинг ўйлашича, мен Ҳасан учунгина мусулмон бўлган эмишман ва улар менинг бундай қароримни қабул қила олишмади. Ҳозир эса, улар Ҳасанга бундай муносабатда бўлганидан чуқур афсусда бўлса керак, чунки энди улар уни жуда яхши кўриб қолишган ва уни дунёдаги энг яхши куёв, деб билишади.

**Ҳасан:** Баъзан ўйланиб қоламан, бир куни ҳамма нарса унинг жонига тегиб: “буларнинг ҳаммаси мен учун жуда қийин, мен ортиқ бундай яшай олмайман”, деб ташлаб кетишидан кўрқар эдим. Бундай фикрлар энди оила қурган вақтларимизда кўп бўлар эди. Бироқ, мен унинг мустаҳкам иймонини кўриб, у учун хотиржамман: у чарчадим, деб ҳамма нарсани ташлаб кетмайди, инша Аллоҳ.

**Никол:** Ислом ҳақида гап кетганида мен эрим билан тўғри йўлда бўлиш учун бир-биримизга ёрдамлашиб, ягона команда бўлиб ҳаракат қиламиз. Мусулмонлар оиласида эр ва хотин ҳаётнинг турли қийинчиликларини босиб ўтиш учун бир-бирига ёрдам беришлари керак. Яқинда Аллоҳ таоло бизларга яна бир мўъжизавий совғасини ато қилди. Биз Ҳасан иккимиз ота-она бўлдик. Оиламиз тўлиқ бўлди. Аллоҳ таолонинг менга бунчалик меҳрибонлиги шукронасини айтишдан ҳеч чарчамайман...

Менга кўра, Исломнинг асосий хусусиятларининг бири унинг энгил ва оддийлигида бўлса керак. Эҳтимол, кимдир балки бундай фикрда эмасдир ва менинг сўзимдан ажабланиши ҳам мумкин. Тўғри ҳақ йўлда бўлиш учун кимгадир қийин, оғирдир, лекин мен бу ерда қарор қабул қилишдаги осонлик ҳақида айтяпман. Қачонки одам бирон нарсани танлаши керак бўлса масалан, либос танлаши, дўст танлаши ёки ишми, Ислом инсоннинг ўзига бўлган ҳурматини янада ошириш учун тўғри қарор қилишда ёрдам беради. Ислом

## МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	2
Иброҳим алайҳиссалом ҳақларида	11
Насроний дини	14
НАСРОНИЙЛАРНИНГ МУҚАДДАС КИТОБЛАРИ	19
Қадимги аҳд	19
Янги аҳд	21
Тавҳид	25
Шажара	36
Хоч	42
Павел ва ҳаворийлар	46
Сўнгги сўз ўрнида	53
ТАРЖИМАЛАР	55
Бинокорлар кераксиз деб ташланган тош...	55
Библия Исонинг илоҳ эканлигини инкор қилади	56
Қайта тирилиши ҳақидаги ривоятлар	62
БИР ТАЪЛИМОТНИНГ ХАТОСИ	67
Исо алайҳиссалом нажот ҳақида	67
Тарсалик Павлус	68
Мажусийлик таъсири	69
Буюк қурбонлик	70
Дастлабки гуноҳ	71
Нажот – Исломда	72
Исо алайҳиссаломнинг энг буюк амри	74
Исонинг мўъжизалари унинг илоҳ эканига далил бўладими?	78
Ислом христиан дининг давоми эмасми?	88
Нега Исонинг динини Ислом дейсизлар?	92
Исонинг отаси бўлганми?	95
Насронийлик асосчиси ким?	99
Янги йил: Афсона ва воқеълик чоррахасида	103
Европанинг қора юраги	111
Йўқолган Таврот	127
Нега европаликлар Исломни танлашмоқда?	135
Янги мусулмон бўлган собиқ кардинал билан суҳбат	140
Евромуслималар ҳижоблари билан нимани беркитмоқчи?	145
Ҳасан ва Никол: Америкалик мусулмонлар	150